

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
проф. Убайдулла Уватов
Сирожиддин Саййид
проф. Поён Равшанов
проф. Абдурахим Эржаев
проф. Қахрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
ф.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Азизбек Норов

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.

Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилмиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 221-13-78 91.466-80-32

Теришга 19.10.2019 йилда берилди.

Босишга 21.12.2019 йилда рухсат

этилди. 21.12.2019 йилда босилди.

Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.

Адади 900 нусха. Буюртма № 677

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш

корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилмиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2019 йил № 4 (38)



2019 йил - Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



MUNDARIJA

БОШ МУҲАРРИР САҲИФАСИ

Ўз тилига садоқат - бу ватаний ишдир.....4

ТАРИХШУНОСЛИК

Қаҳрамон РАҲАБОВ, Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши арафасида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви (1989-1991 йиллар).....19

Ҳамшид БЕРДИЕВ, Сўнгги ўрта асрларда Бухоро амирлиги шаҳарлари тарихи: баъзи чизгилар.....25

Абдусалим КАМИЛОВ, Туркистонда миллий масала муаммолари тарихидан.....29

Зуфар ҚОРЁҒДИЕВ, Бухоро лўлиларининг оилавий турмуши ва жамоавий ҳаёти.....32

Ўктам АБДУЛЛАЕВ, Қашқадарё вилоятида педагогик кадрлар тайёрлаш: дастлабки қадамлар.....38

Шерзод ИСКАНДАРОВ, Ўзбекистон арабларининг деҳқончилик билан боғлиқ анъаналари.....42

ТЕМУРШУНОСЛИК


Акмал САИДОВ, Амир Темур Испания элчиси нигоҳида.....8

К.ҒАНИЕВ, Қ.НУРБОЕВ, Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома" асари манба сифатида47

Э. ҚОБУЛОВ, С.РАҲАБОВА, Амир Темурнинг ҳокимиятида Термизнинг ўрни.....51

Жўрабек БЕГАЛИЕВ, Амир Темурнинг Хитой буйича сиёсати57

Н.ЎРОҚОВА, У. ТОШНИЯЗОВ, "Темур тузуклари"да маънавият масалаларининг ёритилиши.....61





ТАДҚИҚОТ

С.ТУРСУНОВ, А.ПАРДАЕВ, Катта Лангар -таваррук зиёрогтоҳ...65
 Гулом КАРОМОВ, Туркистонда соғлиқни сақлаш соҳасида дастлабки қадамлар.....70
 Абдурасул РАҲИМОВ, Алишер Навойининг "Насоимул муҳаббат" асарида Катта Лангар тавсиғи.....75
 Шуҳрат ТЎРАЕВ, Буюк сайёҳ, тарихчи ва таржимон.....78
 Феруза АТАМУРОДОВА, Голсуорси ва характер яратиш маҳорати.....83
 Нигора ШАРОПОВА, Ўзбекистон халқ таълими тизимида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тадбирлари ва натижалари89
 Бекзод АХМЕДОВ, Ўзбекистонда қорақўлчилик ҳолати.....94

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

О.БЎРИЕВ, Н.РАҲАБОВА, Қашқадарё воҳаси шаҳарлари тарихига бағишлаган салмоқли монография.....98

РУҲИЯТ СУРАТИ

Абдурашид МАХМАТОВ, Ҳофизга аталган соз.....106
 Дилора ХОЛИҚОВА, Шеърлар.....110
 Байрам АЛИ, Нимкоса (Ҳикоя).....112

ЖАҲОНИЙ ЖАВОҲИР

Ф.Р.Де Шатобриан, «Атала»(овчилар)Француз тилидан Улжан Қаршибоева таржимаси.....117





O‘Z TILIGA SADOQAT - BU VATANIY ISHDIR

"Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга бўлган эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим".

Шавкат Мирзиёев

Маълумки, тил-миллатнинг бош белгиси бўлиб, ўз она тилидан маҳрум бўлган миллат тили амалда нуфузли халқлар ичига аралшиб кетишга маҳкум, албатта. Жаҳонда 5 мингдан зиёд этнослар яшайди. 7 мингдан ортиқ тил ва шевалар бор. Шундан 500 дан кўпи ўрганилган. Ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви бўлиб-бўлмай, фақат оғзаки нутқ шаклига эгадир, 140 та давлат тили мавжуд, жами 200 та тил давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. 1400 та тил эса йўқолиш арафасида турибди. Шунингдек, 70 та туркий тили мамлакатларда 250 миллион нафар киши туркийда, ўзбек тилида эса 50 миллион нафардан ортиқ киши гаплашади. Дунё тилларидан фақат 40 тасигина оғзаки ва ёзма жиҳатдан мукамал деб ҳисобланиб, ўзбек тили ана шу тиллар гуруҳига киради.

Зеро, маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида таъкидлаганидек: "Миллат тилини йўқотмак-миллатнинг руҳини йўқотмақдир. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинаи ҳаёти-бу унинг маҳаллий тили ва адабиётидир".

Тил миллат қиёфасининг муштарак қисми, энг муҳим қадриятлардан биридир ва халқнинг маданияти, урф-одати, турмуш тарзи, тарихидир. Тил яшар экан, демак ўша халқнинг маданияти, урф-одатлари, расм-русумлари ҳам боқий бўлади. Чунки халқ тақдири тил тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Миллатларнинг бир-биридан фарқлаб турувчи ҳам аслида тил ҳисобланади. Миллат бор экан тил ҳам яшайди. Тил яшар экан, у бошқа миллатлар орасида ўз нуфузига, обрўсига ва муносиб ўрнига эга бўлади. Буюк адиб Чингиз Айтматов таъбирича, "Тил халқнинг автопортретидир".

Интернет маълумотларига кўра, сайёрамиз аҳолиси 7111 та тилда сўзлашар экан. Ана шу тилларнинг атиги 1 фоизида (70 та тилда) Ер шари аҳолисининг 90 фоизи гаплашади. Қолганларида жуда кам миқдордаги аҳоли сўзлашиб, йўқолиб кетиш арафасидадир. Ер юзида ҳар икки ҳафтада битта тил умуман йўқолиб кетмоқда.

Бизнинг ўзбек тилимиз ана шу барқарор 1 фоизга қараб, 40 миллион-



га яқин аҳоли гаплашади. Ер юзида 200 нафардан бир киши ўзбек тилида сўзлашади. Ўзбек тили жаҳонда кенг тарқалган 40 тилдан бири саналиб, ҳар бирида камида 30 миллион нафар аҳоли гаплашади ("Қашқадарё" газетаси, 2019 йил, 18 октябрь).

Қўшни Афғонистонда ўзбек тили расмий тил бўлиб, шимолий ҳудудлардаги аҳолининг кўп қисми гаплашишади.

Жаҳоннинг 60 дан зиёд олий ўқув юртларида ўзбек тили ўқитилмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, ўзбек тилида қўшни Тожикистон аҳолисининг 13, Қирғизистоннинг 15, Қозоғистоннинг 4, Туркменистоннинг 6 фоизи сўзлашади. Бундан ташқари Туркия, Хитой, Эрон, Россия, АҚШ, Швеция, Латвия, Украина, Мўғулистон сингари мамлакатларда ўн минглаб нафар миллатдошларимиз яшайди.

Собиқ Иттифоқ даврида ўзбек тилининг муносиб доираси ниҳоятда торайган, у расмий эътибордан четда қолганди, "бозор тили", "уй-рўзгор тили" га айланганди. Миллатимиз фидойилари, айниқса ёшларни имкон даражада ҳимоя қилдилар ва равнақи учун курашдилар. Қалтис вазият ва ижтимоий-иқтисодий мураккабликларга қарамай, 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши миллий мустақилликни қўлга киритишда дастлабки дадил қадамлардан бири эди. Бу қонун халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги азму қарорнинг ёрқин намоёни бўлди. Орадан икки йил ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни - Конституциямизни ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди. Давлат тили мақоми 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлади. Бош Қомусимизнинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир", деб қайд этилган (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т., 2018. Б.4).

Мазкур тарихий ҳужжатга биноан она тилимиз мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили халқимизнинг барча жабҳаларида-давлат ва жамият бошқарувида, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида баралла янграмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 2 сентябрда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди, янги алифбо ўзбек тилининг миллий хусусиятларини ёзувда мукамалроқ акс эттириш имконини берди. Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрирда тасдиқланди.

Истиқлол даврида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришда буюк мар-



раларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Юртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам ҳаётимизда Ватан туйғусини жўш урдираверади. Ўзбек тили ўтган йилларда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро муносабатларида меҳр-муҳаббат тилига айланади.

Ҳозирги даврда "Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари" бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, юксак босқичидаги даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграётган хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш тинимсиз кучаймоқда.

XX аср бошида олти тил - ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида лугат тузган Исҳоқхон Ибратнинг қўйидаги ҳикматли сўзлари ниҳоятда терандир: "Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиши учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат-бу ватаний ишдир".

Бугунги жаҳон миқёсидаги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Юртбошимиз томонидан ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни, аҳамияти ва таъсирини кўрсатиш, жаҳондаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги улкан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуг аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 21 октябрда "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.

Мазкур Фармонга кўра 21 октябрь санаси "Ўзбек тили байрами куни" деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида 9 штат бирлигидан иборат Давлат тилини ривожлантириш департаменти тузилмаси-атамалар Комиссиясини ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сифатида такомиллаштириш Концепцияси ва давлат дастури қабул қилиниши режалаштирилди.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион нафар киши атрофида десак, бу она тилимизнинг дунёдаги йи-



рик тиллардан бирига айланиб бораётганлигидан далолат беради. Бугунги кунда халқаро минбарларда обрў-эътибори тобора юксалаётган Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда она тилимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбек тили АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университетлари, жамики 100 дан зиёд зиё масканларида ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони кун сайин кўпаймоқда.

Шу борада мамлакатимизнинг хорижий элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналарида "Ўзбек тилининг дўстлари клублари" ташкил этилмоқда. "Туркий адабиёт хазинаси" китоблар туркуми нашр қилинмоқда. Давлатимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлгани, ўзбек тилининг халқаро мақомини янада юксалтиришга хизмат қилади, албатта.

Ўзбек тили нуфузини янада кўтариш бўйича Президентимизнинг 2019 йил 4 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасини "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинишининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори, Юртбошимизнинг 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ва юқорида таъкидланган Президент Фармони энг асосий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Хуллас, миллий ўзлгимиз, мустақил давлатчилигимиз тимсоли, миллатимизнинг улкан бойлиги ва бебаҳо маънавий мулки бўлган она тилимиз бизга олис аждодларимиздан ноёб меросдир. Миллатимизнинг асосий бойлиги саналган она тилимизни келажак авлодларга безавол етказиш эса қалби уйғоқ, ўзини зиёли санаган ҳар бир ўзбекистонликнинг инсонийлик бурчи ҳисобланади.

Зеро, Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Она тилимиз-миллий маънавиятни битмас-туганмас булогидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир" ("Халқ сўзи" газетаси, 2019 йил 22 октябрь).



AMIR TEMUR

ISPANIYA ELCHISI NIGOHIDA

(Муқаддима ўрнида)¹

Акмал САИДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

"Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқига "Адолат-давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир", деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улугвор гоя инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди"¹,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти



Мамлакатимиз истиқдолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Мустақиллигимизнинг ҳар бир тадбирида, суверен Ўзбекистоннинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Амир Темур номи, унинг сиймоси халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, имон-оқибатли бўлишда, маданий-маърифий илдишларимизни чуқур англашда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлаб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, **"Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз биз - авлодларга қолдирган васиятида гоят муҳим бир фикрга алоҳида урғу бериб", "Эл дардига дармон бўлмоқ - эзгу вазифангиздир", деб таъкидлагани албатта бежиз эмас"**.

Буюк аجدодимизнинг энг муҳим фазилатларидан бири шу бўлганки, у бундан олти аср аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро яхши алоқалари, манфаатли ҳамкорлигисиз ёрқин истиқболи бўлмаслигини теран англаган. Шу сабабли улуг Соҳибқирон Европа ва Осиёни боғлашга ҳизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан - Хитой, Ҳиндистон, бир томондан - Франция, Испания, Англия ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга интиланган.

¹. Руи Гонсалес де Клавихо. Амир Темур Испания элчиси нигоҳида. Т-: «Zamin» nashriyoti, 2019. Б. 3-14.



Амир Темур Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III (айрим манбаларда - Испания Қироли Генрих III) , Франция ҳукмдори Шарл VI (манбаларда - Карл VI), Англия Қироли Генрих IV (айрим манбаларда - Ҳенрих VI) саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа бир қатор - жами йигирмадан ортиқ - хорижий давлат элчиларини ўз салтанатида қабул қилгани ҳақида атрофлича баён этилган кўплаб тарихий ва илмий асарлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, 1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқинидаги Чубуқ водийсида Амир Темур билан Усмонли Султони Боязид Йилдирим аскарлари ўртасида кечган ва Соҳибқирон ғалабаси билан якун топган жангга гувоҳ бўлганлар орасида Кастилия ва Леон Қироли Дон Энрике III томонидан Амир Темур ҳузурига йўлланган элчилар - Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос ҳам бор бўлган. Жангдан сўнг Туркистон амири элчиларни қабул қилади, улардан испанлар давлати ва қиролнинг ҳол-аҳволи ҳақида суриштиради, зиёфатларга таклиф этиб, кўп ҳадялар беради.

Элчиларнинг қайтиш пайти келганида Соҳибқирон икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида улар билан бирга қобилиятли беклардан Муҳаммад Кешийни ҳам мактуб ва совғалар билан Кастилияга элчи қилиб жўнатади. Муҳаммад Кеший у ерга эсон-омон етиб бориб, мактуб ва совғаларни Дон Энрике III га топширади.

Чиндан ҳам, адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаравон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келган. "Соҳибқирон Амир Темур бобомиз "Куч - адолатда" деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришгани тарихдан яхши аён.

Шу ўринда Кастилияга йўл олган Амир Темур элчисининг шахси ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Унинг номи баъзи бир манбаларда "Муҳаммад қози", "Муҳаммад ал-қози", кейинги тадқиқотларда эса "Муҳаммад Кеший", "Муҳаммад ал-Кеший" тарзида келтирилган.

Маълумки, Амир Темур Насаф ва Кеш олимлари, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахсларни ўз саройига ишга жалб этган. Улар турли лавозимлар қатори элчилик вазифасини ҳам адо этишган. Масалан, Муҳаммад Кеший Соҳибқироннинг элчиси сифатида маълум муддат Испанияда яшаб келган бўлса, Мавлоно Абдуллоҳ Кеший Амир Темур томонидан Миср султони Фаражга элчи қилиб юборилади.

"Кеш" сўзининг "қоз"га айланиб қолиши масаласига келсак, буни Европа тилларининг ўзига ҳос талаффуз талаби билан ҳам изоҳлаш ўринлидир. Масалан, ҳатто Руи Гонсалес де Клавихонинг ўзи ҳам баъзан тарихий атоқли номларни ва жойлар номини турлича ишлатган. У Тўхтамиш номи бир ўринда - Тотамих, бошқа жойда - Керамих, яна бир ўринда -

Тетанис деса, Табриз шаҳри номини эса Торис, Турис, Таурис қабилада турлича шаклларда қўллайди.

Европалик олимларнинг тарихий атамаларни қўллашдаги бу каби хатоликлари билан бир қатор яна бир жиҳатга эътибор қаратиш керакки, бу камчилик баъзи илмий муаммоларни юзага келтиради. Яъни, европаликлар тўлиқ ишонч билан Амир Темур ва темурийлар томонидан юборилган элчиларни форсийлар деб қабул қилишган, лекин бу фикр умуман нотўғри.

Амир Темур одатда Европа мамлакатларига масиҳийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско, Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоанн ана шундай вазифаларни адо этган. Мисол учун, 1402 йилда Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг хатларини олиб борган. Муслмон дипломатларидан фақат Муҳаммад Кешийгина Европага боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Европа тилларидан бирини билганлигидан далолат беради.

Ўша даврда Амир Темурнинг шуҳрати бутун Европага тарқалган эди.

Шу сабабли Муҳаммад Кеший Кастилия Қироли Дон Энрике III ҳузурида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинади. У қирол саройидаги ва йирик зодагонлар қасридаги қабулларда иштирок этади. Қирол унга Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини қўшиб, ҳурмат - эҳтиром билан Самарқандга кузатиб қўяди.

Аслида, Пайо ва Ҳернан берган маълумотлардан қониқмаган Қирол иккинчи элчи сифатида Клавихони Амир Темур ҳузурига жўнатади. Сайёҳ ва элчи Фра Альфонсо Поэс де Санта Мария, қиролнинг шахсий соқчиси Ҳомес де Салазар ва Рун Гонсалес де Клавихо ҳамроҳлигида қиролнинг ўн бир нафар хизматкори 1403 йил 23 майда йўлга чиққан.

Клавихо бошчилигидаги делегация 1404 йил 29 майда Арарат тоғини кесиб ўтгач, Арманистон ва Эрон чегарасида Амир Темур ҳузурига кетаётган Миср элчисини учратган. Клавихони Миср элчисининг Соҳибқиронга олиб кетаётган совғаси ажаблантирган. Бу жирафа эди.

Элчилар узоқ ва толиқарли сафардан сўнг Амударёни кесиб ўтгач, икки тоғ орасидаги "Темир дарвоза"дан ўтадилар. Бу ерда божхона жойлашган бўлиб, шимолий Ҳиндистондан келадиган моллар шу ердан ўтиши мажбурий бўлган.

Амир Темур салтанати ана шу манзилда тушадиган божхона тўловларидан катта миқдорда фойда оларди.

Клавихо бошчилигидаги Испания элчилари Соҳибқироннинг киндик қони тўкилган юрти -Кешга (ҳозирги Шаҳрисабз) 1404 йил 28 августда келган. Улар икки кун давомида бу ердаги Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти билан боғлиқ барча иморатларни диққат билан кўздан кечирган.

Айниқса, Клавихонинг ўша сафари чоғида Оқсарой билан илк танишуви ҳақида битган хотиралари эътиборга молик: "Эртаси (29 август), жума



куни элчилар Кешдаги яна бир маҳобатли саройни томоша қилишди. Подшониниг амри ила бунёд этилаётган бу кошона қурилиши (1380 йилдан бошланган - А.С), айтишларича, йигирма йилдан бери ҳар куни, тинимсиз давом этади. Шу кунларда ҳам (бу ерда) кўплаб усталар ишларди. Саройга жуда узун йўлақдан, бағоят баланд дарвоза орқали кирилади".

1404 йил 30 августда Кешга чопар келиб, уларни пойтахтга бориш учун таклиф қилган. Клавихо билан бирга юртга қайтган Муҳаммад Кеший ҳам узоқ ва машаққатли йўл босиб, 1404 йилнинг август ойи охирларида Самарқандга етиб келган.

Тарихий манбалар Кастилия қироли элчилари билан бирга қайтиб келган Муҳаммад Кеший испанияликлар кийимини кийиб олганидан гувоҳлик беради. Хусусан: "Темурбекнинг Кастилия қироли ҳузурига йўллаган элчиси ҳам биз билан бирга эди. Испанча кийинган элчини кўриб, ватандошлари кулиб юборишди", деб ёзади Клавихо.

Соҳибқирон Кастилия элчиларини 1404 йил 8 сентябрь куни Самарқанд ташқарисидаги Дилкушо боғида қабул қилади. Бу ерда Европа элчилари илк маротаба бўлиб, Амир Темурни кўриш бахтига муяссар бўлганлар.

Хат билан танишгач (элчилар орасидаи роҳиб Поэс лотин тилида ёзилган номани форс ёки турк тилига таржима қилиб берган), меҳмонлар шарафига катта базму жамшид уюштирилган. Зиёфат якунида элчилар совғаси келтирилган ва улар ичидан Кастилиянинг долчин ранг ва ёрқин матолари Амир Темурнинг олқишига сазовор бўлиб, уларни хотинларига тарқатиб берган.

Кастилиялик меҳмонлар Самарқандда уч ой қолган, 10 дан зиёд байрамларда иштирок этган ва 5 маротаба Амир Темур билан учрашган, 1404 йил 22 сентябрда кастилияликлар муҳташам бир зиёфатда қатнашган, бу маросим "Боғи Нав"да бўлиб ўтган. Клавихо Амир Темурнинг хотинларини ҳам яқиндан кўриш имконига эга бўлган.

Клавихо 1404 йил 21 ноябрда Амир Темур билан хайрлашиб, Миср ва Туркия элчилари билан биргаликда Бухоро орқали чиқиб кетган. Икки ой ўтгандан сўнг Табризга етиб келгач, Амир Темурнинг Хитойга юриши чоғида олмадан ўтганини эшитган.

Шу тариқа Клавихонинг сафари 3 йил давом этган ва элчилар қуруқлик ҳамда денгизда 10 000 км масофани босиб ўтган. Клавихо 1403 йил 22 майда Кадисдан йўлга чиқиб, денгиз йўли орқали Родос, Константинополь ва Трапезунддан ўтиб, 1404 йилнинг сентябрида Самарқандга етиб келган бўлса, 1406 йил март ойида Кастилияга қайтиб борган.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, улуғ аждодимиз Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Бугун юртимизда, шунингдек, хорижий мамлакатларда Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда. Бу китоблар орасида Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги. 1403-1406



йиллар" номли асарида баён этилган хотиралари, шак-шубҳасиз, алоҳида ўрин тутди.

Клавихонинг Самарқанд сафари кундаликлари кўпчиликка яхши маълум. Афсуски, элчининг шахси ҳақида у қадар бой маълумотлар етиб келмаган. Унинг умрбўйи фаолияти қирол саройида кечган.

Қадимий ҳужжатлар гувоҳлик беришича, Клавихо аввалига Қирол Дон Энрике III нинг ота -боболари - Энрике II ва Хуан I саройида мулозим бўлган. Сўзга чечанлиги ва ҳассос нотиқлиги туфайли Энрике III уни Амир Темур ҳузурига элчи этиб юборишга муносиб деб топади.

Амир Темур салтанатига саёҳати туфайли дунё юзини кўрган кундаликлари Клавихони оламга машҳур қилиб юборди. Зотан, неча асрлардан буён унинг бебаҳо кундаликлари Марко Поло, Иоанн Галонифонтибус, Афанасий Никитин, Барбаро ва Контарини асарлари билан бир қаторда Ўрта асрлар жаҳон адабиётининг олтин фонди саналади.

Шу билан бирга, Кастилиядан махсус топшириқ билан Клавиходан олдин юртимизга келган биринчи элчилик вакиллари томонидан қиролга топширилган ҳисоботлар ҳам Испания архивларида сақланиб қолган экан. Маълумотларга қараганда, Кастилиянинг биринчи элчилиги вакили Хуан Эскамильонинг йўл хотиралари ҳозирги пайтда Мадриддаги Қироллик музейида сақланмоқда. Энг муҳими, унда элчи Амир Темур ҳузурига кўрганларини батафсил қоғозга туширган.

Кастилиянинг иккинчи элчилиги вакили Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги. 1403-1406 йиллар" китоби бу борада алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу асарнинг асл иккита қўлёзмаси Мадрид Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, XV - асрнинг биринчи ярмига, яъни муаллиф ҳали ҳаёт бўлган даврга мансуб қўлёзма ноёброқ бўлиб, у икки бетига ҳам ёзилган 154 варақдан иборат, саҳифалардаги матн икки устунга жойлаштирилган, айрим варақлари яроқсиз ҳолга келиб қолган, бошланиш ва якуний қисмлари йўқ. Иккинчи қўлёзма XV аср охирига мансуб ва нисбатан яхши сақланган. Шу боис Клавихо кундаликларини нашр этишда, даставвал, ана шу қўлёзма асос бўлиб хизмат қилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Руи Гонсалес де Клавихонинг асари испан, француз, инглиз тили каби Европа халқлари тилларида нашр қилинган илк ёзма манбадир. Бу китобнинг, шунингдек, Япония, Россия, Аргентина каби дунёнинг бир қанча мамлакатларида инглиз, француз, турк, форс тилларидаги таржималари чоп этилган.

1582 йил Испаниянинг Севилия шаҳрида Арготе де Молина Клавихо кундаликларининг биринчи нашрини амалга оширган. Нашр китобга титул варағи ва қисқача тақриз ҳам киритилган. Китоб 1881 йилда ва кейинги даврда Испанияда бир неча марта қайта нашр этилган. Франциялик машҳур темуршунос олим Люсьен Керен 1990 йилда ушбу нашрнинг тўла қамровли фундаментал шарҳли таржимасини нашр қилдирган.



Руи Гонсалес де Клавихонинг ушбу китобига "Ўрта аср Шарқининг қомусий сажиядаги асари" деган юксак баҳо берилгани бежиз эмас. Айниқса, асарнинг Европа тилларидаги таржималари ичида 1990 йилда Парижда каминанинг ҳаммуаллифи бўлмиш профессор Л.Керен таржимасида "Самарқанд - Амир Темур саройига саёҳат" сарлавҳаси билан чиқарилган французча нашри алоҳида аҳамият касб этади.

Чунки аввало таржимон ва тадқиқотчи ҳамкасбим Л.Керен Клавихо кундаликларига оид маълумотларни бир жойда - ягона муқова ичида тўпланган. Шунинг баробарига, ўша даврда Европа қиролларининг Амир Темур салтанати билан олиб борган ёзишмаларини ҳам ушбу ноёб нашрга илова қилган.

Инсоният янги аср, янги минг йилликнинг 20 - йилига қадам қўйган, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаётган тарихий даврда яшаш асносида, буюк келажак барпо этиш учун қатъий бел боғлаган Соҳибқирон ворислари учун Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб, хизмат қилаётган шу дориломон кунларда Руи Гонсалес де Клавихо кундаликларининг бевосита испан тилидан ўзбек тилига таржимаси юртдошларимиз эътиборига яна бир бор ҳавола қилинмоқда.

Асар таржимони - Улуғбек Жўраев. У 1978 йил 16 январда Тошкент вилояти Пискент туманида туғилган. Маълумоти олий, 1996-2000 йилларда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети таржимонлик факультетининг Испан-инглиз тиллари йўналишида таҳсил олган. 2000-2003 йилларда "Хизматлар дунёси" хусусий фирмасида испан тили буйича таржимон бўлиб ишлаган.

2003-2005 йилларда Тошкент давлат Шарқшунослик институти Халқаро алоқалар ва иқтисод факультети талабаларига испан тилидан дарс берган. Шу орада, яъни 2004-2006 йилларда ўзи ҳам мазкур институтда ўқиб, таржима назарияси ва амалиёти факультетининг магистрлик босқичини таомлаган.

Сўнгра У. Жўраев 2005-2009 йилларда "Silvernile" хусусий фирмасида ташқи иқтисодий фаолият бўйича менежер бўлиб ишлаган. 2009-2010 йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнали таҳририятида катта муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатган. Айни вақтда "Мега Transtrading" хусусий фирмаси менежери ҳисобланади.

Ёш таржимон ушбу китобни тайёрлаш билан боғлиқ фаолиятда, асосан, иккита нуфузли манбага таянган. Биринчи манба - йирик испан тарихчиси, таниқли эксперт, профессор Лопес Эстраданинг 1943 йили Мадридда Николас Антонио Институти томонидан нашр этирилган тадқиқотидир.

Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, беш бобни қамрайдиган биринчи қисмида Самарқандга элчилик тарихи ҳақида сўз боради ва саёҳат солномаси баён этилади.



Етти бобдан иборат иккинчи қисм матннинг филологик таҳлиliga бағишланган. Профессор Лопес Эстрада мазкур китобни тайёрлашда манба сифатида Испания Миллий кутубхонасида сақланаётган XV асрга мансуб Bd 72-9218-рақамли асл қўлёзмадан фойдаланган.

Ўзбек таржимони асос қилиб олган кейинги манба профессор И.Срезневскийнинг илмий изланишлари натижаси бўлмиш икки тилда чоп этилган асар – ўрта асрларга хос рус тили ва эски испан тилидаги китобдир. 1881 йилда чоп этилган ушбу китоб 1971 йилда Иван Дуйчев томонидан Лондонда қайта нашр қилинган. И.Срезневский, ўз навбатида, китобни тайёрлашда Арготе де Молина муаллифи бўлган 1582 йилги испанча нашрга таянган.

Ушбу таржима наинки таржимоннинг, айна чоғда, бу асарни муштарийга етказишдек савобли ишга ҳисса қўшган, қолаверса, унда баҳра оладиган ҳар бир юртдошимизнинг шавкатли давлат арбоби Амир Темурни яна бир бор ёд этиш, Соҳибқирон ҳазратларининг миллатимиз ва юртимиз довуғини оламга ёйиш борасидаги улкан хизматлари учун буюк бобокалонимиз руҳи олдидаги маънавий қарздорлик бурчини адо этиш йўлида қилинган камтарин хизмати, балки чексиз ҳурмати ва эҳтироми белгисидир.

Улуғбек Жўраев Клавихо хотиралари таржимаси билан кўп йиллардан буён шуғулланиб келади. У дастлаб асарнинг эски испан тилида таржимасини 2006 йили китоб ҳолида нашр этгирди. Сўнгра 2007 йили каминанинг масъул муҳаррирлигида чиққан **"Амир Темур Европа элчилари нигоҳида"** номли тўпلامга Султония архиепископи Иоанн қаламига мансуб **"Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар"** асари Баҳодир Эрматов таржимасида ҳамда Клавихо кундаликлари Улуғбек Жўраев таржимасида киритилган.

У. Жўраев таржимасининг янги нашри ўзбек китобхонининг ушбу нодир асарга бўлган улкан қизиқишни ҳисобга олган ҳолда тайёрланди. Китоб тарихий хотира ва суратлар билан безатилган. Ўзбекча матн тилига янада пухта сайқал берилгани ҳам диққатга лойиқ.

Клавихо кундаликларининг ўзбек тилидаги таржималари ҳақида фикр юритганда, албатта, XX асрнинг 80-йилларида атоқли адабиётшунос олим, профессор Очил Тоғаев бу эзгу ишга биринчилардан бўлиб қўл ургангани эътибор ва эҳтиром билан таъкидлаш зарур. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Михли Сафаров қайд этганидек, "ушбу таржима мамлакатимизда ҳуррият шабадалари энди эса бошланган жўшқин бир даврда," **"Санъат" журналининг 1988 -1990 йиллардаги 15 та сониде узлуксиз эълон қилиб борилди".**

Шундан сўнг 1996 йили Клавихо кундаликларидан О.Тоғаев таржимасининг бевосита Амир Темур ва темурийлар салтанати тўғрисидаги йирик бир қисми академик Бўрибой Аҳмедовнинг муқаддима сўзи билан **"Амир Темур ва Мирзо Улуғбек - замондошлари хотирасида"** номли тўпلامда



эълон қилинган. Ниҳоят, 2010 йили Очил аканинг таржимаси алоҳида китоб ҳолида, нисбатан мукамал ва тўлиқ шаклда нашр этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Кастилия қиролининг элчиси **Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406)" асари** Европада ушбу мавзуда нашр этилган энг муҳим тарихий манбалардан бири ҳисобланади. Ушбу асар "Самарқанд сафари кундаликлари", "Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат", "Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406)" каби турли номлар билан китобхонга яхши танишдир.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Клавихо Амир Темурни кўриб, у билан бевосита суҳбатлари асосида хотиралар ёзган саноқли, яъни тўрт кишидан биридир. Бу ҳолат Ибн Арабшоҳ, Ибн Халдун, архиепископ Иоани яратган хотиралар каби испан элчиси кундаликларнинг ҳам ҳаққонийлигини янада оширади. Бинобарин, ҳаққонийлик - ҳақиқат ва адолатта элтувчи йўлдир.

Бу тарихий асарнинг аслиятдан бевосита ўзбек тилига таржимаси китоб ҳолида чоп этилиши Ўзбекистон ва Испания давлатлари ўртасида тобора кенгайиб бораётган маданий ва илмий-маърифий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Бобокалонимиз Амир Темур билан юзма-юз суҳбатда бўлган испан элчиси Клавихонинг она тилида битилган кундаликларидан Соҳибқирон ва унинг ворислари она тилига содда, равон ҳамда мароқли услубда ўгирилган ушбу китоб жамиятимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа сифатида баҳоланишига ишончимиз комил.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод - буюк келажакнинг, тадбиркор халқ-фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Тошкент, 2018 йил 8 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти - president.uz (<https://president.uz/uz/list/view/2180>).

2. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т. , "Ўзбекистон" НМИХ, 2017. -92-93- бетлар.

3. Энрике III (исп. Enrique III el Doliente) 1379 йил 4 октябрда Бургосда (Испания) туғилган ва 1406 йил 25 декабрь куни, 27 ёшида Толедода вафот этган. Отаси - Хуан I; онаси - Леонор Арагон. Энрике III 1390 йилдан расман, 1393 йил 2 августдан, 13 ёшлигидан эса, амалда Кастилия ва Леон қироли сифатида фаолият бошлаган. Энрике III қироллик қилган даврда ҳокимият барқарорлигини таъминлаб, иқтисодий аҳволини яхшилаган, шунингдек, бир қатор ҳарбий зафарларга эришган. Жумладан, Кастилия флоти инглизлар устидан бир неча бор ғалаба қозонган; 1400 йилда ушбу



флот Тетуанадаги (Шимолий Африка) қароқчилар қароргоҳини яқсон этган. 1388 йилда Байон шартномасига мувофиқ герцог Ланкастер билан Констанса Кастилияликнинг қизи Екатерина Ланкастер (1373-1418) билан никоҳдан ўтган. Бунинг натижасида династиявий низоларга барҳам берилган ва Англия билан тинчлик ўрнатишга эришилган. Энрике III ушбу никоҳдан 3 нафар фарзанд кўрган; 1. Мария; 2. Каталина; 3. Хуан II. Хуан II отасининг бевақт ўлимидан сўнг Кастилия тож-тахтига ворислик қилган. Қирол Энрике III Амир Темур ҳузурига икки марта элчилар юборгани тарихда маълум. Биринчи элчилар гуруҳига - Ҳернан санчес де Паласуэ-лос, иккинчисига эса Руи Гонсалес де Клавихо раҳбарлик қилган. Клавихо ўзининг ушбу сафари хотираларини "Амир Темур ҳузурида элчиликда" (исп. Embajada a Tamorlan) номли китобида баён этган. Қаранг; Генеалогия Энрике III (<http://topclass.narod.ru/genealogy/date/3/104.html>): Энрике III (<http://www.fuenterrebollo.com/faqs-numismatica/enrique3.html>).

4. Шарль VI (Charles VI le Fol, ou le Bien-Aime) - "Мажнун Шарль VI" ёки "Ошиқ Шарль VI" деб ном қозонган, 1380-1422 йилларда ҳукмронлик қилган Франция қироли. У Капетинлар сулоласи Валуалар хонадонининг тўртинчи қироли ҳисобланиб, 1368 йил 3 декабрда Париж шаҳрида туғилган ва 1422 йил 21 октябрда Парижнинг Сен-Поль саройида вафот этган. Шарль V ва Жанна де Бурбоннинг ўғли, 12 ёшида отасидан айрилган ва Реймс ибодатхонасида 1380 йил 4 ноябрда тахт ворисига айланган ҳамда тантанали равишда қироллик тахтига ўтирган. 1385 йилда Изабелла де Бавьер билан турмуш қурган. Уларнинг никоҳидан 6 нафар қиз ва 6 нафар ўғил фарзанд туғилган. Малика Изабелланинг деярли ўзи 1403 йилдан бошлаб бутун Францияни бошқарган. Шарль VI нинг Одетта (Удина, Одинетта) де Шамдивердан никоҳсиз фарзанди (қизи) ҳам бўлган. Шарль VI руҳий жиҳатдан бемор бўлгани ҳақида ҳар хил таҳминлар мавжуд бўлиб, улардан бири генеалогик омил ҳисобланади. Яъни, қирол ота-онаси ўртасида яқин қариндошлик ришталари бўлган. Шарль VI даврида Франция ташқи сиёсати ривожланган бўлиб, йирик давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилган ва тинчлик ҳукмронлик қилган (1392-1404). Бироқ орада урушлар, жумладан, арманьяк ва бургиньонлар ўртасида фуқаролик уруши (1404-1415) ва машҳур Юз йиллик уруш қисман қайта тикланиши (1414-1420) кўринишидаги жанглар ҳам бўлиб турган. Шарль VI шахсиятини улуғлаб бир неча асарлар яратилган. Шоир ва романнавис адиб Жерар де Нервалнинг "Шарль VI туши" достони ҳамда "Масхарабозлар қироли" романи, машҳур француз адиби Александр Дюманинг "Изабелла де Бавьер" романи, Эдгар Аллан Понинг "Бақача" ("Hop Frog") ҳикояси шулар жумласидандир.

5. Генрих IV Болингброк - Ланкастерлар династиясининг асосчиси, 1366 йил 3 апрель куни Болингброкда (Линкольншир) туғилган ва 1413 йил 20 март куни 46 ёшда Вестминстерда вафот этган. Отаси - Ланкастер герцоги Жон Гонт; онаси - Бланка Ланкастер; хотинлари - Мария де Бозн,



Жанна Наварра. Биринчи никоҳдан ўгиллари - Эдуард, Ҳенрих V, Томас Кларенс, Жон Бедфорд, Ҳамфри Глостер; қизлари - Бланка, Филиппа. Отаси Жон Гонт 1399 йилда вафот этган, Англия қироли Ричард II унинг мулкани мусодара қилган. Бу вақтда Европа қитъаси бўйлаб сайёр рицар ҳаёт кечираётган Ҳенрих Линкастер шундан сўнг, қиролнинг норозилигига қарамай, Англияга қайтиб келган ва галаён кўтарган. Аксарият уруғдош оқсуякларнинг қўллаб-қувватлагани натижасида Ҳенрих Болингброк Ричардни ағдариб, Англия тож-тахтини эгаллаган. Англия Қироли Ҳенрих IV Амир Темур салтанатига ўз элчиларини юборган, Соҳибқирон ва Мироншоҳ билан дипломатик ёзишмалар олиб борган. Ҳенрих IV атоқли драматург В. Шекспирнинг "Ричард II" ва "Ҳенрих IV" асарлари қаҳрамони-дир. Тахтининг вориси - ўғли Ҳенрих V.

6. Мирзиёев Ш. М., Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 ж. - Т.: "Ўзбекистон" НМИХ, 2017. 426-бет.

7. Клавихо Руи Гонсалес де. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) / Масъул муҳаррир; Муҳаммад Али; Сўз боши ва изоҳлари муаллифи М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. - Т.: "Ўзбекистон", 2010. - 147-бет.

8. Қаранг: Л. Керен. Темурийлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори Темурбек элчи Клавихо нигоҳида // Андижонда Соҳибқиронни ҳотирлаб: илмий-назарий анжуман материаллари. - Андижон: 1996. -21-27 бетлар.

9. Муҳаммадиев Н. Испан элчисининг саёҳатномаси // «Халқ сўзи», 2005, 7 апрель.

10. Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e itinerario y enarracion ad viage, y relanion de la Embaxada one que Ruy Gonzalez de Clavijo le bizo por mandado del muy poderoso senon rey don Henrique el Tercero de Castilla. ed Goncalo Argote de Molina. Seville, 1582.

11. Clavijo. Yamado Nobuo. Embassy to Tamerlane, 1403-1406. Tokio, Torenca 1967/4/20. 345 P.(япон тилида).

12. Клавихо Руи Гонсалес де. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура: 1403-1406 // подлинный текст с переводом и примечаниями, составленными под ред. И.И. Серезневского, СПб., 1881; Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406) / / Перевод, предисловие и комментарий И.С. Мироковой. - Москва, "Наука", 1990. - С.3.

13. Clavijo Ruy Gonzalez de. Relacion de la embajada de Henrique III al Gran Tamerlan. Ed. Lopez Francisco Estrada. Buenos Aires, 1952.

14. Clavijo Ruy Gonzalez de. Life and acts of Great Tamerlane narrative of the Castilian embassy to the court Timur at Samarkand, 1403-1406, translated, with notes by C.R.Markham, London, 1859; Clavijo Ruy Gonzalez de. Embassy to Tamerlan, , translated by Guy Le Strange with an Introduction., London, 1928.

15. Kehren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan. Paris, 1990, 354



p.: 2-ed. Paris, 2002: 3-ed. Paris, 2006.

16. Clavijo R. Timur nezdine gonderilen ispanyol sebiri Clavijo seyahat ve sefarat izlenimleri. Turhee Tar. Omer Riza Dogrul. Istanbul, 1993, 208 p.

17. . Clavijo Ruy Gonzalez de. Embassy to Tamerlan (1403-1406), translated into Persian by Masond Rajabia. BTNK, Teheran, 1958.

18. Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e itinerario y enarracion ad viage, y relanion de la Embaxada one que Ruy Gonzalez de Clavijo le bizo por mandado del muy poderoso senon rey don Henrique el Tercero de Castilla. ed Sancha, Madrid, 1782. Сўнги марта Клавихо кундаликлари Испания Ташқи ишлар вазирлиги ҳомийлигида 2000 йили Мадридда чоп этилди; . Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e itinerario y enarracion ad viage, y relanion de la Embaxada one que Ruy Gonzalez de Clavijo le bizo por mandado del muy poderoso senon rey don Henrique el Tercero de Castilla. ed Sancha, Madrid, 2000. -421 p.


19. Kehren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan. Paris, 1990, 35p.

20. Kehren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan. - Paris: Imerimerie nationale, 2006. - 354p.

21. Clavijo Ruy Gonzalez de. Itinerario de la embajada due por mandado de Eenrique III Uevo al Gran Tamerlan. Biblioteque Nacional, Madrid, Bd-72-9218.

22. Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e itinerario y enarracion ad viage, y relanion de la Embaxada one que Ruy Gonzalez de Clavijo le bizo por mandado del muy poderoso senon rey don Henrique el Tercero de Castilla. ed Goncalo Argote de Molina. Seville, 1582.

23. Клавихо Руи Гонсалес де. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406). Таржимон У.Жўраев. -Т.: "Зарқалам", - 2006. - 264 бет;





O'ZBEKISTONNING MUSTAQILLIKNI QO'LG'A KIRITISHI ARAFASIDA IJTIMOY - SIYOSIY VAZIYATNING KESKINLASHUVI

(1989-1991 yillar)

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори, профессор
ЎзР ФА Тарих институти

Боши ўтган сонда

Ўзбекистон коммунистларининг съезди "Сиёсий ва иқтисодий суверенитет учун, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолисининг муносиб турмуш шароитини яратиш учун" деган ҳаракатлар дастурини қабул қилди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бошқа республикалардан орқада қолаётганлигини эътироф қилиб, съезд бу орқада қолишнинг сабабларини аниқлаш, жамиятни бирлаштириш йўлини топиш, фуқаролар тинчлигини ва миллий тотувлигини таъминлаш, барча динларнинг мухлислари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, оила, хотин-қизларнинг аҳволи ва ёшларнинг келажаги тўғрисида ҳақиқий гамхўрлик кўрсатиш кераклигини айтиб ўтди.¹

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқи республика раҳбариятининг юзага келган вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий мустақилликни, сиёсий суверенитетни таъминлаш борасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлади. Бунинг сабаби Ўзбекистон раҳбарияти халқнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олишга, унинг манфаатларини кўзлаб иш қилишга ҳаракат қилганлигида эди.

Ўзбек халқи ва республикада яшовчи бошқа халқларнинг манфаатини кўзлаб янги ташкил қилинган 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети ўн иккинчи чақириқ 2-сессиясида Мустақиллик Декларациясининг қабул қилинганлиги бўлди. Бу муҳим ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўлида қўйилган навбатдаги муҳим қадамларидан бири эди.

СССРда мавжуд бўлиб турган ўша пайтдаги сиёсий вазиятда Марказ ҳамон кучли бўлиб, ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, жумладан, қуроли ҳаракатлар содир қилган ва қилишга ҳам катта имкониятларга эга бўлган ва тайёр турган шароитда Ўзбекистоннинг суверенитети тўғрисидаги Мустақиллик Декларацияси республика ижтимоий ҳаётида жуда катта сиёсий воқеа бўлди. Чунки совет қўшинлари томонидан 1989 йил апрелда Тбилисида, 1989 йил 8 июнда Қўқонда, 1991 йил 12-13 январда Вильнюсда тинч намоишга чиққан одамлар ўққа тутилиши натижасида юзлаб кишилар

¹ "Совет Ўзбекистони", 1990 йил 8 декабрь; "Правда Востока", 8 декабрь 1990 г.



ҳалок бўлган эди². 1989 йил май-июндаги Фарғона фожиалари ҳамда 1990 йил июнда Ўшда ўзбек халқининг ўлдирилиши³ эса алоҳида мавзу ҳисобланади. Хуллас, Мустақиллик Декларацияси республика миллий давлат мустақиллигининг ҳуқуқий ва сиёсий асосларини яратиш учун катта хизмат қилди.

Ўша 1990 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг аста-секин бозор иқтисодиётига ўтишининг мезонлари ва босқичларини белгилаб берган, шунингдек, республика ёшларининг ҳарбий хизматга чақирилиши ва бу хизматнинг ўташи тартибини принципаал тарзда ўзгартиришни ва бошқа бир қанча ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий чора-тадбирларни кўзда тутган ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди. 1988-1992 йилларда Совет Иттифоқининг турли ҳудудларида ҳарбий хизматда ҳалок бўлган юзлаб ўзбек аскар йигитларининг тобути Ўзбекистонга келтирилди. Бу даврда аёллар ўртасида ўз-ўзини ёқиб юбориш Иттифоққа нисбатан Ўзбекистонда бир неча ўн марта юқори кўрсаткични ташкил қилди. Бу энг аввало совет ҳукуматининг миллий ва ижтимоий соҳадаги сиёсатининг ожизлигини кўрсатувчи даҳшатли ва фожиали мисоллардир.

Тошкентда 1990 йил 15 июлда бир гуруҳ Ўзбекистон ва Қозоғистон зиёлилари тўпланиб, "Туркистон" халқ ҳаракатига асос солишди. Ҳаракат раиси этиб шоир Баҳром Ғойиб, унинг ўринбосарлари этиб физик олимлар Сейтбой Байдуллаев, Иззатулла Нуриддинов, марказий нашрга масъул муҳаррир этиб шоир Рауф Парфи сайланди. Ҳаракатнинг Марказий назорат ҳакамлиги раиси лавозимига СССР халқ депутати, машҳур шоир Ўлжас Сулаймонов сайланди⁴. "Туркистон" халқ ҳаракатининг Низоми матбуотда эълон қилинди⁵. Тошкентда русийзабон аҳоли вакиллари "Интерсоюз" ташкилоти ва бошқаларга асос солишди.

Бу ҳаракат ва партиялар (кейинчалик Ўзбекистонда демократик руҳдаги бошқа сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳам ташкил топди) ошкораликни кенгайтириш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни фаоллаштириш, ўзбек халқи миллий қадриятлари, хусусан, анъаналар ва маросимларни қайта тиклаш, шунингдек, республика ҳаётида Марказ ҳукмронлигига барҳам бериш ҳамда Ўзбекистоннинг том маънода сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришиш талаблари билан чиқди. Бироқ бу ҳаракат ва партияларнинг раҳбарлари кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти ва Ўзбекистон Олий Кенгаши сиёсатига муҳолифлик йўлига ўтдиларки, бу нарса жамиятдаги фуқаролар тотувлиги ва ҳамжиҳатлигига путур етказа бошлади.⁶

² Қаранг: История России XX век. Под редакций В.И. Меньковского и О.А. Яновского. Минск: РИВШ, 2005. С. 653.

³ Қаранг: Философия жестокости. Час шакала. Москва, 2011. -200 стр; Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 3-китоб. Иккинчи нашри. - Б. 107.

⁴ "Туркистон" халқ ҳаракати таъсис этилди // "Turkiston" (Тошкент), № 1. 1990 йил июль.

⁵ Қаранг: "Туркистон" халқ ҳаракатининг Низоми // "Turkiston" (Тошкент), № 1. 1990 йил июль.

⁶ Ражапова Р. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 - 1993 йиллар)... -Б. 356.



Шунга кўра сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва бирлашмалар фаолиятининг тартиби Ўзбекистон ССР Президенти И. Каримовнинг 1991 йил 25 август⁷ ва 27 августдаги⁸ Фармонлари билан белгилаб берилди. Шу фармонларга мувофиқ партия ва ҳаракатларнинг ҳудудий принципа тузилиши эълон қилинди, ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар, фондлар, корхоналарда, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, халқ таълими тизимида уларнинг ташкилий қурилмаларини тузишга йўл қўйилмайдиган бўлди.⁹ 29 августда эса КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги мулки республика мулки, яъни умумхалқ мулки деб эълон қилинди¹⁰.

Ўзбекистондаги адлия органлари республикада осойишталикни сақлаб қолишга интилиб, турли ҳаракат ва партияларни қайтадан рўйхатга олиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши хусусида янги тартиб-қоидаларни белгилади.

1989-1991 йилларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари бўйича Иттифоқ маркази билан Ўзбекистоннинг янги сиёсий раҳбарияти ўртасидаги зиддиятлар тобора кескинлашди. Бу даврда Болтиқбўйи ва Кавказорти республикалари бўлган Литва, Латвия, Эстония, Грузия ва Озарбайжондан ташқари бошқа кўпчилик иттифоқдош республикалар, шунингдек, Ўзбекистон ССР ҳам СССР таркибидан чиқиб кетиш тўғрисида фикр билдирмай, бироқ ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини, миллий давлат суверенитетига бўлган ҳуқуқни амалга ошириш зарурлиги ва Иттифоқ давлатидаги Марказ ролини сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ташқи сиёсат жиҳатларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисида тамомила ҳақли, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келувчи тенг сиёсий ва иқтисодий талабларни олдинга қўя бошладилар.

Ўзбекистон ССР Президенти И. Каримов 1990 йилнинг март ойидаёқ республикалар билан ССР Иттифоқи (СССР) ўртасидаги ваколатларни аниқ-равшан ажратиш бўйича кўзда тутадиган янги федератив шартнома ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида фикр билдирган эди. Бироқ Москвадаги марказий партия ва совет раҳбарияти, жумладан, КПСС Марказий Комитети иттифоқчи республикалар ва қардош халқлар сиёсий раҳбариятининг чинакам суверенитетига интилиши билан ҳисоблашиш ниятида эмас эди. Болтиқбўйи ва Кавказортидаги воқеаларга, Ўзбекистонда, кейинчалик бошқа республикаларда президентлик бошқарувининг жорий этилишига ва бу республикалар томонидан суверенитет тўғрисидаги Декларациялар ва Баёнотномаларнинг қабул қилинишига Марказнинг ғайритабиий равишда кескин қаршилик кўрсатгани ана шундан далолат беради.¹¹

Шундай бўлса-да, мамлакатнинг бошланиб келаётган емирилишидан

⁷ "Совет Ўзбекистони", 1991 йил 27 август.

⁸ "Совет Ўзбекистони", 1991 йил 28 август.

⁹ Ражапова Р. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 - 1993 йиллар)... -Б. 356.

¹⁰ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони: КПССнинг ҳудудидаги мулки тўғрисида // "Совет Ўзбекистони", 1991 йил 30 август.

¹¹ Ражапова Р. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 - 1993 йиллар)... -Б. 348 -349.



жиддий хавотирликка тушган ва қўрқиб қолган партия-давлат раҳбарияти СССРда чуқурлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқироз тазйиқи остида 1990 йил кузида Иттифоқ маркази билан республикалар ўртасида муносабатларни янгилаш юзасидан музокара жараёнини бошлашга мажбур бўлди. Лекин у 1991 йил баҳорига қадар иттифоқдош республикаларга бериладиган ҳуқуқлар ва кафолатларда ҳал қилувчи ролни ўйнашга уриниб, республикалар ҳаёт-фаолиятининг деярли барча соҳаларида ўзининг ҳукмронлик вазиятини сақлаб қолишга интилди.

Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг янги Иттифоқ шартномасини тузишга доир музокаралардаги позицияси СССР давлатининг сўнги босқичи (1991 йил март-ноябрь ойлари)да айниқса фаол бўлди. 1991 йил мартда Киевда, ўша йилнинг апрелида Москва яқинидаги Ново-Огарёвода СССР Президенти ва тўққизта иттифоқдош республика раҳбарлари учрашишди.

1991 йил март ойида Марказ ва республикалар вакиллари томонидан Иттифоқ шартномасининг бошқа лойиҳаси тайёрланди. Бу лойиҳа 1991 йил 12 мартда "Суверен республикаларнинг иттифоқи тўғрисида шартнома" лойиҳаси номи билан марказий ва республика матбуотида эълон қилинди.¹² Мазкур ҳужжатнинг асосий гоёси - кўп миллатли иттифоқ давлатини федерация сифатида сақлаб қолиш ва шу билан бирга республикалар суверенитетини рўёбга чиқариш туфайли Марказнинг янги вазифаларини ҳам белгилаш эди.¹³ Гарчи лойиҳа республикаларнинг суверенитети тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олган бўлса-да, бу "суверен давлатлар" эмас, балки "суверен республикалар" иттифоқи тўғрисидаги шартнома эди. Кейинчалик 1991 йил 23 апрелда СССР Президенти М.С. Горбачёв ва тўққизта иттифоқдош республикалар раҳбарлари иштирокида (бу музокараларда Литва, Латвия, Эстония, Грузия, Арманистон, Молдавия республикалари раҳбарлари қатнашмади) Москва яқинидаги Ново-Огарёвода бўлиб ўтган йиғилишда принципиал низоли масалалар юзасидан томонларни қаноатлантирадиган битимга келишди - "Суверен Давлатлар Иттифоқи тўғрисида"ги шартномани тузишга келишиб олинди¹⁴. Ўзбекистон делегацияси музокараларнинг бориши жараёнида янгиланган иттифоққа киришнинг ўзи учун жуда муҳим бўлган шартини - барча республикалар аҳолиси учун ягона бўлган пенсия билан таъминлаш, даромадларни индексация қилиш ва кун кечириш учун зарур бўлган кафолатланган энг кам миқдор тартиби амал қилишини қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

СССР Президенти ва тўққизта иттифоқдош республикалар (РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон) раҳбарларининг 1991 йил 23 апрелда бўлган Ново-Огарёводаги учрашувида "Мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бўлмайдиган

¹² "Совет Ўзбекистони", 1991 йил 12 март.

¹³ Қаранг: "Правда", 9 марта 1991 г.

¹⁴ История России. XX век. Под редакцией В. И. Меньковского и О. А. Яновского. - С. 486.



чора-тадбирлар тўғрисида қўшма баёнот" қабул қилинди. Баёнотда янги Иттифоқ шартномаси ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш ишини яқин вақт ичида тугаллаш таъкидланди. Қўшма баёнот "9 + 1" (тўққизта республика + Марказ) деган номни олди.¹⁵ Бироқ бу қўшма баёнот ҳам ўша вақтдаги бошқа кўпгина ҳужжатлар сингари фақат газета саҳифаларида қолиб кетди, чунки марказий ҳокимият тузилмалари буюк давлатчилик шовинизми ва империяпарастлик мавқеиларини сақлаб қолиш ташвишида бўлиб, энди ўз вазифаларини амалда бажармас эдилар.¹⁶ 1991 йил баҳори-ёзига келиб, ҳокимиятни юқори (Марказ) янги бошқара олмайдиган, қуйи (республикалар) эса эскича яшай олмайдиган вазият юзага келди.

1991 йил июнь ойидагина бир қанча баҳсли принциал масалалар юзасидан 9 + 1 музокаралари доирасида келишилган битимга эришилди ҳамда 28 июнда "Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисида шартнома" лойиҳаси Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.¹⁷ Ниҳоят, 1991 йил 16 августда Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисида шартнома ҳам (1991 йил 23 июлда келишиб олинган) Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.¹⁸ Бу музокараларда Ўзбекистон ССР Президенти И. Каримов фаол қатнашди. Чунки у Иттифоқни сақлаб қолишдан манфаатдор раҳбар бўлган. 20 августда янги Иттифоқ шартномаси имзоланиши керак эди.

Аслини олганда ҳатто янгиланган Иттифоқ ҳам Ўзбекистон ва бошқа республикаларни мустабид совет тузумининг қайта тикланиш хавфидан сақлаб қололмасди. Бироқ жамиятнинг демократлашуви натижасида совет режимининг қудратига зил кетди, ижтимоий тузумнинг ва миллий муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги тамойилларига ўтиш учун реал имкониятлар очилди.

Шу билан бирга 1991 йил ёзи ва кузида СССР давлатини сақлаб қолиш учун Марказ раҳбарияти бир қатор чоралар кўрди. Иттифоқ шартномасини тайёрлаш янги босқичга кўтарилди. Буни қуйидаги фактлар мисолида кўриш мумкин.

1991 йил 13 июнда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ 5-сессиясида Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Мирсаидов "Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисида"ги шартнома лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг "Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисида"ги шартнома лойиҳаси ҳақида қарори қабул қилиниб, мазкур лойиҳа маъқулланди.¹⁹

1991 йил 28 июнда "Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома" лойиҳаси Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.²⁰

¹⁵ Ражабов Қ., Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. 6-нашр.- Б. 278.

¹⁶ Раджапова Р. и др. История Узбекистана (1917 - 1993 гг.). - С. 317.

¹⁷ "Совет Ўзбекистони", 1991 йил 28 июнь.

¹⁸ "Халқ сўзи", 1991 йил 16 август

¹⁹ "Совет Ўзбекистони", 1991 йил 14, 15 июнь.

²⁰ "Совет Ўзбекистони", 1991 йил 28 июнь.



1991 йил 16 августда Мустақил давлатларнинг Иттифоқи тўғрисида шартнома (1991 йил 23 июлда келишиб олинган) Ўзбекистон матбуотида чоп этилди²¹.

1991 йил 1 октябрда Олмаота (Қозоғистон)да Мустақил давлатларнинг Иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги ахборотни 12 республика раҳбари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ҳам имзолади.²²

1991 йил 18 октябрда Москвада саккиз республика (Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон) раҳбарлари суверен республикаларнинг Иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани имзолдилар. Шартномани СССР Президенти М.С. Горбачёв ҳам имзолаб тасдиқлади.²³

1991 йил 24 октябрда "Иқтисодий ҳамжамият тўғрисида шартнома" Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди²⁴.

1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг "Деловой мир" газетасига берган интервьюси "Биз конфедерация тарафдори!" деган ном билан "Ўзбекистон овози" газетасида босилиб чиқди²⁵. Ҳолбуки бу пайтда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганлигига икки ой тўлаётган эди.

1991 йил 28 ноябрда Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.²⁶

Бироқ КПСС МК ва Иттифоқ идоралари (СССР Мудофаа, Ички ва Ташқи ишлар министрликлари, КГБ ва бошқалар)нинг бир қанча раҳбарлари томонидан СССР ҳудудида Фавқулодда ҳолат Давлат комитети (ГКЧП) тузишга уриниш муносабати билан 1991 йил 19-21 август кунлари Москвада фожиали ҳодисалар рўй берди. Ана шу уринишнинг Б.Н. Ельцин бошчилигидаги Россия раҳбарияти ташаббуси билан демократик кайфиятдаги Москва аҳолиси томонидан бостирилиши СССРнинг парчаланишини тезлаштириб юборди. КПСС ва СССР таназзулга учради. КПСС сиёсий партия сифатида 1991 йил 29 августда ўз фаолиятини тўхтатди. 1991 йил 25 декабрда СССР давлати ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди²⁷.

²¹ "Совет Ўзбекистони", 1991 йил 16 август.

²² "Ўзбекистон овози", 1991 йил 3 октябрь.

²³ "Халқ сўзи", 1991 йил 20 октябрь; "Қишлоқ ҳақиқати", 1991 йил 22 октябрь.

²⁴ "Халқ сўзи", 1991 йил 24 октябрь.

²⁵ "Ўзбекистон овози", 1991 йил 25 октябрь.

²⁶ "Ўзбекистон овози", 1991 йил 28 ноябрь.

²⁷ Қаранг: Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихи сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари. Учта китоб. 3-китоб (1961 - 2015 йиллар). - Б. 143.



SO'NGGI O'RTA ASRLARDA BUXORO AMIRLIGI SHAHARLARI TARIXIGA BA'ZI CHIZGILAR

Жамшид БЕРДИЕВ,
Қарши ДУ «Жаҳон тарихи» кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўз ва иборалар: *Бухоро амирлиги, шаҳарлари ҳунармандчилик, савдо, маҳалла, гузар, муфтий, ҳаммол, қози, кулолчилик, дўппи, пичоқ, олача мато, сардоба.*

Тарихий тадқиқотлар таҳлилари шуни кўрсатадики, шаҳар жамият ҳар томонлама ривожланишининг ҳамда маълум ҳудудда яшаган аҳоли маданий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи сифатида шаклланади ва ривожланади. Тарихнинг турли даврларида шаҳарлар турли вазифаларни бажариш билан бирга турли мавқе ва мақомга эга бўлган ҳамда аҳолининг маданий-маиший, сиёсий, иқтисодий, маъмурий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон тарихининг муштарак қисми бўлган Бухоро амирлигининг шаҳарлари тарихи мозийнинг узоқ ўтмишига – 2500 йилга бориб тақалади. Таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарлари тарихини ўрганилиши жараёнидаги каби сўнгги 15–20 йиллар ичида Бухоро амирлиги шаҳарлари тарихини илмий тадқиқ этишга ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Шаҳарлар пайдо бўлишидан тортиб, шаклланиши, ривож топиши, инқирози ёки ўрнини ўзгартириши (кўчиши), мавқеининг ўзгариб туриши илмий тадқиқотларни талаб этади.

Чунки шаҳарларнинг (жумладан амирлик шаҳарларининг ҳам) тарихнинг турли даврларида жамият ҳаётида тутган мавқеи, улар тараққиётини таъминлаган омилар, шаҳарлар ривожининг иқтисодий асослари бўлган ҳунармандчилик ва савдо, шаҳарлардаги ижтимоий қатламлар, уларнинг турмуш тарзи ва машгулотлари, маҳалла(гузар) лардаги урф-одат ва анъаналар масалалари доимо долзарб бўлиб келган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб (1753) Бухорода манғитлар сулоласи ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан сўнг биринчи манғит ҳукмдори Муҳаммад Раҳимбий даврида Миёнкол, Нурота, Ғузор, Бойсун, Ҳисор, Ўратепа, Кобадён каби шаҳарлар Бухорога бўйсундирилди. Амирликнинг қўшни Хива ва Қўқон хонликлари билан бўлган низолари натижасида шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб турган бўлишига қарамай, улар ҳаёти бутунлай издан чиқиб кетмади. Аксинча шаҳарларнинг мавқеи ошиб бориб, айрим янги шаҳарларга ҳам асос солинди [1].

Маълумотларга кўра, Бухоро амирлиги ҳудудида салмоғи, аҳолисининг сони ва жойлашуви, машгулотлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг маълум кўринишлари ва баъзи жиҳатлари билан бир-биридан фарқланувчи кўплаб катта ҳамда кичик шаҳарлар мавжуд эди. Айнан ушбу катта ва кичик шаҳарлар амирликдаги мавжуд асосий сиёсий ҳамда ижтимоий кучлар бир



ерга тўпланган марказлар ҳисобланган. Уларда Олий ҳукмдор бошлиқ бўлган бошқарув ҳокимият вакиллари, аслзодалар, турли амалдорлар, руҳонийлар ва дин пешволари каби сиёсий-диний кучлар мавжуд бўлиб, амирликдаги барча ички, ташқи, диний ва сиёсат шу марказлардан туриб олиб борилган [2].

Бухоро амирлиги шаҳарларини ўрганишда уларнинг ҳунармандчилик ва савдо марказлари сифатидаги аҳамиятига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Амирлик шаҳарларидаги ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган турли-туман маҳсулотларни сотиш - ички ва ташқи савдо тармогининг ривожини тақозо этар эди.

Бу ҳолат эса ҳунармандлар ва савдогарлар орасида ижтимоий табақаланишнинг чуқурлашувига, олиб борилаётган савдо-сотиқ жараёнларига аҳоли орасидаги бошқа ижтимоий қатламларнинг жалб этилишига олиб келган. Манбаларга кўра, Бухоро шаҳридаги савдо дўконларидан бири муфтий Муҳаммад аминга, ҳаммомлардан бири ҳарбий амалдор Амир Абдулазизга, қурол-яроғ тайёрлаш ва сотишга ихтисослашган учта дўкон шаҳар қозисига тегишли бўлган [3].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Бухоро амирлиги шаҳарлари нафақат сиёсий ҳаёт, ижтимоий ривожланиш ҳамда савдо-ҳунармандчилик марказлари бўлибгина қолмай, улар шаҳар атрофларидаги қишлоқлар иқтисодий ҳаётини тараққиётга туртки берувчи марказлар ҳам эди. Масалан, Шаҳрисабзнинг кулолчилик буюмлари ва дўппилари, Қаршининг пичоқлари ва олача матолари, Гузорнинг тери буюмлари маҳсулотлари, Бойсуннинг қуруқ мевалари, Деновнинг матолари, Бухоронинг турли туман ҳунармандчилик маҳсулотлари амирликнинг катта-кичик қишлоқларига кириб борган[4]. Ўз навбатида йирик қишлоқлар аҳолиси катта-кичик шаҳарларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб турган.

Бухоро амирлиги шаҳарларининг ўз даври жамияти ҳаётида тутган ўрни ҳамда мавқеини белгилашда уларнинг амирликдаги бошқа шаҳарлар, қишлоқлар, тоғли ва дашт аҳолисини ўзга мамлакатларни боғловчи қарвон йўлларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Ўз вақтида қадимшунос М.Е. Массон Қарши ва Бухоро оралигидаги Ўртачўл ва Қаршидан Термиз орқали Амударё кечувига кетган йўллардаги шаҳарлар, сардобалар ва уларни боғлаган йўлларни таҳлил қилган эди[5].

Сўнги йилларда тарихшунос Ў.Мавлонов Марказий Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар савдо йўлларини ўрганиш жараёнида амирлик давридаги шаҳарлари ва уларнинг йўллар билан боғлиқ сиёсий воқелиklar, дипломатик муносабатларнинг ҳам тадқиқ этди [6].

Тадқиқотларга кўра, қадимги ва ўрта асрларда амирлик шаҳар ва қишлоқларни боғловчи йўллар кейинги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу даврда Шаҳрисабз - Самарқанд йўли Тахтақорача орқали мавсумий бўлган бўлса, Жом довони орқали ўтган асосий йўлда йил бўйи қатнов амалга ошган. Шаҳрисабз-Термиз йўли Гузор орқали Оқработдан Сайроб орқали Термизга, ундан Афғонистонга туташган. Бухоро - Қарши - Термиз йўли ҳамда Бухоро - Келиф - Балх йўллари амирлик шаҳарларининг халқаро савдосида муҳим аҳамият касб этган [7].

Амирликнинг йирик ва кичик шаҳарларига яқин ва олис мамлакатлардан



элчи ва саёҳатчиларнинг тез-тез ташриф буюриб турганликлари ҳам тадқиқотлардан маълум. Бу тадқиқотларда шаҳарлар турли ҳудудлардан савдогарлар келиб тўхтайдиган ва ўз маҳсулотлари билан савдо-сотиқ ишларини амалга оширадиган масканлар эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ўз навбатида маҳаллий савдо аҳли турли-туман маҳсулотларини карвонларга юклаб узоқ ва яқин ҳудудларга жўнатар эдиларки бу ҳолат Бухоро, Нурота, Кармана, Қарши, Ғузор, Чироқчи, Яққабоб, Шаҳрисабз, Бойсун, Денов, Юрчи, Термиз, Карки, Бадахшон, Балх каби катта-кичик шаҳарлардаги иқтисодий ҳаётнинг тараққий этишига катта таъсир ўтказарди.

Амирлик шаҳарлари ички, ташқи ва транзит савдо марказлари сифатида ўша даврда иқтисодий аҳволи турлича бўлган, диний ва дунёвий фикрлари ҳамда қарашлари турлича бўлган, бир-биридан фарқ қилувчи турли халқлар вакиллари бир-бирлари билан яқинлашувига ҳамда улар маданиятларининг ўзаро таъсирига ҳам самарали туртки берган эди[8].

Маълумки, Бухоро шаҳри Шайбонийлар давридан бошлаб тадқиқотчилар "Бухоро хонлиги" деб атаган давлатнинг пойтахти бўлган эди. Аштархонийлар, кейин эса манғитлар ҳукмронлиги давларида шаҳар ҳудудий жиҳатдан анча кенгайиб, шаҳар деворларининг баъзи қисмлари қайта қурилган. Манғит амирларининг олиб борган фаол ички ва ташқи сиёсати туфайли Бухоронинг пойтахт шаҳар сифатидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий (айниқса диний марказ сифатида) мавқеи ҳамда тутган ўрни ошиб борган.

Тарихшунос Г.Ағзамованинг берган маълумотларига кўра, Бухоро шаҳрининг пойтахт сифатидаги раванқи XVIII аср охири - XIX аср биринчи ярмига тўғри келади. Бу давр мобайнида содир бўлган сиёсий низолар, парокандалик ва хўжалиқнинг издан чиқиши натижасида таназзулга юз тута бошлаган пойтахт шаҳар ўзининг илгариги мавқеини тиклаб борган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиши самараси сифатида шаҳарда кўплаб савдо-сотиқ иншоотлари, маданий муассасалар ва жамоат бинолари қурилиши жадаллашган[9].

Амирликнинг йирик шаҳарларидан бири Самарқанд ҳақида XVIII аср ўрталарига оид манбада шундай маълумот берилади: "...бир вақтлар кўпчилик мусулмон Осиёнинг маданият ва сиёсат маркази бўлуб ўтган ва чиндан "Самарқанд фирдавсмонанд" сифатида арзийтурган бир йўсинда безанган Самарқанд..." [10]. Мураккаб сиёсий воқеалар давомида пойтахт шаҳар мавқеини Бухорога берган Самарқанд ҳокимият тепасига келган олий ҳукмдорларнинг шаҳарда жойлашган "кўк тошга ўтириш" расмий маросими ўтказиладиган марказ сифатидаги аҳамиятини XIX аср биринчи ярмида ҳам сақлаб қолган эди. XIX аср 20-йилларида Бухоро амирлигида бўлган Э.К.Мейендорфнинг ёзишича, олий ҳукмдор тахтга ўтириш маросимини ўтказиш учун Самарқандга бориши ва Мирзо Улуғбек мадрасасида турган кўктошга ўтириши лозим эди [11].

Кўринадик, амирлик ҳудудларида қадимги ва ўрта асрлар даврида мавжуд бўлган шаҳарлардан ташқари кейинчалик янги шаҳарлар ҳам пайдо бўлган. Янги шаҳарларнинг шаклланишида аввало савдо-сотиқнинг аҳамияти беқиёс эди. Юқорида эслатганимиздек, карвон йўллари орқали боғланган турли ҳудудлар ўртасидаги савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланиб бориши натижасида айрим йирик қишлоқлар ўсиб шаҳарларга айланиб борган. Чунончи, XIX аср



биринчи ярмида савдо-сотиқ алоқаларининг равнақи туфайли амирлик ҳудудидаги Каттақўрғон ва Шеробод ҳам шаҳар мақомини олганди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалувчи Бухоро амирлиги шаҳарлари маҳаллий ўтроқ аҳоли маданиятининг маҳсули эди. Амирлик ҳудудида катта-кичиклиги ва географик жойлашуви ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ривожланиш даражаси ҳар хил бўлган, маданий тараққиётнинг айрим жиҳатлари билан бир-биридан фарқланувчи кўплаб катта ва кичик шаҳарлар мавжуд эди. Мазкур шаҳарларнинг жамият тараққиётида ўрни ва мавқеи турли даражасида бўлиб, улар кўп ҳолларда ўзлари жойлашган ҳудудлар ва уларнинг теварак-атроф қишлоқлари учун асосий марказлар ҳисоблаган. Амирликнинг Бухоро, Когон, Кармана, Самарқанд, Қарши, Шахрисабз-каби шаҳарлари ана шундай йирик марказлар сирасига кириб, давлатнинг маънавий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада сўнгги ўрта асрларда Бухоро амирлиги шаҳарлари тарихига адабиётлар асосида баъзи чизгилар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье даны некоторые штрихи на основе исторических литератур о городах Бухарского эмирата в позднее средневековье.

RESUME

Abstract. In this following article, the history was written about the cities of the emirate of Bukhara, which are relating the mid-centuries.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Агзамова Г.А. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Тар.фан.док.дисс...Қўлёзма. - Т., 2000. Б.47.
2. Маев Н. От Шахрисабза до Бухары // Туркестанские ведомости. 1875. № 5-6 С.14-16.
3. Мукминова Р.Г. Ремесленные корпорации и ученичество (по среднеазиатским письменным источникам XVI-XIXвв) // Материалы по истории Узбекистана. -Т., 1973. - С.16-25.
4. Сухарева О.А. Бухара XIX -нач.XX в. (Позднефеодальный город и его население). - М.: Наука, 1992.
5. Массон М.Е. Проблемы изучения цистерн-сардоба. -Т., 1935. С.33-34.
6. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. -Т., 2008. Б. 310-346.
7. Исомиддинов М.Ҳ., Ярқулов А.А. Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи. -Т., 2014. Б.146.
8. Позднефеодальный город в Средней Азии. - Т.: Фан, 1990. 226 с.
9. Агзамова Г.А. Кўрсатилган асар. Б.81.
10. Садриддин Айний. Бошланғич йўсинда бир-икки сўз (Сўз боши) Абу Тоҳиржа. Самария. Т., 1993. Б.13.
11. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: Наука, 1975. С.90.



TURKISTONDA MILLIY MASALA MUAMMOLARI TARIXIDAN

Абдусалим КОМИЛОВ,

Фаргона политехника институти

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди

Таянч сўз ва иборалар: мустақиллик, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари, Туркистон Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги, "Иштирокиюн" газетаси, миллий масала

Мустақил Ўзбекистон давлатининг жаҳон харитасида пайдо бўлганига бу йил 29 йил тўлади. Бу давр кекса тарих учун аслида бир лаҳза, холос. Мустақиллигимизнинг ушбу қисқагина даври мозий биносининг катта-катта давлари билан беллаша олади. Зеро, кейинги уч йил давомида юртимизда шундай улкан ишлар амалга оширилди-ки, бугун дунёнинг мана-ман деган давлатлари ва халқлари эришган ютуқларимизга ҳавас билан боқишмоқда. Шу туфайли қалбларимизда Ватанга бўлган меҳр, ғурур жўш олиб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида: "Буюк аллома ва адилларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси таркибида "Ўзбекистон тарихи" телеканалини ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш керак"[1], - деб билдирган фикрлари дастуруламал бўлган бўлса, 2019 йилнинг 11 июлидаги "O'zbekiston tarixi" телеканалини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори буюк тарихимизга бўлган чексиз эҳтиромнинг яна бир намунаси бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг юртига бўлган муҳаббати, тили, дини, маданиятини ва қадриятларини тиклашга алоҳида эътибор берилди. Давлатчилигимиз тарихи, миллий ўзликни англаш, аждодларимизнинг бизга қолдирган бой илмий ва маданий меросларини ўрганиш ёшларни Ватанга, юртга бўлган муҳаббатини орттиради. Уларда мустақил мушоҳада қилиш қобилиятини, интеллектуал салоҳиятни янада оширади. Унинг кимлигини, шу юрт ривожини учун қандай ҳисса қўша олаётганлиги масъулиятини орттиради. Зеро, шу юртда туғилган, шу юртда истиқомат қилаётган ҳар бир одам ўзининг тарихини билиши ўта муҳимдир.



Бу борада 1918–1922 йилларда Туркистонда миллий масала муаммоларини ҳал этиш борасида Туркистон Ўлка Советларининг V съездида ташкил этилган Туркистон Миллатлар ишлари халқ Комиссарлигининг фаолияти муҳимдир. Унинг ташкил этилиши ўлка аҳолисининг кўп миллатлилиги ҳамда миллатларнинг турли ривожланиш босқичларида эканлиги билан боғлиқ. Миллатларнинг муаммоларни ҳал этиш учун комиссарлик таркибида статистика, ташкилий-тарғибот, маданий оқартув бўлимлари тузилган[2; 52–67]. Комиссарлик фаолиятини изчил олиб бориш учун матбуотга катта эътибор берилган. Шу мақсадда 1918 йил 3 ноябрдан Туркистон Компартияси ва Миллатлар ишлари халқ Комиссарлигининг органи сифатида "Иштирокиюн" газетаси нашр этила бошланди[2; 86–87]. Дастлаб газета ҳафтасига уч маротаба ўзбек тилида (маълум қисми қозоқ тилида) нашр этилган бўлса, 1919 йил 1 мартдан ҳар куни 3 минг нусхада чоп этилди. "Иштирокиюн" газетаси кейинроқ "Қизил байроқ", "Туркистон", "Қизил Ўзбекистон", "Совет Ўзбекистони" номлари билан чиққан. Ушбу газеталарда коммунистик руҳдаги мақолалар чоп этилган. Аммо айрим ватанпарварлар ўзларининг миллий, озодлик ва қарашлари акс этган мақолаларини ҳам турли усулларда айнан шу газета ва журналларда чоп этишган.

Жумладан, Ҳамза миллий ғоялар билан сугорилган шеър ва мақолаларини "Иштирокиюн" газетаси саҳифаларида чоп этириб турди. 1918–1922 йилларда большевикларни халқни назар-писанд қилмай, шовинистик сиёсат юргизаётганини кўриб, кўплаб адиб ва шоирлар тўнтаришга қарши шеърлар ёза бошладилар. Ҳамза ҳам бу тамойилдан четда қолмади. Адибнинг 1918 йил январда, яъни октябрь тўнтаришдан икки ярим ой ўтиб ёзилган "Туркистон мухториятина" шеърида "Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти" деган хитоб нақорат тарзида такрорланиб келади. Шеърдаги "ислом миллати", "кўнгилларни дилшод бўлгани", "Темуршоҳлар арвоҳи турк ўғлини озодлик курашига чорлаётганини" кўтаринки руҳда айтади[4;83]. Шеър 45 мисрадан иборат бўлиб, унинг ҳеч бир мисрасида октябрь тўнтариши, рус ҳукумати, большевиклар ҳақида сўз йўқ. Қолаверса бу шеър тўнтаришдан кейин ёзилган. Адибнинг 1919 йилда эълон қилинган "Ким йиглар" деган ғазали, Чўлпоннинг "Гўзал Фарғона, сенга не бўлди?" деб бошланувчи шеъри билан мазмунан ўхшаб кетади. Ҳамзанинг 1920 йил бошларида яратилган "Фарғона фожеалари" номли драматик асари ҳам, номидан кўриниб турибдики, асарда Фарғона халқи тўнтариш неъматларини шодонлик билан кутиб олган эмас, аксинча ўша вақтда Фарғонани бошидан кечирган қонли воқеалар тасвирланган.

1918 йилнинг октябрида бўлиб ўтган Советларнинг VI Фавқулодда Ўлка съездида қабул қилинган Туркистон АССР Конституцияси барча миллатлар меҳнаткашларининг давлат бошқарув ишларида тенг ҳуқуққа эга бўлиши белгиланган. Лекин, биринчидан, давлатнинг миллатларга бўлган муносабати ҳақида фикрлар билдирилмаган, иккинчидан, Конституция рус тилида чоп этилган бўлиб, у умумхалқ муҳокамасига



қўйилган.

Комиссарлик фаолиятидаги айрим шовинистик гояларнинг таъсири натижасида 1919 йил сентябрда бўлиб ўтган Туркистон Республикаси Советларининг VIII съездида шу вақтгача комиссарликнинг вазифаси аниқ белгиланмаган деган хулоса билан тарқатиб юборилган.

1921 йил 10 февралдаги "Правда" газетасида "Миллий масала тезислари юзасидан тузатишлар ва қўшимчалар" эълон қилиниб, унга Туркистон делегацияси икки бўлимнинг 13 параграфи, уч бўлимнинг 18 параграфи бўйича таклифлар берган. Шуларни ҳисобга олган ТКП МҚ Ижроия бюроси йиғилиши ТуркМИК ҳузурида Туркистон Миллатлар ишлари халқ Комиссарлигини ташкил этишга қарор қилган [6; 34]. Комиссарлик энди қирғиз, ўзбек, туркман ва оз сонли миллатлар бўлими билан ташкил топди. Комиссарликнинг иккинчи даврида асосан ўлка халқларининг маданий ривожига катта эътибор қаратилган. Масалан, комиссарлик туркман бўлимининг 1921 йил 29 декабрда Скобелев ва бошқа босқинчилар ҳайкаллари олиб ташланиб, уларнинг ўрнига босқинчилар зулмидан Ватанни ҳимоя қилишда ҳалок бўлганларнинг ҳайкаллари қўйишга қарор қилинган [7; 11]. Лекин, бу даврга маҳаллий миллат вакиллари улғайган ва мустақкам кучга айланган. Шунингдек, миллий давлат чегараланишига тайёргарлик бошлангани боис ТуркМИК, Президиумининг 1922 йил 4 июлдаги 102-сон қарори билан комиссарлик ўз фаолиятини тўхтатган [8; 59].

Бу даврдаги маҳаллий аҳоли учун қийин бўлган шароитда комиссарликнинг фаолият кўрсатиши айни муддао бўлган. Чунки, гарчи Марказнинг тазйиқи ва таъсири бўлган бўлса ҳам маҳаллий аҳоли турмуш тарзида жиддий ўзгаришлар содир бўлган.

Демак, тарихнинг мана шундай солномалари бизнинг ватанпарвар аждодларимиз қандай самарали ишлар олиб борганидан дарак беради.

Резюме:

Мақолада 1918-1922 йилларда фаолият олиб борган Туркистон АССР Миллатлар ишлари халқ Комиссарлигининг фаолияти ёритилган. Унда комиссарлик фаолиятига тарихий ҳолислик нуқтаи назаридан ёндашилган.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь - «Халқ сўзи», 2018 йил 29 декабрь.
2. ЎзР МДА. 36- жамғарма. 1- рўйхат, 4 - йиғмажилд, 52-67 varaқ.
3. ЎзР МДА. 36- жамғарма. 1- рўйхат, 4 - йиғмажилд, 86-87 varaқ.
4. Хонқулов Ш.Х. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ҳаётининг асосий бос-қичлари. "Global science and innovations 2019: Central Azia". Нур-Султон, Қозоғистон. 2019 йил сентябрь. 83-бет
5. Известия ТуркЦИК №218 7 октябрь 1919 г.
6. ЎзР МДА. 36 - жамғарма. 1- рўйхат, 59 - йиғма жилд, 34 - varaқ.
7. ЎзР МДА. 36 - жамғарма. 1- рўйхат, 66- йиғма жилд, 11- varaқ.
8. ЎзР МДА. 36 - жамғарма. 1- рўйхат, 106 - йиғма жилд, 59-varaқ.



BUXORO VOHASI LO‘LILARINING OILAVIY TURMUSHI VA JAMOAVIY HAYOTI

Зуфар ҚОРЁҒДИЕВ,

ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти.

Таянч сўз ва иборалар: *Бухоро лўли, оила, жамоа, аралаш никоҳ, ички никоҳ, келин олиб қочиш, совчилик, ижоб, тўпор, оқсоқол, маҳалла, ижтимоий меъёр.*

Маълумки, оила шахс маънавияти ва унинг этник ўзлигини англашида муҳим аҳамият касб этади. Айнан оилада инсон шахс сифатида камолотга етади, ўзлигини англайди, қадрият ва анъаналарини сақлаб қолади. Бугун лўли оиласи ўзининг анъанавий кўринишидан бир мунча ўзгарган. Атрофдаги халқлар билан яқинлашиш жараёнида оилага нисбатан ўзгача руҳ ва қарашларни ўзларига қабул қилдилар. Ўз навбатида лўлиларнинг ижтимоий тузилмалари ва жамоанинг ўз-ўзини бошқариш анъаналари маҳаллий аҳоли билан узвийликда ривожланиб борди. Қуйида лўлиларнинг оиланикоҳ муносабатлари ва маҳалла тизими таҳлил қилинади, шу орқали ижтимоий ва маиший ҳаёти ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.

Азалдан лўлиларда оилалар катта хўжаликни ташкил этган. Маҳаллий аҳоли каби лўлилар ҳам болажон халқ бўлган. Айниқса, ХХ асрнинг иккинчи ярмида, баъзи лўли оилаларида болалар сони 10 нафаргача етган [1;134]. Хонадонда ота-оналар бир нечта фарзанд ва келинлари билан истиқомат қилган. Аммо, ҳозирги кунга келиб, оилалар катта эмас, алоҳида хонадонлардан ташкил топган. Ёш келин-куёвнинг оиласи алоҳида ажратишиб, ҳар ким ўз хўжалигини ўзи юритади.

Оила жамиятнинг кичик бўғини бўлиб, турли миллат вакиллари ўрта-сила никоҳ алоқалари ўрнатилган тақдирдагина, ундаги этник жараёнлар ўзига хос фаоллик касб этади [2;460]. Бироқ, азалдан лўлиларда ички никоҳлар эндоган устун бўлган. Илгари аралаш никоҳларни ҳатто, тасаввур ҳам қилиб бўлмаган. Хусусан, Бухоро амирлигида лўлининг ўзбекга турмушга узатилиши ман қилиниб, ўзбек йигити лўли қизга уйлангудек бўлса, унинг боши танасидан жудо қилинган. Кейинчалик, аралаш никоҳлар сони кундан-кунга ортиб борган. Бу ҳолат атрофдаги халқлар билан ўзаро муносабатларнинг тобора яқинлашиб борганлигидан далолат беради. Ҳозирда, Бухоро лўлилари ўзбек, тожик, татар, эроний, рус қизларига уйланишлари содир бўлмоқда [5;607]. Бурун жамиятдан биқик яшаган лўлиларнинг кейинчалик хўжалиги ва маданияти тараққий этиб бориши натижасида, улар атрофдаги аҳолига янада яқинлашиб бормоқда. Ўзаро дўстлик ва ишонч ортмоқда. Бу яқинлик ришталари ўз-ўзидан қариндошлик ришталарига айланиши табиий ҳолдир.



Мисол тариқасида, Бухоро туманида истиқомат қилувчи лўли оқсоқолларидан бири Амин Гадовнинг сўзларига кўра унинг турмуш ўртоғи ўзбек. Икки ўғлига ҳам ўзбеклардан келин қилган [3]. Шу тумандаги яна бир оқсоқол Шаҳриёр Қобиловнинг бир келини татор миллатига мансуб. Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Ўткир Самиевнинг турмуш ўртоғи эса тожик миллатига мансуб. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги лўлиларнинг номдор табиби Рўзигул Ҳамроева ўзбек миллатига мансуб кишига турмушга чиққан. Унинг айтишича, икки келини ҳам ўзбек миллатига мансуб [4]. Бу аралаш никоҳлар шундан далолат берадики, замонавий лўлиларнинг турмуш тарзи атрофдаги аҳолининг турмуш тарзидан фарқ қилмай қўйган. Улар бир-бирларини миллат сифатида ажратмайди.

Лўлиларда оила қуришда ўзбек ва тожикларда бўлгани сингари совчи қўйиш анъанаси мавжуд. Аксарият жойларда (Гиждувон, Когон, Бухоро туманлари) совчиликка аёллар боришади. Аммо, баъзи ҳудудларда (Бухоро шаҳри) совчиликка эркакларнинг вазифаси деб қаралади. Бунинг сабаби, аёлларни бегона жойга ёки уйга боришини олдини олиш, уларнинг хавфсизлигини ва шаънини асраш маъносида қаралади.

Совчилик анъаналаридан ташқари лўлиларнинг баъзи уруғларида (Қарши жўғилари, зиёқобил уруғи, қорача лўлилари) келин олиб қочиш одатлари ҳам сақланиб қолган. Оқсоқол Амин Гадовнинг айтишича, бу асосан, қиз ва йигит бир-бирига кўнгили қўйган, аммо ота-она розилиги бўлмаган тақдирда амалга ошмоқда. Бундан ташқари, лўлиларнинг бирор қариндоши, ҳатто қавмдоши вафот этса, қирқ кун давомида мотам тутилади. Шу давр мобайнида овулдаги хонадонларда телевизор кўриш, musiқа эшитиш, хурсандчилик қилиш мумкин эмаслигига қатъий эътибор қилинади. Бу тўй маросимларига ҳам тегишли. Қолаверса, таъзия кетидан яна таъзия бўлиши ҳолати кузатилади. Бундай вазиятда белгиланган тўйни узоқ муддатларга кечиктирилади. Бунинг натижасида эса, ёшлар никоҳни ортга суртишни хоҳламай, "олиб қочиш" га мажбур бўлишлари мумкин экан. Бундай ҳолатда оқсоқоллар аралашуви билан бир ҳафта, ўн кун ичида икки томон яраштирилади.

Ўзаро келишув асосида икки ёш никоҳланади [3]. Аммо, бу анъана ҳам секин-асталик билан жамият ҳаётидан чиқиб бормоқда. Чунки, қиз йигит билан қочиб кетган ҳолатда, ўша ёшларга ва уларнинг ота-оналарига ёши катталар ҳамда оқсоқолларнинг тушунтириш ишлари олиб бораётганликларига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, бундай одатларнинг нотўғри эканлиги, совчилик, ўзаро ҳурмат-иззат асосида оила қуриш, ота-оналарнинг фарзандларини тушунишлари кераклиги уқтирилади.

Илгари барча лўлиларда эрта никоҳ қуриш одати бўлиб, ҳатто 14-15 ёшларда ҳам қизлар турмушга узатилган. Бироқ, бугунги кунда бу анъаналардан буткул воз кечилди. Кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, ўртача никоҳ ёши 20 ёшни ташкил этади. Атрофдаги аҳоли каби шаръий ва расмий никоҳлардан ўтилади. Бухоро туманида истиқомат қилувчи қарши жўғилари қавми орасида шаръий никоҳ «ижоб» деб айтилади [3]. Уларда асосан ўзаро никоҳга киришилиб, атрофдаги аҳоли билан оила қуриш жуда



кам учрайди. Шу туманнинг қорача лўлиларида эса шаръий никоҳдан ўти-
либ, расмий никоҳ (ФХДЁ) биров пайсалга солиб турилади. Бунинг сабаби
бир, икки йил келин ва куёв бир-бирини синаб кўриб, сўнгра никоҳни
расмийлаштиради[3].

Лўли оилаларида ёши катталар қадрланади. Жумладан, уларнинг таж-
рибаси ва насиҳатларига амал қилинади. Лўлилар ҳам оилада ўзбеклар каби
қиз бола тарбиясига жиддий ёндашади. Олдинлари уларнинг эрта тур-
мушга берилганлигининг ҳам сабаби, бирор ножўя хатти-ҳаракат қилиб,
оила шаънига доғ туширмаслик бўлган. Оилада болалар тарбияси билан
асосан оналар шуғулланадилар.

Замонавий лўли оиласи ва маиший хўжалигида олдингига нисбатан туб
ўзгаришлар рўй бермоқда. Масалан, азалдан лўлиларда аёлларнинг кўчага
чиқиб меҳнат қилиши ва эркакларнинг уйда ўтириши анъана бўлган.
Ҳозирги кундаги кузатишлар шуни кўрсатадики, оилада ёши катталар бирдек
меҳнат қиладилар. Эркак ва аёллар маълум бир ижтимоий фойдали меҳ-
нат билан банд. Улар орасида ишчи-хизматчи, уста, ҳунарманд, табдир-
кор, ҳатто, ўқитувчи, шифокор ва ҳарбийларни кўриш мумкин. Бу ҳолат-
лар атрофдаги халқларнинг лўлилар ишламаслиги ҳақидаги этник стерео-
типларини инкор этишга асос бўлади. Энди, аёллар ўз болаларини етаклаб
тиланчилик қилишдан воз кечмоқда. Болаларини мактабда ўқитишга эъти-
борни кучайтирган. Эркаклар оиласига ғамхўрлик қилиб, бу орқали аёл-
ларининг олдингидек хўрланишларини олдини олмоқдалар. Бундан ташқа-
ри, оиланинг моддий аҳволини ҳам яхшилаб бораяпти. Ахборотчи Ўткир
Самиевнинг сўзларига кўра, улар аёлларининг кўча-куйда гадойлик қилиш-
ларини ўзлари учун номус, деб билмоқда[4].

Айниқса, болалар ва ёшларнинг ижтимоий ҳаётида ўзгаришлар қувон-
нарлидир. Энди улар илгаригидек кўча-куйда тиланчилик қилиб юрадиган
лўли болалари эмас. Балки, таълим олишни, бирор касб-ҳунар эгаллашни
ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Ота-оналарининг ғамхўрлиги ва
кўмаги билан улғаймоқда. Хусусан, ёш спортчиларнинг катта ютуқларни
қўлга киритаётганлари бунинг ёрқин исботи. Каратэ бўйича вилоят чем-
пионлари Холмуродов Диёрбек ва Холмуродов Элшодбеклар шулар жум-
ласидандир.

Оила маҳалла ва қўни-қўшничилик қадриятлари шаклланишининг асо-
сий пойдеворидир. Ҳозирда, лўлиларда 200 тадан 400 тагача хонадон маъ-
лум бир маҳаллани ташкил этади. Ушбу маҳаллаларнинг шаклланиш жара-
ёни узоқ тарихий даврни босиб ўтган. Лўлиларнинг ўтроқлашиши мурак-
каб жараён бўлган. Атрофдаги иқтисодий ва маданий жиҳатдан нисбатан
тараққий этган аҳоли билан алоқаларнинг яхшиланиб бориши, секин-ас-
талик билан уларнинг ўтроқлашишларига шароит яратди.

XX аср 60-йилларида этник жиҳатдан аралаш аҳоли масканларида кам
сонли халқлар вакиллариининг маҳаллий аҳоли вакилларига этник сингиш-
ган. Хусусан, шу даврда Самарқанд ва Бухорода ўтроқлашган лўлиларнинг
маҳаллий аҳоли вакиллари билан аста-секин аралашиб кетганлиги ҳақида
маълумотлар мавжуд [7;77]. Аммо, дастлабки ўтроқлашиши жараёнлари



XIX аср ўрталарида Бухоро, Самарқанд, Панжикент, Андижон, Қўқон каби шаҳарларда содир бўлган. Шундай бўлса-да, лўлиларнинг кўп қисми ўзининг кўчманчи ҳаёт тарзини давом эттираверган. Чунки, лўлиларнинг нисбатан бойроқ оилалари ёки жамоаларигина ўтроқлашди. Камбағаллари эса ўзлари учун тирикчилик манбаларини излаб дарбадарликда кун кечирди [6;172].

Тарихда дарбадар лўлиларнинг жамоавий гуруҳи тўп ёки тўпор, деб юритилган. Бу ўзига хос ижтимоий тузилма асосан қариндош оилалардан ташкил топган бўлиб, айрим ҳолатларда қондошлик алоқалари бўлмаган оилалар ҳам тўпорга аъзо бўлган. Кекса ёшли лўлиларнинг мавқеи анча баланд бўлган. Марказий Осиёнинг бошқа халқларида бўлгани каби анъанавий ўзини ўзи бошқариш шакли, яъни ёши улуғлардан ташкил топган "оқсоқоллар кенгаши" муҳим жамоавий масалаларни ҳал қилган.

Бу лўлилар тўпорининг қадимий ижтимоий тузилмаси ҳисобланган. Кенгашнинг маслаҳати ва розилигисиз тўпор бошлиғи – оқсоқол ҳам ҳеч қандай иш қила олмаган. Оқсоқоллик вазифасига эса тажрибали, обрўли, нисбатан моддий аҳволи яхши бўлган кишилар орасидан танлаб олинган ва сайланган. Оқсоқол кексалар билан кенгашган ҳолда барча ички масалаларни ҳал этган. Охирги қарор унинг зиммасида бўлган. Оқсоқол катта ваколатларга эга ҳисобланиб, у бошқа лўли гуруҳлари орасида ҳам обрў-этиборга сазовор бўлган. Аксарият ҳолларда тўпор унинг номи билан аталган [6;173].

Бироқ, ҳозирги даврда лўлиларда тўпор ва оқсоқол тушунчалари ўзининг тарихий маъно-мазмунини бирмунча йўқота бошлади. Бунга сабаб лўлиларнинг ўтроқлашуви ва турмуш тарзидаги ўзгаришлардир. Тўпор тушунчаси ўрнини бугунга келиб, маҳалла тузилмаси эгалламоқда. Чунки, тўпор – бу кўчманчи лўлиларнинг уюшмаси бўлиб, ҳозирда бундай ҳаёт тарзи сақланиб қолмаган ва барча лўлилар маълум маҳаллаларда ўзларининг муқим уй-жойларига эгадир.

Оқсоқоллар ҳам олдингидан фарқ қилади. Аксарият лўлилар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзлари мустақил қарорлар қабул қилиб, оқсоқоллар маслаҳати ва кўмагига эҳтиёж сезмаяпти. Бухоро воҳасидаги лўли маҳаллаларининг баъзиларида оқсоқоллар умуман йўқ ёки бўлса ҳам, олдинги ваколат ва мавқелари мавжуд эмас. Бунга мисол қилиб, Бухоро шаҳридаги "Талижа" маҳалласини айтиш мумкин. Бу маҳалла аҳолининг сўзларига кўра, ўзлари мустақил фаолият олиб бориб, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиш орқали моддий аҳволлари анча юқори. Улар ҳеч қандай оқсоқол ёки маҳаллий лўлилар тилида айтганда, "барон" деган тушунчаларни тан олмасликларини эътироф этадилар [4].

Аммо, баъзи ҳудудларда, яъни Когон туманидаги "Саид-обод", Гиждувон туманидаги "Панжувон" маҳаллаларида истиқомат қиладиган аҳоли учун оқсоқолларнинг нуфузи ҳамон баландлигича қолмоқда. Ҳатто, оқсоқолнинг номи билан аталувчи маҳаллалар ҳам мавжуд бўлиб, Бухоро туманида жойлашган "Амин-обод" маҳалласи шу ернинг айна пайтдаги оқсоқоли Амин Гадов номига қўйилганлигини кўриш мумкин. Чунки бу об-



рўли оқсоқол ўзининг чорвачилик, савдо-сотик, тадбиркорлик ортидан келган кўп миқдордаги даромадининг ўндан бирини мунтазам равишда халққа улашиб туради. Унинг нафақат ўз маҳалласида, балки Бухоро вилоятининг бошқа туманларидаги лўлилар ва ўзбеклар билан яхши муносабатлар ўрнатганлигига, уларнинг ҳурматини қозонганлигига оддийлиги, камтарлиги ва тўғри сўзлиги сабаб бўлган.

Юқорида тилга олинган "Саид-обод" маҳалласи ҳам шу ернинг ҳозирги оқсоқоли Пардаев Нутфуллонинг отаси номига қўйилган. Бу инсонга оқсоқоллик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган экан. Лекин, оқсоқолликнинг мерос бўлиб ўтиб келиши билан бирга, шу масъулиятли ишга муносиб бўла олиши кераклигини таъкидлайди. Оқсоқол аввало, оқил ва адолатли бўлиши кераклигини айтади. Демак, бу ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этган лўлилар орасида турмуш даражаси паст ёки савод чиқармаган лўлиларнинг ҳам қисман мавжудлиги натижасида, улар доимо оқсоқолларга эҳтиёж сезади. Оқсоқоллар уларга керакли ижтимоий ва моддий кўмакни бериш учун бор салоҳият ва имкониятларини сафарбар этади. Ишга жойлаштириш, фуқаролик ҳамда юридик масалаларда доимий ёрдам ва маслаҳатлар беради.

Оқсоқоллар маҳалла раисининг вакили сифатида жамоадаги барча муаммоларни, яъни ташкилий ишлар, мунозарали масалалар, ободонлаштириш, тўй-маърака, ҳашар ишлари ва бошқаларни тартиблаштириб турувчи кишилар ҳисобланади. Маҳаллий бошқарув органларининг топшириқлари ва эълонларини маҳалла аъзоларига етказиб, унинг бажарилишини назорат қилади. Ўз навбатида оқсоқоллар ҳам маҳалладаги муаммоларни (йўл қурилиши, коммунал муаммолар, ижтимоий ҳимоя ва бошқалар) ҳал қилишга қурби етмаган тақдирда, улардан амалий ёрдам олади. Шу орқали ўзаро ҳамкорликда ижтимоий муаммолар ўз ечимини топиб бораверади. Маҳаллада истиқомат қилувчи ўзбеклар ва лўлиларнинг яқин қўшничилик муносабатларини йўлга қўйиб, аҳил яшаб келишларида оқсоқолларнинг ўрни яққол сезилиб турибди. Маҳалладош ўзбек ва лўлилар бир-бирларининг тўйлари ёки таъзиялари бўладими, ўзаро борди-келди яхши сақлаиб қолган. Лўли ва ўзбек болалари бир мактабда таҳсил олиб улғайишмоқда.

Лўлиларда жамоавий ҳаёт ўзининг уюшқоқлиги билан ажралиб туради. Уларда бирдамлик, бир-бировининг яхши-ёмон қунида елкадош бўлиш ҳисси жуда юқори. Буни маҳалладаги ўзаро ёрдам, ҳашар, тўй-маъракаларида одамларнинг иштироки каби ҳолатларда кўриш мумкин. Уларда ижтимоий меъёрлар - яъни, жамият томонидан белгиланган ва қоида тусини олган тартиблар қатъий белгиланган. Бу тартиблар бузилганда, албатта ижтимоий муносабат билдирилади.

Маълумки, ҳозирги глобаллашув даврида бутун дунё бўйлаб, айниқса Ғарбда ижтимоий бегоналашув илати кузатилмоқда. Инсонлар ўзлари ва ён-атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик, масъулият, уят ҳиссиётларидан тобора узоқлашмоқда. Шундай ёнларидаги салбий ҳолатга кўз юмиб, муносабат билдиришдан ўзларини тийиб туради. Натижада



жамиятда парокандалик, бошбодоқлик пайдо бўлади. Лўлиларнинг жамоавий ҳаёти бундай ҳолатлардан холи, дейиш мумкин. Атрофдаги бошқа аҳоли сингари, лўлиларнинг ҳам жамоавий ҳаётидаги уюшқоқлик бутун мамлакатдаги ижтимоий тараққиётининг омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро воҳаси лўлиларининг оилавий муносабатлари ва жамоавий ҳаётига улар билан ёнма-ён яшаётган халқларнинг, хусусан воҳа тожиклари ва ўзбекларининг бевосита таъсири сезилади. Ушбу жараён таъсирида аралаш никоҳлар орқали ўзаро оилавий муносабатларнинг кучайиши ва қоришиб кетиш ҳолатлари кўп учрайди. Бундай фаол оилавий ва маданий муносабатларга қарамай, лўлилар ўзига хос айрим оилавий тартиблар ҳамда жамоавий муносабатларни сақлаб қолмоқдалар. Бу уларнинг ижтимоий ҳаётида анъанавийликнинг айрим унсурлари яққол устун туришини билдириб, булар лўлиларнинг этник идентиклиги асосини ташкил этувчи омиллар эканлигини кўрсатади.

Резюме:

Мазкур мақолада Бухоро воҳаси лўлиларининг оила-никоҳ муносабатлари, маҳалла тизими ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари манбаи, адабиётлар ва дала материаллари асосида таҳлил қилинган. Маҳаллий аҳоли таъсирида этник гуруҳнинг жамоавий ҳаётида содир бўлган трансформациялашув жараёнлари очиб берилган.

Резюме:

В статье анализируются семейно-брачные отношения бухарских люли, система махалля и их особенности на основе источные литературных и полевых материалов. Выявлены трансформационные процессы, происходящие в социальной жизни этнической группы под влиянием местных жителей.

Summary:

The article analyzes the family and marriage relations of Bukhara gypsies, the makhalla system and their features based on literary and field materials. The transformational processes occurring in the social life of an ethnic group under the influence of local residents are revealed.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атаханов Ш. Фаргона водийси лўлилари (тарихий-этнологик тадқиқот): Т.ф.н. илмий даражаси учун ёзилган диссертация. Т, 2005.
2. Ганцкая О.А., Терентьева Л.Н. Межнациональные браки и их роль в этнических процессах// Современные этнические процессы в СССР наука, 1977.
3. Дала ёзувлари. Бухоро тумани, Аминобод маҳалласи, 2019 йил.
4. Дала ёзувлари. Бухоро шаҳри, Талижа маҳалласи, 2019 йил.
5. Народы Средней Азии и Казахстана. Т II. М: 1963.
6. Назаров Х.Х. Современное этническое развитие среднеазиатских цыган (люли) // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. Москва: Наука, 1980.
7. Ҳошимов И. Лўлилар дунёсига саёҳат. Т: Муҳарир, 2013.



QASHQADARYO VILOYATIDA PEDAGOGIK KADRLAR TAYYORLASH: DASTLABKI QADAMLAR

Ўктам АБДУЛЛАЕВ,
ҚарМШИ мустақил изланувчиси.

Таянч сўз ва иборалар: *Ўзбекистон, Қашқадарё, педагогика, таълим, билим юрти, талаба, ўқитувчи, тарбия, институт, Бухоро, филиал.*

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан янги ижтимоий-иқтисодий шароитга мос бўлган педагогик кадрлар тайёрлаш давр талабига айланди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини келтириш лозим: "Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилмоқда. Янги олий ўқув юртлари билан бирга чет элдаги нуфузли университетларнинг филиаллари очилмоқда, олий таълим муассасаларига қабул квоталари оширилмоқда, кўпгина йўналишлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолият кўрсатмоқда".

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида педагогик кадрлар муҳим бўгин ҳисобланади. Жамиятда ўқитувчиларга эътибор муайян давлатда маданий тараққиётини қай аҳволда эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бир-биридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечимини айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз".

Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзига хос тажриба шакланган. Буни биз Қашқадарё вилояти мисолида ўрганганимизда ниҳоятда қизиқарли маълумотларни учратдик.

Қашқадарё вилоятида ўрта махсус маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш 1927 йили Қарши педагогик билим юрти очилиши билан йўлга қўйилган. Бу даврда билим юртида Абдулла Бойматов (биринчи директори), Ашур Одилӣ (илмий бўлим мудирини), Шариф Саидий, Бобохонов, Исломов, Гоибов каби ўқитувчилар фаолият олиб борган. 1930-1931-ўқув йилида эса билим юртини илк битирувчилари 13 нафардан иборат бўлиб, улар орасида Алиқул Имомов (Тожикистон Республикаси маданият министри), Раҳмонқул Қурбонов (Ўзбекистон Министрлар Совети раиси), Икром Болтаева (Ўзбекистон халқ артисти), Баҳриддин Маннонов (т.ф.н. ЎзРФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими), Очил Тоғаев (филология фанлари доктори, профессор, Тошкент Давлат университети Журналистика факультети ўқитувчиси) Қарши давлат педагогика институти ўқитувчила-



ри Малла Очилов, Амирқул Ҳазратқулов, Исматулла Раҳматуллаев, Самад Зоҳиров, Қосим Абдуллаевлар бор эди .

Қарши педагогика билим юртида таҳсил олувчи ўқувчилар сони ортиб борган. Масалан, 1943-1944-ўқув йилида мазкур таълим муассасасида 4 та синфда 86 нафар ўқувчи таълим-тарбия олган бўлса, 1948-1949-ўқув йилида 15 та синфда 460 нафар ўқувчи таълим олди. Аммо улар орасида ўзбек миллатига мансуб қизлар жуда озчиликни ташкил этиб, 1943-1944-ўқув йилида билим юртда 15 нафар ўзбек қизлари таҳсил олган бўлса, 1948-1949-ўқув йилида улар сони 69 тани ташкил этган. Шунингдек, мазкур таълим муассасасида дарс берувчи педагоглар сони ҳам ортиб борган. Масалан, 1943-1944-ўқув йилида билим юртида 6 нафар, 1945-1946 ўқув йили 11 нафар, 1948-1949-ўқув йилида 24 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатган. Бу даврда педагогик кадрлар танқислиги ниҳоятда кучли бўлган. Билим юрти ўқитувчиларнинг фақат 50 фоизи олий маълумотли эди. Бундан ташқари билим юрти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида қатор муаммолар тўпланиб борган эди. Билим даргоҳи иккинчи жаҳон урушигача қурилган икки қаватли бинода фаолият олиб бориб, ишлаш учун шароит мавжуд бўлмаган. Бино йўлаклари тор бўлиб, ўқувчиларга ўқув хоналари етишмаган.

Қашқадарё вилоятида 1945 йилда Бухоро бирлашган давлат педагогика ва ўқитувчилар институтининг Қарши филиали ташкил этилган. Қарши шаҳридаги 7 йиллик мактаб биносидан филиал учун битта ўқув хонаси ажратилган. Шунингдек, талабалар учун собиқ жамоа хўжалигининг отхонаси биноси таъмирланиб, ётоқхона қилиб берилган. Филиал ўқитувчилари Нуриддинбек Оғалиқ эшоннинг катта ҳовлисидаги меҳмонхонага жойлаштирилган. Филиал очилган йили тарих ва тил адабиёт ихтисослиги бўйича 32 нафар талаба қабул қилиниб, уларнинг 11 нафари рус миллатига мансуб бўлган.

Бухоро бирлашган давлат педагогика ва ўқитувчилар институти Қарши филиалининг биринчи директори қилиб, ташкилотчи ва иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси Умар Давронов тайинланган. Бу даврда талабаларга П.Я.Межинский, Т.Ядиханова, М.Тоҳирзода, Н.Раҳмонов, С.Расулов каби тажрибали педагоглар таълим берган. Шу билан бирга вилоятда ўқитувчилар танқислиги боис, асосий курсларни ўқитиш учун Бухоро шаҳридан етакчи ўқитувчилар таклиф этилган. П.Н.Наришкин, Н.Борухов, С.Усмонов, М.Мирзаев каби ўқитувчилар Бухородан келишиб, филиалда талабаларга таълим беришган.

Ўзбекистон Министрлар Советининг 1949 йил 27 октябрдаги 1966-сонли қарори билан мазкур филиал Қарши ўқитувчилар институтига айлантирилган ва унда таълим икки йиллик бўлиб, тўлиқсиз олий маълумот беришга мўлжалланган. Институтда дастлабки йилларда физика-математика, тарих, тил ва адабиёт ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланиб, очилган йили 101 нафар талаба ўқишга қабул қилинган. Шундан 29 нафари физика-математика, 19 нафари тарих, рус тили ва адабиёти бўйи-



ча 17 нафар, 36 нафари ўзбек тили ва адабиёти бўйича эди.

Қарши ўқитувчилар институтини 1949-1951 йиллари Турсун Тожиев, 1951-1954 йиллари Барот Музаффаров, 1954-1955 йиллари Аъзам Шерматов, 1955 йили Азим Самадов бошқарган. Бу даврда таълим масканида Аъзам Шерматов, Очил Тоғаев, Абди Умиров, Абдумўмин Қаҳҳоров, Бозор Самадов, Самад Расулов, Қодир Мирзаев, Боқи Соқиев, Чўли Қўзиев, Андрей Суменков, Турсун Содиқов каби ўқитувчилар талабаларга таълим-тарбия беришган. Шунингдек, институтда Тошкентдан филология фанлари номзоди Аъло Ашрапов, Охунжон Собиров каби тажрибали педагоглар таклиф этилган. 1955 йили институтда биринчи бўлиб, Таслия Ядиханова Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Институт жамоаси кўп соҳаларда муваффақиятларга эришиб, Республика олий таълим тизимида ўз ўрнини топиб борган. Талабалар шаҳар ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган. Масалан, 1956 йилда институт талабаси Г.С.Канюк гимнастика бўйича спорт устаси талабини бажариб, шу унвонга сазовор бўлган.

1956 йил июлда Ўзбекистон Министрлар Советининг қарори билан Қарши ўқитувчилар институти негизида Қарши давлат педагогика институти очилган. Педагогика институтида 4 та факультет: физика-математика, ўзбек тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёт, педагогика кабилар фаолият кўрсатиб, уларда 726 нафар талаба таҳсил олган. Бу даврда институтда 60 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатиб, шундан 8 нафари фан номзоди, 21 нафари катта ўқитувчи, 31 нафари ассистент ўқитувчи эди. Институтда физика, математика, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, педагогика, жисмоний тарбия кабинетлари ташкил этилган.

1958-1964, 1967-1972 йилларда институтни Қурбон Ўлжабоев бошқариб, унинг раҳбарлиги даврида институт ҳудуди 2 гектардан 56 гектарга кенгайтирилган. Кўчабоғ ва Оқмасжид қишлоқлари аҳолиси бошқа жойга кўчирилиб, ҳудуд текисланган. Чинор, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилган. Бундан ташқари 4 гектарли "Ботаника боғи" ташкил этилган. Бу даврда институтда ҳашар йўли билан ўқув бинолари қурилган. Талабалар касабаси уюшмаси ва институт илмий кенгашида ҳар бир талаба 2-3 мингтадан хом гишт қўйиб бериши тўғрисида қарор қабул қилинган. Талабалар қурилиш гуруҳлари тузилиб, бу республикада талабаларнинг дастлабки қурилиш гуруҳларидан бири ҳисобланган. Талабалар қурилиш гуруҳида Худойберди Хўжанов, Камол Очилов, Баҳриддин Нуриддинов, Лутфулло Каромов, Анвар Чориев, Жўра Қултоевлар кабилар фаол иштирок этишган. Талабалар томонидан қўйилган хом гиштлар хумдонларда пиширилиб, пишиқ гиштлар қурилиш ташкилотларига берилган ва эвазига бошқа қурилиш материаллари олинган ҳамда институтда ҳашар йўли билан 12 та бино барпо этилган.

Институтда ўқитувчиларни илмий ишга жалб этиш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилган. М.Самадов филология фани бўйича "Комил Яшин-



нинг ижодий йўли" мавзусида, И.Е.Токарская "1917 йилга қадар ўзбек-ўқувчиларини рус тилига ўқитиш тарихидан", Қ.Ў.Ўлжабоев "Ўзлаштиришни юқори кўтариш ва онгли интизомни тарбиялашда комсомол ташкилотининг роли" мавзусида илмий изланишлар олиб боришган. 1965 йилда Тоғай Ўринов, Н.Билолов, А.Я.Мизарбоев, Вафо Эгамбердиев, Ўктам Раҳимов, Тошпўлат Жавлиевлар номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1966 йилда аспирантурада ўқиётганлар сони 47 нафарга етган. Шунингдек, 10 нафардан зиёд ўқитувчи докторлик диссертацияси устида ишлашган. 1964-1966 йилларда институт бўйича 10 та илмий тўплам, 4 та рисола тайёрлаб нашр этилди.

Хуллас, Ўзбекистонда ўрта махсус ва олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида Қашқадарё вилоятининг ўзига хос муносиб ўрни бор. Қарши педагогика билим юрти ва Қарши давлат педагогика институти Республикадаги энг дастлабки таълим масканлардан ҳисобланади. Мазкур таълим муассасарида тайёрланган педагоглар вилоят олий ва умумтаълим тизимида кадрлар билан таъминлашда муваффақиятли фаолият кўрсатишган.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятида педагог кадрлар тайёрлаш ишининг йўлга қўйилиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар таҳлил этилади. Шунингдек, Қарши педагогика билим юрти ва Қарши давлат педагогика институтининг ташкил топиши тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются процессы, связанные с созданием педагогических кадров в Кашкадарьинской области. А также обобщена информация о Каршинском педагогическом училище и об открытии Каршинского государственного педагогического института.

RESUME

This article analyzes the historical processes associated with the preparation of pedagogical staff in Kashkadarya region. It also summarizes the information about the Karshi Pedagogical school and the opening of the Karshi state Pedagogical Institute.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийларга табриги Жамият, 2018 йил 28 сентябрь
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд -Т, "Ўзбекистон" НМИУ, 2018.-508 б.
3. Қашқадарё вилояти давлат архиви (ҚВДА), 182- жамғарма, 1 - рўйхат, 51 - иш.
4. ҚВДА, 1- фонд, 1 - рўйхат, 417 - иш.
5. Содиқов Т., Расулов Т., Бегматова Н. Университет тарихидан лавҳалар 1 қисм. -Қарши, "Қарши давлат университети" нашриёти.- 2013,-Б.8-9 .
6. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1967 йил 28 октябрь



TARIXSHUNOSLIK

O'ZBEKISTON ARABLARINING DEHQONCHILIK BILAN BOG'LIQ AN'ANALARI

ШерзоД ИСКАНДАРОВ,

Тошкент тиббиёт Академияси «Ижтимоий фанлар»
кафедраси катта ўқитувчиси.

Таянч сўз ва иборалар: этнография, чўл, деҳқончилик, географик, иқтисодий, боғ, сув, пахта, ўтроқ, анъанавий, этномаданий.

Ўтмишда арабларнинг катта қисми чорвачилик билан шуғулланиб, чўл ҳудудларида истиқомат қилиб келишган бўлса, кейинчалик ўтроқ деҳқончиликка ўта бошлаганлар. Айниқса, Бухоро амирлиги даврида уларнинг иқтисодий ҳаётида деҳқончилик муҳим ўрин эгаллай бошладики, XVII-XVIII асрлардан сўнг арабларнинг анча қисми деҳқончилик билан шуғулланганлар.

XX аср ўрталаридан бошлаб араблар деҳқончилик ва чорвачилик хўжалик машғулоти билан бир вақтнинг ўзида машғул бўлган. Сунъий сугоришга асосланган деҳқончиликнинг оммавийлашишига ва кўплаб чўл ҳудудларининг ўзлаштирилиши ўз ўрнида бу ҳудудларда арабларнинг маҳаллий ўзбек ва тожик халқлари билан ўзаро аралашшига сабаб бўлди.

Деҳқончилик хўжалиги араблар турмуш тарзида асосий ўрин эгаллаб, бошқа халқлар билан этномаданий ўзора яқинлашишига олиб келишган.

Минтақада араблар сон жиҳатидан унча кўп бўлмасалар-да, ўз номини ҳозиргача сақлаб келмоқдалар. XIII асрда улар ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, чорвачилик билан бирга деҳқончилик билан ҳам шуғулланган. XIII асрда Мовароуннаҳрда маҳаллий турғун туркийзабон аҳоли, тожик ва араб этносларидан ташқари яна ўнлаб йирик ярим ўтроқ аҳоли истиқомат қилишган. Улар ўзбек халқи этногенезида муҳим ўрин тутиб, ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашган асосий компонентлардан бир ҳисобланади.

Арабларни катта қисми чўл, тоғли, даштли ўлкаларда истиқомат қилиб, келишган. Чунки, араблар ҳаётида чорвачилик асосий машғулоти ҳисобланиб, келинган. Айрим араблар ҳанузгача чўл ҳудудида истиқомат қилиб келинмоқда, мисол тариқасида, Навоий вилоятидаги арабларни истиқомат қиладиган қишлоқлари ҳам табиий-географик хусусияти ва аҳоли машғулоти қараб асосан уч гуруҳга бўлиш мумкин. Арабларининг турмуш тарзида чорвачилик, кейинчалик ўтроқ ҳаётига ўта бошланиши деҳқончилик ва ҳунармандчиликни кенгроқ тарқалганлигини кузатиш мумкин. Биринчидан, араб чорвадорларининг қир-адирларда кўчиб, юриши, иккинчидан, уларнинг маҳаллий аҳоли билан яқинлашиш муҳим ҳисобланади.



Ўзбекистонда араблар республиканинг марказий ва жанубий вилоятларида кўпроқ жойлашган бўлиб, улар асосан ўз қишлоқлардан бошқа элатларга аралашмаган ҳолда алоҳида ажралиб яшаган. Араблар чорвачилик билан шуғулланиб, араб қўйларнинг қўзиларидан олинадиган қоракўл терилари етиштиришга катта эътибор беришган. Бундан ташқари улар йилқичилик билан ҳам шуғулланганлар. Умуман олганда республикада араб хўжаликларининг нуфузи анчагина бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда етакчи ўринлардан бирида турган. Мисол тариқасида Бухоро округидаги аҳоли яшаш жойлари – қишлоқлар ва ундаги хўжаликлар (оилалар) ни келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон арабларининг хўжалик фаолияти маҳаллий халқлардан унчалик фарқ қилмайди. Бироқ қадимда арабларни катта қисми чорвачилик билан шуғулланиб чўл ҳудудларда истиқомат қилиб келишган бўлса ҳам кейинчалик ўтроқ деҳқончиликка ўта бошлади. Айниқса, Бухоро амирлиги даврида иқтисодий ҳаётида деҳқончилик қадимги алоҳида муҳим ўрин эгаллаб келганлиги сабабли бўлса-да, XVII-XVIII асрдан сўнг арабларни йирик қисми деҳқончилик билан шуғулланишига катта эътибор қаратиб келишди. Шу сабабли сунъий сугориш иншоотларни барпо этишган. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, араблар чорвачилик ва деҳқончилик ишларни бир вақтнинг ўзида олиб боришди. Сунъий сугоришга асосланган деҳқончиликнинг оммавийлашига кўплаб, чўл ҳудудларни ўзлаштирилиши бу ҳудудларида арабларнинг маҳаллий ўзбек ва тожик халқлари билан ўзаро аралашishiга олиб келди. Этник ўзаро боғлиқлик ҳолатларининг катта қисмини тушуниш учун идентиклик (этник ўзликни англаш)ларидир. Умуман, шу билан бирга тасдиқлаш мумкинки, қаердаки этник муносабатлар узоқ даврлар мобайнида барқарорликни сақлаб, қолувчи жойларда, ўзига хос томони, қаердаки, этник гуруҳлар ўртасида мустаҳкам ўзаро боғлиқлик пайдо бўлувчи жойларда, кутиш мумкинки, биз қандайдир демографик мувозанатни топамиз. Ушбу мувозанатга таъсир этувчи турлича омилларни таҳлил этиш билан боғлиқдир. Ҳар қандай аниқ ареалдаги этник ўзаро алоқалар таҳлилининг энг муҳим қисми саналади. Инсон унга эгаллик қилишга ёки ёлланиш орқали, ўзига хос савдо иши ёрдамида киради. Бошқа томондан араблар бутун Ўзбекистоннинг барча ҳудудларга келиб жойлашган. Ишлаш учун ер маҳаллий аҳолигагина берилган. Ер эгалари деҳқонлар ўртасидаги фарқни кўплаб Яқин ва Ўрта Шарқ жамиятлари ижтимоий структуралари учун шунчалик муҳим ҳисобланса-да, бу ерда ундай дейиш мушкул, чунки ер эгаси бўлиш асосий, мутлақ устун турувчи ҳуқуқни бера олмайди. Этник идентиклигига эга бўлиш орқали янги маданияти шаклланди.

Чорвачилик учун кенг яйлови ёки дашт ҳудудларида истиқомат қилиш муҳим ҳисобланган. Ярим ўтроқ чорвачилик хўжалигининг деҳқончиликдан ажралиб чиқиб, кенг дашту биёбонларига тарқалиши, йирик ишлаб чиқариш соҳасига айланиши янги ерларни эгаллашда муҳим роль ўйнаган. Лекин бу ҳодиса техник-иқтисодий жиҳатдан интенсив деҳқончилик,



хўжалигидан орқада қолган чорвачилик оқибатда ўтроқ аҳолига қарама-қарши қилиб қўяди, иккита йирик соҳа орасида катта зиддиятлар туғдиради. Маданий-иқтисодий қолоқ кўчманчи қабила ва элатлар воҳаларга тез-тез ҳужум қилиб туриб, аввалига талон-торож, қиргин келтириб турганлар. Қадимий даврлардан XVIII асрга қадар давом этиб келган, Дашти Қипчоқдаги сак-массагет, кейин кўчманчи араб ва мўғул қабилаларининг босқинчилик юришлари шарқда Хитойдан то ғарбдаги араб давлатларигача ҳудудда юксак маданият яратган ўтроқ халқларнинг иқтисодий ва маданий тараққиётига зарар етказган.

Ўрта Осиёда яшаб турган азалий чорвадор халқларда кечаётган ўтроқлашиш ва деҳқончиликка ўтиш жараёни XIX асрнинг II ярмидан эътиборан кучайиши этнослараро алоқаларнинг янада ривожланишига олиб келди. Оқибатда барча ярим ўтроқ ва ярим кўчманчи этнослар, моддий маданиятида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Чунончи, араблар ўтроқ этносларига хос уруғ-қабилавий анъаналарини узоқ асрлар давомида сақлаб, қолишлари учун шароит туғилганлигини назардан қочирмаслик энг муҳим ҳисобланади.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, жанубий Сурхон воҳаси араблари бундан 200 йиллар бурун шимолий Афғонистондан, аниқроғи Балх тарафдан келишган. Баъзи манбаларда уларнинг аждодлари асосан, чорвачилик ва қўйчилик билан шуғулланиб, кенг яйловлар қидириб, Сурхон воҳаси орқали ўтиб Қашқадарё ҳамда Зарафшон ҳудудларига бориб қолган дейилса, бошқа бир маълумотда 1513 йилда бу ўлкаларнинг султони Жонибек арабларни Амударё соҳиллари Балх, Шибирғондан Қашқадарё ва Зарафшон ҳудудларига кўчирган, деган фикрлар ҳам мавжуддир. У даврида олиб келган араблар асосан ҳунармандлардан иборат бўлган.

Дашт қишлоқлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу қишлоқлар аҳолиси кўпроқ чорвачилик билан шуғулланган, қишлоқда боғ ва мевали дарахтлар ўсмаган, фақат қудуқ сувларидан фойдаланилган. Бу қишлоқлар аҳолиси лалмикор, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Шунинг учун дашт қишлоқлари кўпроқ чорвачилик учун қулай жойларда жойлашган, бу қишлоқлар, бир-биридан узоқ бўлиб, уй қурилишлари, уларнинг жойлашуви чорвачиликка мослашган. Дашт қишлоқларида асосан ярим ўтроқ ўзбек уруғлари-қўнғиротлар, жузлар яшаган. Бойсун ва Шеробод бекликларидаги Даштиғоз, Бандихон, Овзикенг, Бешэркак, Мунчоқ, Узунқудуқ, Эгарчи, Бешқўтон, Талашқон қишлоқлари дашт қишлоқларидан ҳисобланган. Шеробод беклигида кўплаб дашт ерларга сув чиқарилиб деҳқончилик, хусусан пахтачилик кенг қулоч ёйиб боргач, дашт қишлоқлари сони аста-секин қисқариб борган. Бошқа ҳудудлардан келган халқлардан фақат арабларгина ўзбекларга яқин турмуш кечирганлар. Улар ҳам кенг яйловларда, лалми ерларда ярим ўтроқ ҳаёт кечиришиб, асосан чорвачилик билан шуғулланишган. Араблар алоҳида яшасаларда, маҳаллий аҳоли билан этномаданий алоқалар натижасида



ўз тилларини унутишган. Жанубий Сурхон воҳаси араблари асосан ўзбек тилида сўзлашиб, турмуш-тарзи деярли ўзбек, уруғларидан фарқ қилмаган. Аммо уларда арабларга хос антропологик белгилар ҳамда баъзи маросимларда моддий ва маънавий маданиятда сақланиб қолганлигига кузатиш мумкин.

Маълум бўлишича, кейинги вақтларда, ҳаттоки XX асрнинг бошларигача Жейнов араблари қўйларини Афғонистонга ҳайдаб боришган. Улар Афғонистон ҳудудида жойлашган Андхўй билан бевосита алоқада бўлишган. Деҳқончилик билан бир қаторда, чорвачилик (майда мол, қўй-эчки) ҳам боқишган. Бу каби ҳолати Бухоро воҳасида жойлашган. Жугари қишлоғида кузатилди. Улар ҳам ёз вақтида хўжаликларни фақат бир қисми дала-даштга кўчиб чиққан, аксари аҳоли саратонда қишлоқда қолган. Жейновда эса, ёз пайти қишлоқда ҳеч ким қолмай, у ҳувиллаб ётган. Барча аҳоли, Жейновдан кетиб ёз мавсумини ўтказиш жойи қишлоқдан 30 чақирим нарида бўлган Шўрча яйловига кўчиб борган. Чунки, чорвалик билан шуғулланиш мақсадида юқоридаги ҳудудларга бориб ўз қўйларни боқишган. Бу каби бугунги кунда маълум маънода ўзгаришга учрамоқда, яъни, XXI асрга келиб, арабларни катта қисми ўтроқ ҳаётга ўта бошлаган. Ҳар бир оила деҳқончилик, ҳунармандчилик ҳамда маҳаллий анъанавий машғулотларига айланиб бормоқда. Бунга мисол тарзида йирик араб қишлоқлари турмуш тарзи ва анъаналарга хос маданиятини ёритилган бир қанча мақолаларда ҳам ўз исботини топган.

1962 йилда нашр этилган "Дунё халқлари" рукнидаги этнографик лавҳаларнинг 2-жилдида ҳам араблар турмуш-тарзига оид қизиқарли маълумотлар қайд этилади. Унда ёзилишича, XX аср 60-йилларида ҳам арабларнинг асосий машғулоти, қадимда бўлганидек, чорвачилик ва деҳқончилик асосий машғулотларидан бири деб эътироф этилади. Улар яшайдиган дашт ва чўл ҳудудларда чорвачилик тараққий қилган бўлса-да, воҳа жойларда деҳқончилик ривож топган. Чорвачиликнинг нисбатан юксалган соҳаси қоракўл қўйлари ва туялар боқиш бўлган. Шу боисдан маҳаллий аҳоли қоракўл қўйларининг бир зотини "арабий" ёки "араби" деб атайти. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий туманларида ҳаёт кечирадиган араблар ҳисори (думбали) қўйларни ҳам боқишган.

Ахборотчиларни маълумотига кўра арабларининг аксарияти қишлоқларда яшашган. Масалан, Жейнов қишлоғида кўп сонлик аҳоли жунга ишлов бериш билан машғулдир. Шундай қилиб, арабларнинг анъанавий чорва ишларига қўшимча, ҳозирда анъанага айланган деҳқончилик ишлари ҳам ривожланиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон арабларининг этномаданий идентиклигини тадқиқ қилиш ҳамда ҳудуд аҳолисини деҳқончилиги ва ҳунармандчилик каби анъанавий хўжалик машғулотлари минтақани табиий-географик шароити, аҳолининг этник таркиби, жойлашув хусусиятлари янги манбаларни қиёсий таҳлиллар асосида ўрганиш энг долзарб вазифадир.



РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада, Ўзбекистон арабларининг деҳқончилик билан боғлиқ анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются особенности арабских земледельческих традиций арабов в Узбекистан.

RESUME

V dannoy state analiziruyutsya osobennosti arabских traditional arabov v Uzbekistane. Segodnya bolshinstvo arabov zanyato v selskom khozyaystve v sravnitelnom issledovanii na osnove polevykh issledovaniy material

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Улашева С. Хоразмшоҳлар даврида Мовароуннаҳр аҳолиси. «Турон тарихи». Т.: 2012 йил. 2-3 сонлар. Б. 48.
2. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар ҳаёти ва этнографияси. Т.: Шарқ, 2012. Б. 276.
3. Шу асар. Б. 191.
4. Шу асар. Б. 215
5. Аширов А.А. Этнология. Т.: 2013. Б. 172.
6. Ражабов Р. Кўрсатилган асар. Б. 107
7. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири XX аср бошлари). Дисс... қўлёзмаси. Т., 2006. Б. 175.
8. Ражабов Р. Кўрсатилган асар. Б. 252
9. Народы Средней Азии и Казахстана // Народы мира. Т. 2. - М., 1963. С. 253, 587-588
10. Янес. М.А. К вопросу об оценке национального самосознания арабского населения Узбекистана (результат этносоциологического анкетирования). -Москва 2012. С. 166.



SALOHIDDIN TOSHKANDIYNING "TEMURNOMA" ASARI MUHIM MANBASIFATIDA

Камолиддин ГАНИЕВ,
СамДАҚИ, доцент
Қурбон НУРБОЕВ,
катта ўқитувчи

Таянч сўз ва иборалар: *Амир Темури, Салоҳиддин Тошкандий, "Темурнома", адабий дoston, Поён Равшанов, тарихий манбалар, А.Ю.Якубовский, Ибн Арабшоҳ.*

Ўзбек халқи Амир Темури каби тарихий шахсларни дунёга келтирган йирик миллатлардан биридир. Зеро, Соҳибқирон халқимиз тарихида мўғуллар зулми кучайган, ўзаро урушлар авж олган, оддий халқ йўлбошчисиз қолган даврда етишиб чиқиб, ўзбек давлатчилигини яна бир бор дунёга танитди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги арафасидаёқ Амир Темури шахси, унинг давлатчилиги тарихини ўрганиш ўзбекистонлик олимларнинг диққат марказида бўлди. Буни биз филология фанлари номзоди, профессор Поён Равшановнинг илмий-ижодий фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Олимнинг ўзбек халқи тарихининг турли даврларига бағишланган жуда кўплаб китоблари, илмий мақолалари нашр қилинди. Жумладан, "Тарих бадиияти", "Ватан тарихидан", "Малика Кенагас ойим ёхуд Амир Насруллонинг ўлими қиссаси", "Амир туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси", "Амир Темури Ватани", "Амир Темури оиласи", "Оқсарой тарихи", "Темурийлар силсиласи", "Амир Темури хонадони", "Қашқадарё тарихи", "Қамоқ салтанати" каби асарлари чоп этилди. Шунингдек, "Амирлашкар Алимқули" қўлёзмаси, Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома", Ҳасан Абушийнинг "Туркий қавмлар тарихи" каби асарларни нашр қилди. П.Равшанов Ўзбекистон тарихида биринчилардан бўлиб Амир Темури шахси тўғрисида мақолалар ёзган, асарлар нашр қилган олимлардан ҳисобланади. Ушбу фикрларни Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома" асарини олим 1991 йилдаёқ нашрга тайёрлаганлигидан билсак бўлади. Бу китоб 1990-1991 йилларда 200 мингдан, икки йилда жами 400 минг нусхада босилиб чиққан эди. Нашрдан чиққан ушбу китоб П.Равшановнинг "Темурнома" ҳақида сўз деб номланган кириш сўзидан бошланади. Кириш сўзи китобнинг ҳозирги давргача етиб келиши, китобнинг қисқача мазмун-моҳияти берилиши билан эмас, балки китоб ҳам адабий, ҳам тарихий жиҳатдан ўрганилганлиги билан ҳам қадрлидир ва оддий китобхон "Темурнома"да тушуна олмаган жиҳатларнинг ёритиб берилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Хусусан, олим бу асар ҳақида "...Албатта, "Темур-



нома" илмий манба ёинки тарихий асар эмас. "Темурнома" энг аввало – бадий асар. Бадий асар бўлганда ҳам бир неча форсий манбалар асосида битилган, дейиш мумкин. Шу боис асарни таржима дейиш бир ёқлама бўлиб чиқади. Чунки у мутлақо эркин, ижодий ёзилган. Шу билан бирга воқеа–ҳодисаларни далиллашда тарихий манбаларга мурожаат этилган ўринлар кўп. Бу ҳол асарда бошдан–оёқ давом этади. Ана шуларга асосланиб, "Темурнома"ни бир неча тарихий–бадий китоблар умумлаштирилган янги асар дейиш тўғри бўлади" – деб, асарга муносиб баҳони бера олган [1, 11-бет]

"Темурнома" ҳақиқатан ҳам адабий дostonдир. Чунки, "Темурнома"-нинг "Эмди келдук достони Амир Соҳибқиронга, яъни Амир Темур Кўрагон Искандари Сонийга" деб аталган бобда Амир Темурнинг шажараси, ҳаёти ва фаолиятига тўхталиб, 1908 йилда "Темурнома"ни тартиб қилганга қадар темурийлар, Бухоро хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихининг қисқача баёнида хронологик хатоликлар мавжуд. Шунингдек, Амир Темурнинг оиласи хусусида ҳам шундай фикрни илгари суриш мумкин. Асарда Сароймулкхонимнинг Баёнқулихоннинг қизи [1, 76-77 бетлар], Ўлжой Турконнинг Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфининг қизи [1, 84-86 бетлар] деб, ёки Амир Темурнинг тўнғич ўғли Мирзо Жаҳонгирнинг вафот этиши масаласида ҳам янглиш фикрлар берилган. Асардаги бундай жузъий камчиликлар унинг қимматини туширмайди. Зеро, янглиш маълумотларнинг берилишини айрим тарихий манбаларда ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал-мақдур" ("Амир Темур тарихи") номли асарида "Унинг (яъни Темурнинг) хотинларидан энг муқаддами ва баркамоли Катта Малика (Сарой Мулк хоним)ни Хитой подшоҳларининг қизи" [2, 83] деб берилиши асарнинг қимматини камайтирмайди.

"Темурнома"ни нашр этган олим П.Равшанов асарни адабий жиҳатдан жуда яхши ўрганиш билан бир қаторда айрим тарихий исм, атамаларни таҳлил қилиб ўз фикрларини илгари сурганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Амир Темур отасининг исми турли манбаларда Амир Тарағай, амир Тўрағай сифатида келтирилган бўлса, "Темурнома" да Амир Тўрағай деб берилган. Буни олим қуйидагича тушунтиради. "Шу ўринда отасининг исми Тарағайми ёинки Турағайми, бир мулоҳаза қилсак. "Темурнома"да "т" ҳарфи билан "р" ҳарфи оралигида "вов" ҳарфи келади. Демак, Турағай деб ўқилади. Одатда ўзбекларда баъзи оилаларда ёлғиз бола кўриш солув бўлади. Бундай хонадонларда болаларга Темур, Пўлат, Чўн, Тошболта ва бошқа исмлар улаштирилиб қўйилаверади. Баёнқули амир Турағайдан "яна бошқа ўглинг борми?" – деб сўрайди. Амир унга "йўқ" деб жавоб беради. Амир Турағайнинг ўзи ҳам ёлғиз ўғил эмасмикан? Турағай – турақол, яшайқол маъносида эмасмикан? Масалан, Тўхтамиш, Тўхтасин сингари исмлар ҳам аслида шу мантиқдан келиб чиқиб қўйилади-ку?" [1, 22]

Шунингдек, "Темурнома"нинг XV аср муаррихи Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг "Мужмал-и Фасиҳий" асари билан солиштирилишини ҳам кўри-



шимиз мумкин. Фасиҳ Хавофий Амир Соҳибқироннинг шажарасини шундай кўрсатади: «Амир Темур Кўрагон ибн амир Турағай ибн Барқул, ибн Иланғири Ижил ибн Қоражор нўён ибн Суқу Сижон ибн Иримхи ибн Қожулай нўён ибн Туманайхон ибн Бойсунғурхон ибн Қайдухон ибн Дутам ибн Маннон ибн Бўка ибн Буданжир ибн Алан Тава хотун". "Темурнома"да "бу шажара Фасиҳ Хавофийдагидан фарқли ўлароқ, охиروقибатда Алан Қува хотунга олиб бориб тақалмайди: Амир Темур ибн амир Турағай баҳодур ибн амир Барқул баҳодур ибн Илонғиз баҳодур ибн Инжил баҳодур ибн Қоражор нўён ибн амир Сўғичин ибн Бердиқухон ибн Иримчи Залосхон ибн Қожувли Баҳодур ибн Тарбонхон." - дея берилганлигини қайд этади. [1, 35]

"Темурнома" да 500 нафардан ортиқ кишининг номлари тилга олинади экан, уларнинг аксари тарихий шахслардир. Шу жумладан, шайх Сайфуддин, Шайх Саййид Кулол, Шайх Шамсуддин Кулол, Саййид Ота, Занги Ота, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби ислом оламининг алломалари ҳақида кўп маълумотлар келтирилган. Ҳақиқатан ҳам, Амир Темурнинг мусулмон оламининг забардаст алломалари томонидан қўллаб-қувватлангани, шунингдек, Темурбекнинг ҳам уламоларни беҳад ҳурмат қилганлиги Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий каби тарихчи олимлар ҳам эътироф этишган. 1403 йилда Амир Темурнинг Болқон шаҳрида уламолар мажлисини чақириб нутқ ирода қилганлигидан ҳам унинг билим даражаси юксаклигидан далолатдир. Ҳатто, совет даври адабиётларида ҳам Амир Темурнинг мусулмон руҳонийлари билан яқинлиги хусусида, унинг диний илм билан бир қаторда, тарих, тиббиёт, астрономия, математика ва айниқса, меъморликка қизиққанлигига эътибор беради. Жумладан, Совет даври тарихшунослигида А.Ю.Якубовскийнинг Амир Темур ҳақидаги асарлари билан алоҳида ўрин тутаяди. Умуман олганда, А.Ю. Якубовский совет тузумида ҳукмрон мафкура измида ва тазйиқи остида илмий тадқиқот ишлари олиб борган бўлса-да, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига иложи борица объектив баҳо беришга интиланган. Унинг фикрларида йиллар ўтиши билан маълум бир ўзгаришлар ҳам бўлганлигига тарих фанлари доктори Б.В.Лунин эътибор қаратади. У А.Ю. Якубовский асарида Амир Темур фаолиятининг ижобий томонларига ҳам кўпроқ эътибор қаратганлигини таъкидлаган [3, 216-428]

"Темурнома"да Амир Темур шахси мислсиз қаҳрамон сифатида тавсифланади. "Темурнома"ни ўрганган олим П.Равшанов ҳам қуйидаги хулосаларга келади: "Салоҳиддин Тошкандий "Темурнома"ни битар экан, ўзи тасвирламоқчи бўлган шахсга бемисл ҳурмат билан ёндошади. Бу бежиз эмасди. Муаллиф Амир Темурнинг халқи олдидаги хизматини босқинчи хонларни "Самарқанддин ихрож қилишда" деб тушунади. Ана шу гоё кейинги дostonларда Амир Соҳибқироннинг ўттиз-ўттиз беш йиллик кураши орқали бадий жонлантирилади". [1, 30]

Хуллас, Мулло Салоҳиддин ибн мулло Алоиддин хожа эшон (Салоҳид-



дин Тошкандийнинг - XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошлари)нинг "Темурнома" асари тарихий мавзудаги бадий асардир. Зеро, аксари XIV-XV асрлардаги тарихий шахслар номлари тўғри келтирилган бўлса-да, янглиш ҳолатлар, бадий тўқималар ҳам берилган. Ҳозирда айрим ёш китобхонлар асарни ўқиши натижасида бадийлашган ҳолатлар хотирада яхши сақланади. Умуман олганда Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома" асари адабий манба ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Салоҳиддин Тошкандий ва унинг "Темурнома" асари бўйича баъзи фикр-мулоҳазалар баён қилинганки, асарни тарихий манба сифатида эмас, балки адабий асар сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланади.

РЕЗЮМЕ

В этой статье говорится о "Темурнаме" Салахуддина Ташканди. В некоторых комментариях говорится, что целесообразно изучать произведение как литературный, а не как исторический источник.

RESUME

This article talks about the "Temurname" by Salahuddin Tashkandi. Some comments say that it is advisable to study the work as a literary, and not as a historical source.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва луғат муаллифи П.Равшанов. Т.: "Чўлпон", 1990, 1991
2. Ибн Арабшоҳ. «Ажойиб ал-мақдур фи-тарихи Таймур» (Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Амир Темур тарихи. к2. Т.: "Меҳнат", 1992.
3. Греков Б. Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Т.: 1956.





AMIR TEMURNING HOKIMIYATIDA TERMIZNING O'RNI

Эшболта ҚОБУЛОВ,
ТерДУ тарих факультети декани, т.ф.д.,
С. РАЖАБОВА,
"Жаҳон тарихи" кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўз ва иборалар: *Амир Темур, Термиз, Темир дарвоза, Чағониён, Дарайи Суф, Дарагез, Пайғамбар ороли, Чакчак, Кичик Ҳиндистон*

Буюк Амир Темур номи тилга олинар экан Ўзбекистон ва дунё халқлари кўз ўнгида дастлаб у туғилиб вояга етган Кеш (Шаҳрисабз) ва давлат пойтахти Самарқанд шаҳари гавдаланади. Таъбир жоиз бўлса, бу шаҳарлар билан бир қаторда, Темурбекка дини ислом руҳи билан мадад берган буюк пирлар юрти Термиз ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Ўз навбатида Термиз ва Чағаниён (Сурхондарё вилояти) Соҳибқироннинг ҳокимият тепасига келишида жуда муҳим ўрин тутган ўлкалардан биридир. Термиз шаҳрининг Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишидаги ролига баҳо беришдан олдин, мўғуллар давридаги Термиз тарихига қайтиш мақсадга мувофиқдир.

Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларини истило қилган Чингизхон 1220 йил баҳорида Термизни босиб олиш ҳаракатини бошлаган. Мустаҳкам қалъада жойлашган шаҳар аҳолиси мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатган. 1220 йил кузида Чингизхон катта қўшин билан шаҳарни қамал қила бошган. Мўғуллар ўша даврнинг замонавий қуроли билан шаҳарни босиб олишга уриндилар. Шаҳар аҳолиси 12 кун давомида мўғулларга қаршилик кўрсатган. Мўғуллар томонидан Термиз шаҳрини олинishi ҳақида машҳур олим ва сайёҳ Херман Вамбери шундай ёзади: "У вақтда Термиз, Балх ва Ҳиндистон йўлларида, Амударё орқали ўтадиган асосий кечув жойи эди. Термиз ўзининг Амударё ила чегараланган қалъаларига таяниб Чингизга қаршилик кўрсатди. Бу, албатта қисқа муддатли қаршилик эди. Мўғуллар энди ўзларининг галабалари билан фахрланиб, ўз бахтларини метин деворлар ортида синаб кўришган. Бутун шаҳар ҳужум билан забт этилди. Унинг аҳолиси синалгандан кейин ўлдириш учун аскарларга тақсимлаб берилди.

Муаррих Жувайний ҳикоя қиладики, бир хотин ўлиши олдидан ўзининг қотилидан шафқат сўраб, ялиниб ёлворган. Ўзини фидо қилиб ютган қимматбаҳо дурини беришга ваъда қилган. Мўғул шу соатда унинг қорнини ёрган ва ростдан ҳам қорни ичидан дур топилган. Шундан сўнг ҳамма майитларнинг қорнини ёриб қарашга фармон берилган .



Чингизхон томонидан Термизнинг забт этилиши хусусида Мирзо Улуғбек ўзининг "Тарих-и арбаъ улус" ("Тўрт улус тарихи") китобида анча батафсил тўхталган. Мана шундай жабр ситам кўрган шаҳар халқи яхши кунлар келишини умид билан кутди. XIV асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳокимияти заифлашуви озодлик куни яқинлашаётганидан далолат берарди. Мана шу даврда ҳокимият саҳнасига Амир Темур чиқиши учун реал вазият вужудга келган. Соҳибқироннинг ҳокимият учун кураш қарийб ўн йил давом этди. Унинг ҳокимият учун кураши йилларидаги ҳаёти, жангу, зафарлари Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўпгина шаҳарлари билан боғлиқдир. Хусусан улар ичида Марказий Осиёнинг кўҳна шаҳарларидан бири бўлган Термиз алоҳида ажралиб туради.

Шарқ тарихчилари таъкидича, жаннатдан оқиб чиқувчи дарёнинг бири ҳисобланмиш Жайхун (Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо жаннатдан оқиб чиқувчи учинчи дарё деб баҳо берган) ёқасида, қулай кечув ўрнида жойлашган Термиз шаҳри Амир Темурнинг диққат эътиборида бўлган. 1362 йилда бир қанча жанглarda тажрибали саркарда сифатида шакланган Темурбек Мовароуннаҳр тахтини эгалаш учун қатъият билан Балх тоғларида қўшин тўплай бошлаган. Қўшин сонини кўпайтириб, Аложу қалъасини қўлга киритган. Қалъадаги 300 нафар аскар ҳам унга қўшилган. Амир Темур тезроқ ўз юртига қадам-бақадам яқинлашиш учун Дарайи Суфга келган (Аложу ва Дарайи Суф балхдаги мавзелар). Бу ерда унга Туман баҳодирнинг ўғли Амлис 200 нафар отлиғи билан келиб қўшилган. Мана шу ерда туриб Темурбек Термизда Жета лашкарлари халқ "Амир Темур тарихи"ни талаш билан машғул эканлигини эшитган. Шундан сўнг кутилмаганда Жета лашкарларига зарба бериш учун Даравез (Балхдан жанубда тахминан 4 фарсах, яъни 5-6 километр нарида, Балхай дарёси бўйида жойлашган тоғ дараси)га келган. Айни шу чоғда Жета қўшинида бўлган 5 нафар амирлар (амир Сулаймон барлос, амир Мусо барлос, Амир Жаку барлос, Амир Жамолiddин, Амир Ҳиндуко барлос ва бошқалар) Жета амирларидан юз ўтириб, ўз аскарлари билан эски Термизга келиб тушишган. Улар Темурбек ҳузурига Тўлан Бугани жўнатиб, унинг хизматида бўлишларини таъкидлашган.

Минг нафар отлиқ аскарнинг кўҳна Термизда Амир Темурга қўшилиши унинг галабасини таъминлаган. Темурбекнинг Жета қўшини бошлиқлари устидан галаба қозонганидан кейинги фаолияти яна бевосита Термиз ва унинг ҳудудлари билан боғлиқ бўлиб, "Тузуқлари"да шундай ҳикоя қилинган: "Салтанатимни мустаҳкамлаш учун тўплаган хазинамдаги нақд пуллар ва (қимматбаҳо) буюмларни сипоҳга тақсимлаб беришга ва даставвал Қаҳлақа қалъасини олишга қарор қилдим. (Қаҳлақа қалъаси Дарбанди Оҳанин - Бойсундан (Сурхондарёда) гарбда Сарамас тизмасидаги тор дара, форсча «Дарбанди Оҳанин» (Темир дарвоза), қадимги туркий тилда «Темир қапуғ» (қапуғ - дарвоза), арабча «Боб ул - Ҳадид» (Мемир дарвоза), муғулча «Қаҳлақа» дейилган). Лашкарга озуқа бериб, сўнг уларни сафга



тиздим ва Жайхун дарёси бўйига келиб тушдим. Термиз кечувидан ўтиб, Қаҳлақа қалъаси тарафига қоровулар жўнатдим. Ўзим Жайхун бўйида бир неча кун турдим, қоровулар олиб келадиган хабарни сабрсизлик билан кутдим.

Мени келганим ҳақидаги хабар Илёс хожага етгач, Бек кичикнинг иниси Алачун баҳодирни катта қўшин билан устимга юборди. Қоровуларни ёнидан ўтиб, билдирмай, тун қоронгусида тўсатдан устига ҳужум қилиб келдилар.

Қароргоҳнинг уч томони сув билан ўралган ярим оролда жойлашганди. Ярим орол ташқарисида қурилган бир неча чодир Жета лашкари томонидан талон-тарож қилинди. Омон қолган аскарлар ярим оролга кўчиб ўтдилар. Мен бўлсам жангга шайланиб, тезлик билан ярим оролнинг кириш қисмига бордим. Душман меңдан қўрққани сабабли урушга ботиниб кира олмади. 10 кунгача шу ярим оролда турдим. Сўнг у ердан чиқиб, сув бўйларида олачўқ (капа, чодир)лар тиктириб, Жета лашкарининг қаршисида бир ой давомида кузатиб турдим. Охири ғанимни қўрқув босиб, орқасига қайтиб кетди»

Амир Темур ҳукмронлиги, ундан олдин ва кейинги даврларга оид бошқа тарихий манбаларида Термиз атрофида Қаҳлақа қалъанинг мавжуд бўлганлиги таъкидланмаган. Термиз кечувидан ўтган Темурбек Қаҳлақа тарафига соқчилар юбориб, ўзи Жайхун бўйида бир неча кун қоровулар олиб келадиган хабарни кутади.

Темир дарвоза айна Қаҳлақа номида Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида тилга олинган Амир Темур ўрнашган Термиз яқинидаги Жайхундаги уч томони сув билан ўралган орол-бу Пайгамбар ороли ёки Жазирати Усмон (Усмон ороли)дан бўлак жой эмас.

Термиз ва Чағаниён юртлири Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги 1366-1370 йиллар оралигида муттасил бўлиб ўтган курашлар давомида ҳам муҳим ўрин тутган. Жуда моҳирлик билан Қарши қалъасини Амир Ҳусайн тарафдорларидан қайтариб олган Соҳибқиронга Амир Ҳусайн Ҳурони Темурбекка жўнатиб, у билан учрашиш жойини Чакчак дарасида белгилайди. Темур яқин сафдошлари орқали Амир Ҳусайннинг асл мақсадини билгач, дарада Амир Ҳусайн қўшинларини тор-мор келтиради. Бу жанг арафасида Темурбек Қаршида, Амир Ҳусайн эса Балхда бўлган. Амир Темур Мовароуннаҳрда тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш учун курашаётган бир чоғда Амир Ҳусайн 1368 йил Балх шаҳри ёнида улкан қаср қурдирган. Темурбек 1370 йил Балхга-Ҳусайн устига қўшин тортиб, уни енггай. Амир Темур Ҳусайнга қарши бу ҳарбий муҳорабаси жараёнида ўз қўшини билан яна Термиз қалъаси ёнидаги Пайгамбар ороли орқали ўтган.

1370 йилда Соҳибқироннинг тахтга келиши баёнида Саййид Барака билан биргаликда Термиз саййидлари ака-ука худовандзодаларнинг алоҳида ўрни бор. Темурбекни бошиданоқ қўллаб-қувватлаган термизлик саййид-



лардан бири худовандзода Абул Маъли бир гал хато қилиб, унга қарши чиққан. Бу 1370 йилда Амир Темур билан Ҳусайннинг Балхда уруши даврида рўй берган. Шибирғон вилояти ҳокими Зинда Чашма, Амир Мусо, Абу Исҳоқ, Хизр Ёсурий, худовандзода Абул Маъли Термизий ва Абул Самарқандийлар соҳибқиронга фитна уюштирилган. Темурийлар исёнчиларни жазолагани ҳолда, термизлик саййидга мурувват кўрсатади. Бу ҳиммат қадрига етган Абул Маъли сўнг биродари Али Акбар билан умрларининг охиригача Амир Темурга садоқат кўрсатишган. Улар 1370 йили Амир Темурнинг Самарқанд тахтига ўтириш маросимида иштирок этишган. Соҳибқироннинг 1399-1404 йилларда Фарбга қилган юришида эришган галабасини Озарбойжонга- Тоғли Қорабоққа бориб, муборакбод этишади. Амир Темур 1399 йилда Хиндистон юришидан ва 1404 йилда Фарб томонга амалга оширилган охириги ҳарбий мухоробасидан қайта туриб, Термизда Ала ул-Мулк худовандзодалар уйида тўхтаб ўтган.

Темурбекнинг давлат тепасига келиши билан боғлиқ воқеалар кечган Термиз заминин аҳли соҳибқирон вафотидан сўнг ҳам унинг салтанати меросхўрларига содиқлигича қолган. Марказлашган давлатнинг мавжудлиги, халқаро савдонинг ривожини ўз навбатида ўлкамизда Темурбек даврида шаҳарсозликни юксалишига сабаб бўлган.

Амур Темур ва темурийлар даврига оид тарихий манбаларда янги Термиз билан бир қаторда Термиз қалъаси (кўҳна Термиз) ҳам кўп маротаба тилга олинган. Соҳибқирон саройига келган элчи Клавихо бу шаҳарни шундай таърифлаган: "... Термиз (Термиз) анча-мунча аҳоли яшайдиган каттагина шаҳар экан. Атрофи девор билан ўралмаган; бу ерда боғ-роғлар кўп, сув мўл эди. Шаҳар ҳақида мен сизга фақат шуни айтишим мумкинки, унга кирганимиздан сўнг шу қадар кўп мўл юрдикки, бизга ажратилган бинога етиб келганимизда батамом ҳолдан тойиб қолган эдик. Бутун йўл давомида ҳар хил нарсалар билан савдо қилинаётган гавжум майдонлар ва кўчалардан ўтдик. Термизда элчиларга катта иззат-икром кўрсатишди, ҳамма зарур нарсалар билан таъминлашди, уларга шоҳи тўнлар кийгизишди"³.

Термиз, айниқса, унинг қалъа қисми Амир Темур ва темурийлар даврида ҳарбий истеҳком ҳамда савдо маркази сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Тарихий манбаларнинг далолат беришича, Термиз қалъасининг қайта тикланиши давом этирилганлиги, сўнгги йилларда Термиз қалъасининг Амударё ёқасида амалга оширилган археологик қазув ишлари туфайли тарихда мавжуд бўлган маълумотлар тўла тасдиқланмоқда.

Буюк географик кашфиётлар арафасида бўлган Амир Темур даври бутун Турон замин халқаро савдонинг юксак ривожланиши кечган заминдир. Бу савдода Жайхун Амударёдаги Термиз кечуви билан бир қаторда Шўроб қишлоғида жойлашган Ёргоҳ кечуви ҳам муҳим ўрни тутган. XIV аср муаррихи Ҳофиз Абрўнинг таъкидлашича, Термиз билан ёнма-ён жойлашган бу кечув унинг билан савдода рақобат ҳам қила олган.



Кичик Ҳиндистон (Гарбий Европа адабиётларида Кичик Ҳиндистон ва Эрон оралигидаги ҳудудлар, яъни Афғонистон, Белужистон ва Мекрон назарда тутилган)дан Самарқанд сари йўл олган карвонлар Термиз ва Ёргоҳ кечувларидан ўтиб "Темир дарвоза" томон юрган. Амир Темур Термиз ва "Темир дарвоза" оралигидаги йирик манзилларидан бири Қуллуқшо (Қуллуғшоҳ) қишлоғида жойлаган. Амир Темур ва темурийзодалар Чакчак до-вони яқинидаги "Темир дарвоза"нинг назоратини муттасил таъминлаб турган.

1404 йилнинг август ойида "Темир дарвоза" орқали Самарқандга йўл олган Испания (Кастилия)лик элчи Клавихо сафар кундалигида шундай ёзганди: "Эртаси, душанба куни улар чўққилари баланд тоғ этагида тушлик қилдилар. Бу ерда хоч шаклида қурилган ажойиб бир бино бор. Гиштан қурилган бинонинг деворларига ўйиб ва чизиб гулдор нақшлар ишланган ҳамда ранг-баранг кошинлар билан безатилган. Тоғ жуда баланд эди, тик қоялари ёрилиб, очилган ораликдан тор йўл ўтган. Икки тарафида тик қоялар қад кўтарган йўл шу қадар чуқур ва равонки, баайни инсон қўли билан бунёд этилгандай таассурот қолдирарди. Бу тоғ йўли ўртасида қишлоқ бўлиб, унинг шундоқ елкасида юксак тоғ салобат тўкиб турибди. Тоғ оралигидаги бу тор йўл Темир дарвоза деб аталади. Бутун тоғ тизмасида бундан бошқа йўл йўқ эди. Кичик Ҳиндистондан (Афғонистондан) Самарқанд салтанатига кириладиган бошқа йўл бўлмаганлиги сабабли, мазкур тоғ йўли Самарқанд салтанати учун муҳофазавий нуқта ҳисобланади. Мабодо Самарқанд аҳлиси Ҳиндистонга борадиган бўлса, улар учун ҳам шу йўлдан бошқа йўл йўқ эди. Темурбек тасарруфида бўлган Темур дарвоза унга катта фойда келтиради, чунки Кичик Ҳиндистондан (Афғонистондан) Самарқандга ва аксинча, ундан (бошқа) мамлакатларга йўл олган савдогарлар фақат шу Темир дарвозадан ўтадилар"⁴.

Хулоса қилганимизда, Термиз нафақат Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишида, балки унинг Шарқ давлатлари билан савдо алоқаларида ҳам муҳим ўрин тутган.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишида Термизнинг ўрни ҳамда темурийлар давлатининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида тутган роли кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье посвящаются роль Термеза в приходе к власти великого Сахибкирана Амира Тимура, значение государство тимуридов в политико-экономической жизни.


RESUME

It is given information about the place of Termiz in coming to power of Amir Temur as well as that The role of Termiz in the economic life of Temurids' State.



Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Вамбери Херман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. - Т., 1990. Б 25-26.
2. Темур тузуклари. -Т.: «Ўзбекистон», 2011. -Б. 35-36.
3. Клавихо Руи Гонсалес де. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги(1403-1406 йиллар) - Т.: Ўзбекистон, 2010. - Б.143-144.
4. Шу асар. - Б.145.



Шавкат МИРЗИЁЕВ:

*«Амир Темур бобомиз айтганларидек,
«Адолат билан жаҳон гулшани обод бўлади.
Адолат бўлмаса, дунё зимистон бўлади,
ҳаётда ҳеҳ қандай маъно-маъмуи бўлмайди»*



AMIR TEMURNING

XITOUY BO'YICHA SIYOSATI

Жўрабек БЕГАЛИЕВ,
СамДАҚИ, ўқитувчи

Мовароуннаҳр ва Хитойда мўғуллар зулмидан озод бўлган мустақил ва қудратли давлатлар деярли бир вақтда, XIII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди. Улардан бири Мовароуннаҳрда марказлашган давлатга соҳибқирон Амир Темур асос солган бўлса, иккинчи салтанатни Хитойда Чжу Юань Чжан (1368–1398 йилларда ҳукмронлик қилган) – Хунъу бунёд этган эди. Ҳар иккала давлат ҳам ўз даврида куч-қудрат бобида юксакликка кўтарилиб, дунёдаги энг йирик салтанатларга айланди. Лекин тарихдан яхши маълумки, бу икки ҳукмдор даврида Мовароуннаҳр ва Хитой алоқалари деярли узилиб қолган. Айтиш мумкинки, улар ўзаро душманлик муносабатида эдилар. Бу ҳолат охир-оқибатда Амир Темурнинг Хитойга ҳарбий юриш уюштиришигача бориб етди. Хитойга Соҳибқирон қўшин тортиши билан боғлиқ қатор сабаблар мавжуд. Энг аввало, бу Хитой ҳукмдорининг дунёга ҳукмрон бўлиш даъвоси билан боғлиқ бўлиб, император Хунъу Амир Темурга элчи юбориб, ундан ўзини императорга вассал деб тан олишини талаб қилади. Мазкур талаб Темурбекдек улуг ҳукмдорнинг нафсониятига тегади [1, 64].

Ўз навбатида Хитойда ҳам Амир Темур давлатига душманлик кайфияти ҳукм сура бошлайди. Хитой армияси имкониятлари чеклангани, яъни қўшинларнинг узоқ ва сувсиз саҳродан ўта олишга мослашмаганлиги, бунинг устига яқиндагина Хитойдан қувиб чиқарилган мўғуллар билан муносабатларнинг ёмонлиги, қолаверса Хитой армиясида жанговар отларнинг етишмаслиги каби омиллар туфайли император Амир Темур давлатига қарши қўшин тортишни пайсалга соларди. Айни пайтда император Хунъу Амир Темурнинг тасодифий ҳужум қилиш эҳтимоли борлигидан хулоса чиқариб бир қатор чоралар кўрди. Жумладан, пойтахтни жануб (Нанкин)дан шимол (Пекин)га кўчирди [2, 121].

Амир Темур салтанатида эса ҳар бир юриш ёки тадбир пухта тайёргарлик ва ўта жиддийлик билан амалга оширилар, юришнинг бошланиш куни эса қаттиқ сир сақланар эди. Амир Темурда Хитойга ҳарбий юриш режаси йўқ эмасди деб бўлмайди. Чунки «Темур тузуклари»да: "Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қўлаб-қувватладим"[3] – деган ибораларни ўқиш мумкин. Хитойда эса вазият мусулмонлар учун салбий томонга ўзгарган бўлиб, муаррих Низомиддин Шомийнинг ёзишича, "Чин Мочин ва



Хитой вилоятида бу мамлакат валийси Тўнгузхон Куфру залолатда авжга чиқиб, шу даражага етдики, бир гал андак гараз билан бир неча минг мусулмонни қатл қилди" [4,278].

Ушбу қирғинни Амир Темур ўзининг етти йиллик (1399-1404 йй) ҳарбий юришлари даврида, аниқроғи 1399 йилда қишни Тоғли Қорабоғ (Озарбайжон)да ўтказаетган вақтда эшитади. Ушбу қонли воқеа 1398 йилда император Хунъу ўлимидан бир оз олдин содир бўлиб, мусулмонлар қирғинининг сабаблари манбаларда учрамайди. Тарихий адабиётларда эса арзимаган бир баҳона сабабли деган мужмал жумлалар мавжуд.

Академик В.В.Бартольднинг фикрича қирғин қилинган мусулмонларнинг сони юз минг нафардан ортиқ бўлган. Император ўз салтанати ҳудудидаги мусулмон аҳолисини ва ислом дини уламоларини қирғин қилиш авж олганлигини ёзиб қолдирган [5,68].

Хитойдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг бу қадар кескинлиги Амир Темурнинг назаридан четда қолмаганлиги шак-шубҳасиздир.

Амир Темур Хитойга қўшин тортишидан олдин сайёҳ ва элчилар берган маълумотларни атрофлича ўрганмай туриб таваккал қила олмасди. Улардан Хитойнинг шаҳар ва қишлоқлари, тоғ ва доволари, кечувлари даралари, ҳарбий қисмлари, уларнинг уруш тактикаси ҳақидаги маълумотларни тўплайди. Амир Темур салтанатининг қудрати ошиб борганлиги, ўз мамлакати мусулмон аҳолисининг Темурбекка хайрихоҳлиги, айрим мўгул князларининг ҳам Хитойга ҳарбий юриш бошланган ҳолатда Мовароуннаҳр ҳукмдорини қўллаб-қувватлаши мумкинлигини назарда тутган император Хунъу бир қатор ҳарбий ислоҳотлар ўтказади. Ислоҳотлар натижасида мамлакатга ҳарбий хавф тутилганда аввалги ихтиёрийлик асосида халқ лашкарлари тўплаш тартибидан воз кечиб, рекрутлик жорий қилиниб, унга қатъий амал қилган ҳолда қўшин сонини кўпайтиради. Юқоридаги ислоҳотлар ўз самарасини бериб, Хитой ҳарбий қўшинларининг сони 2 миллион нафарга етган [6,61].

Амир Темур муваффақиятли ҳарбий юришлари натижасида Мўғулистонга тегишли Шарқий Туркистон ва Жунғория ҳудудларида жеталарга зарба берилиб, Қамариддин ўрнига ҳокимият тепасига келган Хизр Хўжахон билан дўстона алоқа ўрнатади. Хизр Хўжахон Мўғулистоннинг Қумул ҳудудида ҳукмрон бўлиб, бу шаҳар олдин хитойликлар томонидан бир неча бор ҳарбий босқинларга учраган эди. Амир Темур ва Хизр Хўжа ўғлоннинг ҳарбий кучлари қудратини ҳисобга олган Хитой императори Шарқий Туркистон ҳудудларига қарши ҳарбий-сиёсий ҳаракатлар олиб боришдан ўзини тийди [7, 96].

Ўша даврда истило қилинган Фарбий Мўғулистоннинг ҳудудлари ўша пайтда, яъни Шарқий Туркистон Фарғона вилоятига, Жунғория ҳудудлари Тошкент вилоятига қўшилган эди. Ушбу ҳудудлар Хитой билан ҳарбий ҳаракатлар бошланган пайтда муҳим таянч база бўла олиши Амир Темур назаридан четда қолмаган. Ҳарбий қурол-аслаҳалар тўплаш ва савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек тасодифий ҳужумлар ол-



дини олиш мақсадида Шарқий Туркистон ҳудудида махсус ҳарбий қалъа қуришга соҳибқирон фармон берган [8, 30].

Хитой ҳарбий юришига тайёргарликнинг сўнгги босқичида Мовароуннаҳр ҳукмдори эътиборли мўғул шаҳзодаларини ўз хизматига жалб қилиб, уларга мансаб ва амаллар беради. Уларнинг аксарият қисми ҳарбий юришлар мобайнида Амир Темур билан бирга бўлиб, Хитой ҳарбий юришида ҳам Жўжихон авлодларидан Тўхтамишхон билан ҳокимият учун курашиб мағлуб бўлгач, Амир Темур қўл остида хизмат қилиш учун келган Тоштемир ва Чехра ўғлонлар, Ўқтойхон авлодларидан бўлган Тайзи ўғлон қабилар иштирок қилиши керак эди. Улар Амир Темур хизматига 1397-1398 йиллардаёқ кирган эдилар [9, 158].

Юқоридаги далилларга таяниб, Хитой императори ўсиб бораётган хавфдан хабарсиз эди дейиш ўринсиз бўлар эди. Император Хунъунинг вориси Чжу-ди (Юнлэ) ўзининг Ганьсу вилояти ноибига Амир Темурнинг тасодифий ҳужумидан ҳимояланиш чорасини кўришни буюради. Хитойда рақибдан ҳимояланиш анъанавий тарзда, яъни Буюк Хитой деворини таъмирлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек ҳимоя, соқчи постлари, хавфдан огоҳ этувчи постлар ташкил этилади. Лекин ушбу ҳаракатлар катта ҳарбий тажрибага эга бўлган Амир Темурнинг ҳужум ва тўсатдан зарба бериш имкониятларини чеклай олмас эди [10,69].

Ташқи томондан қараганда Хитой устига ҳарбий юриш қилиш билан боғлиқ тайёргарлик анча оддин тугалланган. Лекин 1399 йил Амир Темурнинг яқин иттифоқчиси Хизр Хўжахон вафот этиб, Мўғулистонда яна Қамариддин ҳокимиятни эгаллайди. Бу вақтда Амир Темур Тоғли Қорабоғда бўлиб, Фарғонада унинг набираси Мирзо Искандар ҳоким эди. Мирзо Искандар Шарқий Туркистонга ҳужум қилиб, бу ердаги Оқсу шаҳрини эгаллайди. Маҳаллий аҳоли оммавий қирғиндан қўрқиб, Оқсудаги хитойликларни Фарғона ҳокимига тутиб берадилар [11, 278].

Европанинг ўша даврда йирик давлатларидан бири бўлган Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо 1404 йил кузида Амир Темур давлати пойтахти-Самарқанд эди. У Хитой элчиси билан бўлган ўзаро мулоқоти ҳақида ёзиб, қуйидаги маълумотларни келтиради. Унинг ёзишича хитойлик элчи ўз мамлакати ҳарбий қудрати ҳақида гапириб, Хитойда отлиқ аскарлар сони 400 минг нафар бўлганлигини айтади. Жангчилар учун уларда отлар етишмаслигини билдириб, Хитой ҳарбийларидан отда юришга фақат мингбоши лавозимидагилар ҳақли тарзидаги маълумотларни берган. Элчининг таъкидича, бундай ҳуқуққа эга бўлганлар Хитойда жуда кўп эмиш. Элчининг ушбу фикрларини ўз мушоҳадасидан ўтказиб, элчи Клавихо Хитой дипломати муболаға билан ўз мамлакати қудратини ошириб кўрсатмоқда, деб ёзади [12,144]. Қуйидаги далиллар шуни кўрсатадики, хитойлик элчининг сўзларида у қадар муболаға бўлмаган. Мамлакатда ҳарбий ислоҳотлар ўтказилганидан кейин Хитой қисқа вақтда 2 миллион нафарли мунтазам қўшин тўпласа, ушбу ҳисобга жойлардаги ҳарбий-маъмурий раҳбар губернаторларнинг қудратини қўшиб ҳисобласак,



элчининг гапларида бир қадар ҳақиқат мавжудлиги аён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда Амир Темурнинг Хитойга қилган 1404 йилдаги ҳарбий юриши узоқ вақт давомида режалаштирилган ва пухта тайёрланган ҳаракат бўлиб, бу режа соҳибқироннинг вафот этиши туфайли амалга ошмай қолди. Шунинг учун тарихчилар ва темуршунос олимлар орасида Соҳибқирон сўнгги ҳарбий сафарида ғалаба қозона олармиди, ёки йўқми? – деган мунозара ҳамон давом этиб келади. Нима бўлганда ҳам 70 ёшга етган Амир Темурнинг йирик ҳарбий юришга юрагида журъат топиши ва катта қўшинга Йўлбошчи бўлиб сафарга чиқиши бутунги авлод учун журъат ва жасорат намунаси.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада илмий адабиётлар ва манбаларга таянган ҳолда соҳибқирон Амир Темурнинг Хитойга ҳарбий юриши сабаблари, унга тайёргарлик жараёни масалалари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье основываясь на первую источники, научные труды, анализируется военная подготовка и поход Амир Тимура в Китай.

RESUME

In this article Amir Temur's military training and campaign to China on the base of the first sources, scientific work are analyzed.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Зоотов О.В. Китай и восточный Туркестан в XV-XVIII вв.// Межгосударственные отношения М.1991.
2. Бокшанин А.А. Китай и страны южных морей в начале XIV-XVI вв. -М. 1968.
3. Темур тузуклари. Т. 2011.
4. Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т., 1996.
5. Бартольд В.В. Улугбек и его время. -Сочинения. Т2. -М., 1964.
6. Зоотов О.В. Кўрсатилган асар.
7. Зоотов О.В. Кўрсатилган асар
8. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. -Сочинения. том 2. -М., 1965.
9. Материалы по истории Средней и Центральной Азии. -Т. 1988.
10. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. -Сочинения. т2. -М., 1965.
11. Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т., 1996.
12. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. -Т., 2007.



"TEMUR TUZUKLARI" DA MA'NAVIYAT MASALALARINING YORITILISHI

Наргиза ЎРОҚОВА

Қарши ДУ ф.ф.н.

Умирбек ТОШНИЯЗОВ

Қарши ДУ Магистр.

Мустақиллик туфайли ўтмиш тарихимиз, маданиятимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Айниқса бу асрлар давомида бизгача етиб келган, миллий маданиятимиз ва тарихимиз ривожига катта ҳисса қўшган буюк мутафаккирларимиз, аллома-ю давлат арбобларимиз бой маънавий меросига бўлган муносабатда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Миллий давлатчилигимиз ривожига катта ҳисса қўшган, ўз даврида буюк давлатга асос солган сиймолардан бири бу Амир Темурдир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Амир Темур сиймоси ва унинг бой маънавий меросига бўлган чексиз эҳтироми қўйидаги сўзларида ёрқин акс этган: "Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқида "Адолат - давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир", деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улугвор гоя инсон қадрқимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди"¹.

Инсоният тарихида жаҳонгирлик даъвоси билан тарих саҳнасида чиққан фотиҳлар орасида Амир Темур ўзининг илм-фанга, маданият ва санъатга, меъморчилик ва бунёдкорлик ишларига қўшган ҳиссалари билан ажралиб туради. Шу ўринда айтиш жоизки Амир Темур дунёқарашини ўрганиш унинг "Темур тузуклари" сиз амалга ошириб бўлмайди.

Биринчи президентимиз И.Каримов ўзининг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида "Темур тузуклари" ҳақида шундай фикр билдиради: "Темур тузуклари"ни ҳар гал ўқир эканман, ҳуддики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканлигига кўп бор ишонч ҳосил қилганман"².

Дарҳақиқат "Темур тузуклари"ни ўқир эканмиз Амир Темурнинг буюк салтанати жуда бой ва катта маънавий заминда қурилганига амин бўламиз. Мана шу асос унинг шавкатли давлати иқтисодий салоҳияти, жаҳон-

¹ Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи. 2018 йил 9 декабр

² И.А. Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: "Маънавият". 2008. 45-бет



гирлик фаолияти, ватанпарварлик қудратининг таянчи эди. Мустаҳкам пойдеворга суянмаган давлат ва жамиятнинг келажаги бўлмаслигини буюк соҳибқирон чуқур англаб етган эди. Маънавият Амир Темур қалбида қарор топиши, улкан кучга айланиши учун тарихий шарт-шароитлар, миллий анъаналар, исломий тамойилларнинг ўзига хос ўрни бор.

"Темур тузуклари"ни варақлар эканмиз, унда Амир Темурнинг ўз фарзандларига ва раиятга меҳр-шафқат, ҳалоллик, тўғри сўзлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби умумбашарий қадриятлар руҳида тарбия берганлигини кўрамиз.

Амир Темурнинг маънавий-ахлоқий фазилатларининг шаклланиши ёшлик чоғидан бошланган бўлиб, у ўз халқи тарихи ва маънавияти сарчашмаларига катта эътибор билан қарайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Темурнинг маънавий ахлоқий фазилатлари унинг давлат арбоби сифатидаги масъулияти ва дастурини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Унинг фикрича, салтанатни ўз эркида сақлайдиган давлат арбоби мустақиллик билан тахтга ўтирмоғи, ҳар нарсада адолатпеша бўлмоғи, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақламоғи керак. Амир Темур ўз одидаги вазирларга қатъий ахлоқий талаб ва мажбуриятлар қўяди. "Тузуклар" да келтирилишича "Вазирлар қуйидаги тўрт сифатга эга бўлишлари лозим: биринчиси-асиллик, тоза наслик; иккинчиси-ақл-фаросатлик; учинчиси-сипоҳи раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик; тўртинчиси - сабр-чидамлик ва тинчлик-севарлик"³.

Амир Темурнинг илм аҳлига бўлган катта эътиборини уларга бўлган муносабатдан билиш мумкин. "Темур тузуклари" да "Саййидлар, уломаю машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танладим, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим", - деб қайд этилади. Ушбу фикрнинг тўғрилигини Темур даврининг машҳур тарихчиларидан Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги сўзлари яна бир қарра тасдиқлайди: "У саййидларни эъзозлаб, кароматлар соҳиблари (бўлган) авлиёларни иззату икромли қилди, илму фан ва унинг аҳлари ҳурматини ошириб, (уларга) мурувватини сочиб, мартабаларин улуғлади"⁴.

"Темур тузуклари" да хулқ-атвор, ахлоқ ва одобга оид ўғит-насиҳатлар берилган. "Тузуклар" да ғазаб ва қаттиққўллик билан қилинган муомалани Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлиш, ўз ҳолини танг қилишдир, деб ёзади. "Ширин сўз айтиб ғанимни иймонга келтиргин. Тил қиличдан ўткир, бир калима ширин сўз қилични қинга киритар", - дейди.

Амир Темур тафаккур, иймон, китоб, қиличга эътиқод қўйган. "...Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир...", "Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал", "Адоват эмас, адолат енгади" ва бошқалар. Темур фаолиятининг бош ғояси ва амалий шиори "Куч адолатда"

¹ Темур тузуклари. Гафур Гулом нашриёти. Т.:1991. 64-бет.

² Ибн Арабшоҳ. "Амир Темур ҳақида". Т.: 1992 й. 302 б



деган ҳикматки, у умуминсоний аҳамиятга эга. Бу гоё ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам энг эъзозли умуминсоний маънавий қадриятлардан, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлардан бири бўлиб қолажак⁵.

Амир Темур юртида илм-фан аҳли, ижодкорлар учун яратилган шарт-шароит, гамхўрлик туфайли Самарқанд дунёнинг маърифат марказларидан бирига айланди ва унинг довруғи дoston бўлди. Буни эшитган, илм-фанга хавас қўйган ижодкорлар ўз ихтиёри ва ташаббуси билан Самарқандга кела бошлаганлар. Амир Темур нафақат Самарқандда, бошқа шаҳарларда ҳам илм-фан, маданиятни ривожлантириш учун кўплаб илмий муассасалар қуришга амр қилган. "...амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерлар обод қилинсин. Ҳар бир шаҳарда, қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар курсинлар"⁶. Мадрасаларда диний билимлар билан баробар математика, астраномия, адабиёт, тарих, мусиқа каби фанларнинг ўқитилишига алоҳида эътибор берилган. Талабаларга ўз даврининг йирик алломалари дарс берганлар. Мадраса мударрисларига кўп маош тўланган, улар фаровон ҳаёт кечирганлар. "Темур тузуклари"да "Сайидлар, уламою машойихлар, оқилу донолар... тарихчиларни, эътиборли кишилар ҳурматларини жойига қўйдим. Улар билан доимо фикрлашдим,"⁷ -деб ёзади.

Ёлгон гапирган, алдоқчи кишилардан узоқроқда бўлишга интилгани унинг энг яхши фазилати бўлган. У шундай деган эди: "Мен бир қўлимда адолат шамини, иккинчи қўлимда ҳақиқат шамини ушладим. Шу икки шам билан ўзимни ҳаёт йўлимни белгиладим". Таниқли олим А.Эркаевнинг ёзишича, "Темурнинг давлат ишларининг 90 фоизи кенгашу машварат, фақат 10 фоизи куч, қилич (маъмурий йўл) орқали ҳал қилиниши лозим, деган тамойили ўз даври учун давлатни маслаҳат асосида бошқариш, яъни ўзига хос демократик бошқарув меъёридир"⁸.

Амир Темур буюк салтанат биносини барпо этишда кўмак бериб, йўл-йўриқ кўрсатган, юзига муборак нафаслари урилган руҳият пирларинигина эмас, Туркистон заминида яшаб ўтган барча авлиёлар ёдини эъзозу эҳтиром мақомига кўтарди. Унинг "Тузуклари"да "авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар", "азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз деб билур эдим, қайда бўлмайин зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ бориб, зиёратни ўринлатдим", "ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақо қуришни буюрдим" деб ёзганлари фикримизнинг далилидир.

Соҳибқирон ислом дини қоидаларига алоҳида эътибор бериб муҳим чораларни амалга оширди. "Яна тажрибамдан кўрдимки, - дейди у, - агар давлат дину тартиб асосида қурилмас экан, тура-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати, тартиби йўқолади. Бундай салта-

⁵ Эркаев А. Маънавиятшунослик. Т.: Маънавият, 2018. 420 б.

⁶ Темур тузуклари. Гафур Гулом нашриёти. Т.: 1991. 99-100 бетлар.

⁷ Темур тузуклари. Гафур Гулом нашриёти. Т.: 1991. 56-бет

⁸ Эркаев А. Маънавиятшунослик. Т.: Маънавият, 2018. 421- бет.



нат ялонгоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар бир кимса назарини олиб қочади. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатимнинг биносини дини ислом, тура-тузук асосида мустаҳкамладим". Темур бутун умри давомида ўз даврининг улуғ мутасаввуфлари билан суҳбатдош бўлган, уларнинг панд-насиҳатлари, маънавий йўл-йўриқлари ва кўмаклари шарофати билан ўз давлат асосларини яратган. Унинг тасаввуф аҳлига эътиқоди "Тузуклар"да ҳам намоён бўлади. Чунончи, "адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим", "пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин", "Оллоҳ-ул ҳар нарсага қодир куч, сидқидилдан сиғинсанг истаган муроду мақсадинга етказад" каби ҳикматлари тасаввуфона моҳиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, "Темур тузуклари"ни таҳлил этар эканмиз, Амир Темурнинг юксак маънавиятга эга бўлган ҳукмдор сифатида ўз мамлакатини ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга катта аҳамият берганини кўраимиз. "Тузуклар"да олға сурилган ижтимоий-сиёсий фикрлар катта фалсафий мазмунга эга бўлиб, улар бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зеро, мустақил мамлакатимизда миллий юксалиш жараёни кетаётган бир пайтда, сиёсий барқарорликни таъминлашда, жамиятда маънавий муҳитни яхшилаш, ҳуқуқий, демократик жамиятни барпо этишда Амир Темур меросини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи. 2018 йил 9 декабр.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: "Маънавият". 2008.
3. Темур тузуклари. ўофур ўулом нашриёти. Т.:1991.
4. Эркаев А. Маънавиятшунослик. Т.:Маънавият. 2018.
5. Ибн Арабшоҳ. "Амир Темур ҳақида". Т.: 1992.

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

*«Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз биз-
адлодларга қолдирган васиятида ҳаял муҳим бир
фикрга алоҳида урғу бериб, «Эл дардига дармон
бўлмои - эзгу вазифанидир» деб таъкидлагани
албатта беҳисоб эмас».*



KATTA LANGAR - TABARRUK

ZIYOROTGON

Сайфулла ТУРСУНОВ

Термиз ДУ «Жаҳон тарихи» кафедраси мудири, профессор

Асрор ПАРДАЕВ

Қарши ДУ, т.ф.н

Таянч сўз ва иборалар: лангар, Лангар қишлоғи, шайх, мақбара, мас-жид, зиёратгоҳ, Лангар қуръони, факсимиле нусха

Юртимизда тарихий ёдгорликлар ниҳоятда кўп. Турли даврларда бунёд этилган, не-не суронли даврларнинг шоҳиди бўлган, ҳар бири мозийнинг бир парчаси сифатида сақланиб қолган мадраса, мақбара, масжид, хонақоҳ ва зиёратгоҳлар тарихимизнинг ноёб тилсимидир. Қашқадарё вилоятида 927 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, уларнинг 163 тасини меъморий иншоотлар, 683 тасини археологик ёдгорликлар, 61 тасини қадимий санъат асарлари, 20 тасини эса зиёратгоҳлар ташкил этади. Улардан бири Қамашли туманидаги Қизилтепа қишлоғидан 25-30 километр олисликда, Ҳисор тоғ тизмалари оралиғидаги Лангар қишлоғида жойлашган Лангар ота зиёратгоҳидир.

Аввало, "Лангар" атамаси қандай маъно ифода этишини аниқлаштириб олсак. Лангар сўзи турли вариантларда юнон, латин, роман-герман, болтиқ, славян, эроний, айрим ҳинд, фин, араб ва бир қанча туркий тилларда мавжуд. А.З.Розенфельд тарихий лугатлар асосида унинг қадимий маъноларини аниқланган: ибодатхона; карвонсарой; ғариб-ғураболарга овқат бериладиган маскан; ғарибхона; хонақоҳ; қабр; гўрхона; йўлдаги бекат; ёмхона; тўхташ жойи; дорбозчўп; кеманинг чангакли темири.

Энг қадимий маъноси ибодатхона, тўхташ жойи. Уйгур тилида баъзи маънолари сақланиб қолган: лангар - катта йўл ёқасидаги бандаргоҳ, ёмхона; карвонсарой. X-XIX асрларда тожик тилида «лангар» сўзининг мусофирлар тўхтайдиган жой; мусофирхона; хонақоҳ маънолари бўлган. ибодатхона маъноси бирон тилда сақланмаган, фақат жой номлари сифатида қолган. [5:155-156]

Манзилгоҳларнинг бу ном билан аталиши эса асосан муҳим карвон йўлларининг одамлар нисбатан кўпроқ тўхтаб ўтадиган, қисман яшайдиган баландликдаги жойлари билан боғлиқ.

Одатда, машҳур шайхлар, суфийлар қўним топган жойлар лангар дейилган. Шайхлар лангарларида оддий фуқарога, эҳтимол, вақф мулкларидан келадиган даромадлар ҳисобидан озиқ-овқат тарқатилган бўлса керак. [3:710]



Тарихдан маълумки, Амир Темур Шаҳрисабзни буюк давлатнинг юрагига айлантириш мақсадида минглаб хоналари бўлган "Саодат уйи"ни қуришни бошлайди. Унда илм-фан тараққиёти билан бир қаторда ислом ғояларини инсон руҳиятига сингдиришнинг турли усулларини тарғиб этиш кўзда тутилган эди.

Жумладан, Оллоҳга муҳаббатни куй-қўшиқлар орқали етказиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан созандалар, ижрочилар таклиф этилганди. Соҳибқирон вафотидан сўнг парчаланиб кетган мамлакатнинг "Саодат уйи"да вояга етаётган "Ишқия" тариқати тарғиботчилари тоғлар орасидаги Лангар қишлоғида жон сақлаган бўлса ажаб эмас. Чунки Лангарда ҳоки қўйилган Шайх Абул Ҳасан "Ишқия" тариқати тарғиботчиси эди.

Абул Ҳасан Ишқий дафн этилган дахманинг устида шайх Муҳаммад Содиқ томонидан ушбу мақбара қурилган ва дахма шу тариқа мақбара ичида, чуқурроқда қолиб кетган.

Мақбаранинг бунёд этилиши шайх Абул Ҳасан Ишқийнинг ўғли шайх Муҳаммад Содиқ номи билан боғланади. Шайх Муҳаммад Содиқ шайбонийлар даврида катта мавқега эга бўлган, ҳатто, Наврўз Аҳмад ҳам унинг раъйига қарши бормаган. Маълумотларга қараганда, шайх бу даврда Шаҳрисабзда қозилик қилган. Ҳокимиятнинг Абдуллахон II қўлига ўтиши билан рақиблари билан яхши муносабатда бўлган шайхни ўз мансабидан озод қилган. Тахминан ҳижрий 950 йил (милодий 1562-63)да Лангарга келган ва авлодлари бошлаб қўйган хонақоҳ қурилишини давом эттирган. [3:710-711]

Лангар ота мақбараси ичига дафн этилган шайхлар қабрлари бош томонига тик ўрнатилган мармар тошдаги битиклар биз учун катта манба. Биринчи қабр шайх Абул Ҳасан ибн шайх Илёс ибни шайх Муҳаммад ибн шайх Худойқулники бўлиб, вафот этган даври ҳижрий 897 йил, иккинчи қабр эса Шайх Муҳаммад Содиқ ибни шайх Абул Ҳасан ибни шайх Илёсники бўлиб, вафоти 952 йилда, учинчи қабр эса Абул Ҳусайн ибн шайх Муҳаммад Содиқ Абул Ҳасан ибн шайх Илёс ибн шайх Муҳаммад ибн шайх Худойқулга тегишли бўлиб, вафоти ҳижрий 967 йил санасида қайд этилган. Шайхлар шарафига тик ҳолда қўйилган бениҳоя санъаткорона ишланган 2 метр баландликдаги қабртошлар бу масканда ётган азизларнинг нақадар нуфузи баланд эканини кўрсатади. [1:67]

Академик А.Сағдуллаев таҳрири остида нашр этилган "Қадимий Кеш - Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар" китобида таниқли қадимшунос олим М.Е.-Массоннинг Эски Лангар қабр тошлари ҳақидаги тадқиқоти ҳам ўрин олган. У қабристондаги эпитафияларнинг XV-XVI асрдан то XX асрга қадар бўлган даврга мансублигини қайд этган. Қабртошларининг айримларида битиклар ўчирилиб, қайта китобат этилгани М.Е.Массоннинг назаридан четда қолмаган. [4:122]

Мақбара тепасида 4 та доира шаклидаги туғ бўлиб, маҳаллий аҳолининг айтишича, худди шундай туғ Туркияда Жалолиддин Румий мақбараси тепасида ҳам мавжуд. Бу доиралар ислом динидаги шарият, маъри-



фат, тариқат ва ҳақиқат аҳкомларига тўғри келади. Шайх ҳазратлари барча соҳанинг билимдони бўлганлиги учун 4 та доира ўрнатилган деган фикр мавжуд.

Мақбара қурилишида қўнғирот уруғининг беклари фаоллик кўрсатишган. Унга кўра қўнғирот уруғининг обоқли шаҳобчаси вакиллари нон ва ун, бармоқ шаҳобчаси молларини беришган, ўтроқи уруғи эса қурилишга тош келтиришган. [1:70-75]

Мақбаранинг шимолий томонида чамаси 400-500 метр масофадаги алоҳида баландликда яна бир тарихий иншоот сақланиб қолган. Масжид эканлиги айтиладиган ушбу обида ҳамда мақбаранинг сатҳи ва баландлиги бир-бирига мос туриши ўша давр меъморлигининг юксаклигидан дарак беради. Вақт ўтиши билан қишлоқ аҳолиси кўпайиши натижасида эски масжиднинг жануб томонида беш устунли қўшимча иншоот бунёд этилган.

Масжид 2 та хонақоҳ, 1 айвон, 4 меҳроб, 19 та устун ва 7 эшиқдан иборат. 2 та хонақоҳи катта масжид ва кичкина масжид деб номланади. Аввал кичкина масжид қурилган, намозхонлар кўпайганлиги сабабли кейинчалик катта масжид ва айвони қурилган. Катта масжид ички девори тепа қисмига "Фатҳ" сураси 1-11 оятлари ёзилган ҳамда турли-туман нақш-безаклар билан безатилган. Масжид катта хонақоҳининг устунли тепасида ҳижрий 1362 йил (милодий 1905 йил)да уста Муҳаммадиёр томонидан таъмирлангани ёзилган. Масжид баландлиги 11 метр, бўйи ва эни 32 метрдан. Масжид шифтига вассажуфт тахланган. Унинг меҳроб қисми нозик дид ва юксак маҳорат билан безатилган. Меҳроб атрофи сулс усулида ёзилган арабий имло билан тўлдирилган.

Шунингдек, мовий фонга оқ рангли ёзувлар битилган ранг-баранг кошинлардан яратилган ажойиб мозаика киши диққатини ўзига жалб қилади. Одатда бундай ҳашаматли меҳробни йирик шаҳарлардаги масжидлардагина кўриш мумкин. Қолаверса, масжид деворларидаги юлдузсимон нақшларга олтин суви юритилган. Қишлоқ қарияларининг айтишича, юлдузсимон нақшлар ўртасида бир пайтлар қимматбаҳо тошлар бўлиб, кейинчалик улар ўғирлаб кетилган.

1889 йили Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудларида ҳарбий ҳаракатлар олиб борган полковник Бельявский Лангар қишлоғида қад ростлаган тарихий обидалар ҳақида ўз хотираларини ёзиб қолдирган. Бу ердаги зиёратгоҳ ва меъморий ёдгорликлар хусусида рус ҳарбий муҳандиси Б.Кастальский биринчи марта илмий тарзда баҳо берган эди. У Термиз шаҳридан қайтаётган пайтда Лангар қишлоғига кириб ўтган ва бу ердаги обидалар билан танишиб, уларни суратга ҳам олган.

Мазкур фотосуратлар 1888 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган биринчи Туркистон фотокўргазмасида намойиш этилган ва томошабинлар эътиборини қозонган. Шундан сўнг бу ерга келган рассом Б.Литвинов Лангар қишлоғида жойлашган тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар билан танишади, таассуротларини жамлаб, мақола ёзган ва уни 1910 йилда "Тур-



кестанское ведомости" газетасида чоп эттирган. Бундан ташқари XX аср 30-йилларида қадимшунос М.Е.Массон, 60-йилларида С.К.Кабанов бу ерда бир неча кун бўлиб, тарихий ёдгорликларни ўрганиб чиққан, улардаги ёзувларни ўқиган ва Лангар шайхларининг ҳаётига оид кўплаб маълумотлар тўплаган.

Лангар ота зиёратгоҳи яна шуниси билан қадрлики, бу ерда Қуръони каримнинг асл Усмон нусхаси, табаррук тўн - "Ҳирқайи муборак" ва Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг кулоҳлари авлоддан-авлодларга ўтиб келган. Ушбу муқаддас китоб 50x32 см. андозада жайрон терисига битилган бўлиб, 225 варақдан иборат бўлган [2:129]

Унинг ҳозирда ўн уч варағи сақланиб қолган, холос. Ушбу китоб устида тадқиқот олиб борган Санкт-Петербург шаҳридаги Россия ФА Шарқшунослик институти профессори Е.Ризвоннинг аниқлашича, Лангар масжидидаги ушбу Қуръоннинг бошқа варақлари турли сабабларга кўра хорижий мамлакатларга олиб кетилган. Олим катта машаққатлар билан Лангар Қуръонининг етишмайдиган варақларини турли мамлакатлардан топишга эришган ва уларнинг фотонусхаларини олган, сўнг яхлит ҳолатга келтириб, қишлоқ масжидига совға қилган.

Лангар Қуръонининг юртимизга олиб келиниши тарихи ҳақида бир қанча тахминлар мавжуд:

1) ўрта асрларда Афғонистонга келган араблар маълум бир сабабларга кўра Ўрта Осиёга кўчишган ва ўзлари билан ушбу Қуръон нусхасини ҳам олиб келишган;

2) Амир Темур томонидан Суриядан Қашқадарёнинг тоғ ҳудудига кўчириб келтирилган араблар ҳам ўзлари билан ушбу Қуръонни олиб келган.

2004 йилда моҳир хаттот Ҳабибулло Солиҳ томонидан Катта Лангар Қуръонининг 12 саҳифаси қайта кўчирилиб ёзилган ва ҳозирда ўша қўлёзма нусхаси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг манбалар хазинасида сақланмоқда ([https://muslim.uz//Лангар Қуръони ҳақида қизиқарли ва ноёб маълумотлар](https://muslim.uz//Лангар_Қуръони_ҳақида_қизиқарли_ва_ноёб_маълумотлар))

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24 майда "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан кейин юртимизда бу борада бир қанча амалий ишлар амалга оширилди.

2018 йил 10 декабрда бўлиб ўтган медиа-форумда "Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида" лойиҳаси доирасида Европа технологиялари асосида Катта Лангар Қуръонининг фиксимиле нусхалари намойиш этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мазкур ноёб қўлёзманинг жами 16 саҳифаси мавжуд бўлиб, шундан биттаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида, биттаси Ўзбекистон Мусулмонлар идорасида, иккитаси Бухоро вилояти кутубхонасида, 12 варағи эса Лангар қишлоғида сақланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳияти-



ни ривожлантириш бўйича қабул қилган қарори асосида Лангар ота зиёратгоҳида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу маскан қайта чирой очиб вилоятимиз, қолаверса юртимиз аҳлини ва зиёратчиларини ўзига жалб этиб келмоқда.

Кўриниб турибдики, юзлаб авлиё ва улуғ зотлар қўним топган бу муқаддас қадамжода улкан тарих жо бўлган. Халқимизнинг ана шу миллий ва маънавий бойликларини излаб топиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Демакки, юртимиздаги машҳур зиёратгоҳлардан бири Лангар ота тарихи ҳанузгача тўлақонли ўрганилмаган. Маҳаллий аҳоли ўртасидаги ривоятлар ҳамда мавжуд тарихий манбалар зиёратгоҳ тарихини тўлиқ очиб бермайди, албатта. Ушбу табаррук зиёратгоҳ тарихини мукамал ёритиш халқимиз маънавиятини янада бойитилишига хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдужаббор ҳожи Соатов. Лангар ота табаррук манзилгоҳ ёхуд ид-рок шамчироғи Т.: "Fan va technology", 2010. 136 б.
2. Боймиров Т., Бойқобилов Ў. Қамаш ва қамашиликлар. -Т.: "Fan va technology", 2016. 287 б.
3. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Т.: "Фан", 1995. 784 б.
4. Қадимги Кеш - Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. -Т.: "Шарқ", 1998. -208 б
5. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. -Т.: "Муҳаррир", 2009. -420 б.

Резюме

Ушбу мақолада Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги Катта Лангар қишлоғида жойлашган Лангар ота зиёратгоҳи ва Катта Лангар Қуръони тарихи манба ва адабиётлар асосида ёритилган.

Резюме

В этой статье на основе исторической источнике и литературе основе освещается святое места Лангар ота и Коран в кишлаки Катта Лангар находящийся в Камашинского района Кашкадарьинской области.

Rezume

In this article, it is described the history of fort Katta Langar and shrine the Langar ota based on scientific and literary source which situated in Katta Langar village, Kamashi district, Kashkadarya region.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодават, нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида "Ёшларимизни халқимизнинг нодир тарихий-маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятлари билан яқиндан таништириш - уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида тайёрланди.



TADQIQOT

TURKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH SOHASIDA DASTLABKI QADAMLAR

Гулом КАРОМОВ,

Қарши ДУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқувчиси

Таянч сўз ва иборалар: Туркистон, соғлиқни сақлаш, врач, аҳоли, касаллик, шифохона, амбулатория, эпидемия, санитария, бўлим, шаҳар.

Ҳозирги глобаллашув даврида жаҳон миқёсида экологиянинг ёмонлашуви ва иқлимнинг кескин ўзгариши соғлиқни сақлаш ишига жиддий таъсир қилмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва санитария маорифини кучайтириш борасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) узлуксиз тадбирлар олиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам бу борада кенг қамровли изчил ислохотлар амалга оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда.

Ихтисослашган тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бу соҳадаги ислохот натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Ўзбекистон 2011 йили "Save the Children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингда болалар соғлигини сақлаш иши натижалари ҳисобига 9-ўринни эгаллади¹.

ЖССТ Европа минтақавий бюросининг 2017 йил 11-14 сентябрь кунлари бўлиб ўтган 67-сессиясида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар юқори баҳоланди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир."² Ҳозирги давр талаби соғлиқни сақлаш соҳасида "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да белгилаб қўйилган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соҳа моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш³ каби муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Лекин бугунги кунда тизимда

¹ uzssgt.uz/cgi-bin/main.cgi...

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги нутқи. "Халқ сўзи", 2017 йил 13 декабрь.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-иловасида келтирилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". <http://strategy.regulation.gov.uz>



ўз ечимни кутаётган муаммолар ҳам анчагина. Бу муаммолар ечими ўз ўрнида мазкур соҳанинг ўтмиш тарихини ўрганиш билан ҳам қандайдир маънода боғлиқ.

Маълумки Ўзбекистонда давлат йўли билан соғлиқни сақлаш соҳасини йўлга қўйиш совет ҳокимиятининг илк давридаёқ бошланган эди. Буни биз Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм совет республикалари мисолида кўришимиз мумкин. Соҳани йўлга қўйиш ишлари жуда оғир сиёсий ва иқтисодий қийинчиликлар шароитида амалга оширилган. Бу жараён ўта мураккаб тарихий шарт-шароитларга, хусусан мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммолар кескинлашган, аҳоли маиший турмуш шароити ниҳоят қашшоқлашган, бир-бирига қарама-қарши кучлар тўқнашувлари кучайган, табиий офатлар туфайли қурғоқчилик ва бунинг оқибатида халқ орасида очарчилик ва йўқсиллик авж олган бир даврга тўғри келган.

1918 йил сентябрда Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг тиббий муассасаларни соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги буйруғи эълон қилинган⁴. Туркистон АССРнинг Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Амударё вилоятларида соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилди. Масалан, Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бўлими 1918 йил 12 апрелда тузилиб, вилоят соғлиқни сақлаш комиссари вазифасига ҳарбий врач В.В.Космачевский тайинланган. Вилоятда 11 та даволаш муассасаси бўлиб, уларда 154 та даволаш ўринлари мавжуд эди⁵. Бўлим ходимлари тиббий хизмат тармоқларини йўлга қўйиш, профилактика ва санитария маорифи ишларини олиб бориш, эпидемияларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини уюштириш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш юзасидан тадбирлар ташкил этиш ишларини олиб борган.

Туркистон аҳолисини даволаш ўринлари билан таъминлаш жуда оғир аҳволда бўлган. Масалан, бу даврда ҳар 1000 кишига даволаш ўринлари 0,38 тадан, туманларда эса бу 0,07 тага тўғри келган⁶.

Туркистон ўлкасида соғлиқни сақлаш соҳаси раҳбарлари тез-тез ўзгартирилиб турилган. Масалан, 1917-1924 йиллар давомида соғлиқни сақлаш раҳбарлари 12 марта ўзгартирилган. Шулардан Н. Ф. Баранкин, К. Я. Успенский, С. Турсунхўжаев, Т. Рискүлов, Г. Т. Трофимов, И. И. Орлов, С. Д. Асфандиёров, К. З. Геллер, Я. С. Дашев, Л. О. Гельфогт кабилар бу даврда соғлиқни сақлаш халқ комиссари лавозимида фаолият кўрсатишган⁷.

Шунга қарамасдан Туркистон соғлиқни сақлаш соҳасида аста-секинлик билан баъзи ўзгаришлар амалга оширилиб, унинг моддий-техникасини мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқларда тиббий муассасалар тармогини бар-

⁴ Заиров К. С. Развитие здравоохранение в Узбекистане за 60 лет Советской власти // Медицинский журнал Узбекистана; 1977, № 10. - С. 18.

⁵ Арипова Т.У. Здравоохранение и здоровье населения Самаркандской области. Автореф. дисс...канд. мед. наук.- Ташкент, 1975.- С.14.

⁶ Арипова Т.У. Курсатилган асар- С.14-15.

⁷ ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-руйхат, 16-йигма жилд, 6 - 13-варақлар, 56-йигма жилд, 9-варақнинг орқаси. КадыровА. А. История медицины Узбекистана. - Т., 1994. - С. 151 - 152.



по этиш борасида тадбирлар олиб борилган. 1918 йил сентябрда Тошкент ҳарбий госпитали клиникаси лабораторияси базасида микробиология лабораторияси очилган⁸. Тошкент шаҳри билан бирга Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган шаҳарларида даволаш муассасалари тармоғи кенгайтирилган. Хусусан, Наманган вилоятда 60 ўринли эркаклар шаҳар шифохонаси, 30 ўринли аёллар шифохонаси, 30 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси ташкил этилган⁹.

Туркистон аҳолисининг кўпчилиги қисми чорвачилик билан шуғулланиб, бир-биридан узоқда жойлашган манзилларда яшаб, ўзаро кам алоқада бўлишган. Бундай шароитда уларни даволаш муассасалари билан таъминлаш анча мушкул эди. 1922 йил РСФСРда 1 та даволаш ўрнига қишлоқ жойларда 1430 нафар киши тўғри келган бўлса, Туркистонда бу 2994 нафарни ташкил этган. Шунингдек, меъёр бўйича 314 кв. верст ҳудудга битта даволаш маскани тўғри келиши лозим бўлса, бу РСФСРда 2717 кв. верст, Туркистонда 23397 кв. верстга тўғри келди¹⁰.

Бу даврда аҳоли турли юқумли ва ижтимоий касалликлардан азият чекиб келган. Безгак, шилпиқ(трахома), тери-таносил, сил каби касалликлар кенг тарқалган эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ўрта Осиёнинг деярли барча шаҳарларида тез-тез эпидемия ўчоқлари пайдо бўлиб, кўплаб аҳоли масканларига тарқалган¹¹. Масалан, 1921 йили 29 та аҳоли масканида вабо эпидемияси юз бериб, 3315 нафар киши вабо билан рўйхатга олинган ва шундан 1179 нафари ёки 35,6 фоизи вафот этган¹².

Аҳоли орасида кенг тарқалган эпидемияларни тугатиш тадбирлари олиб борилган. 1922 йил февралда эпидемияга қарши кураш ҳафталиги эълон қилинган. Туркистоннинг қатор шаҳарларида ҳаммомлар мактаб ва интернат ўқувчилари учун очиқ қўйилган. Бундан ташқари врачлар аҳоли орасида ич терлама, вабо, сифилис касалликлари бўйича маърузалар ўқишиб, тушунтириш ишларини олиб боришган¹³.

Совет давлати санитария маорифини йўлга қўйишга ҳам ҳаракат қилган. 1923 йили Туркистон шаҳарларида санитария маорифи уйлари ташкил этилган. Масалан, Қўқон шаҳрида санитария маорифи уйи ташкил этилиб, унинг зиммасига аҳоли орасида турли касалликлар тўғрисида тушунтириш ва уларга қарши кураш бўйича тарғибот олиб бориш вазифалари юклатилган. Шунингдек, даволаш масканларини турли мавзулардаги плакатлар ва кўргазмали материаллар билан таъминлаш, санитария маорифи бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва тарқатиш вазифаларини бажариш ҳам уларга топширилган¹⁴.

⁸ Сағатов Р. С. Развитие народного здравоохранения в Узбекистане. - Т., 1958. - С. 18.

⁹ ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-руйхат, 137-йигма жилд, 399-варақ.

¹⁰ ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-руйхат, 1820-йигма жилд, 8-варақ.

¹¹ К борьбе с эпидемия // Наша газета, 1918, 9 июня-№ 115; Мобилизация врачей // Наша газета, 1918, 12 июня-№ 117.

¹² Мухитдинов М., Хужаков А. Здравоохранение Андижанской области. - Т.: "Медицина", 1985. - С. 19.

¹³ ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-руйхат, 317-йигма жилд, 111-варақ.

¹⁴ ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-руйхат, 303-йигма жилд, 18-варақ.



Тиббий даволаш отрядлари ташкил этилиб, улар турли аҳоли масканларида фаолият кўрсатган. 1924 йили Туркистонда 6 та шундай ҳаракатдаги отряд тузилган. Отрядларда В.А.Доброхотов, Т.А.Гончарова, Л.Ф.Пародоксов, И.Е.Бронштейн, В.А.Покровский, Е.А.Букина каби тажрибали врачлар ва доришунослар фаолият кўрсатган. Тиббий отрядлар жами 14 та уездда 21626 нафар кишини назоратдан ўтказиб, улардан 9772 нафарида турли касалликлар аниқланган¹⁵. Тиббиёт ходимлари касалликнинг олдини олиш ва тугатиш ишларини жуда қийинчиликлар билан олиб боришган. Кўп ҳолларда маҳаллий аҳоли уларга ишончсизлик билан муносабатда бўлиб, беморларни улардан яширишга ҳаракат қилишган.

Совет даврида соғлиқни сақлаш ишини йўлга қўйишда тиббиёт ходимлари муҳим роль ўйнаган. Туркистонга Россиядан кўплаб жонкуяр врачлар келиб иш бошлаган. Фидойи врачлардан В. Ф. Шмидт, И. Б. Воврижин, В. Ю. Воеводский, К. П. Олифинг, М. С. Эрнест, Н. А.Кинзе, М. С. Голошевская, Н. Я. Василевский, В. В. Кашурниковлар Фарғона водийсининг турли шаҳар ва қишлоқларида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатганлар¹⁶.

Туркистонда тиббий кадрлар сони кўпайтириш тадбирлари ҳам олиб борилган. Масалан, 1923 йили Туркистонда жами 460 нафар врач бўлиб, шундан 347 нафари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатган. Улардан 238 нафари Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида иш олиб борган¹⁷. Самарқанд вилояти уездларида 22 та, Фарғона уездида 16 нафар врач ишлаган. Тошкент шаҳрида ҳар 2372 кишига 1 нафар врач тўғри келган бўлса, Самарқанд уездларида бу 28.208 нафар кишига, Фарғона уездларида 79.011 нафар кишига тўғри келган¹⁸.

Хуллас, Туркистонда совет давлати соғлиқни сақлаш тизими ишини йўлга қўйишга ҳаракат қилган. Соғлиқни сақлаш тармоғини шакллантириш ва ривожлантириш ишига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг камлиги, аҳолининг моддий жиҳатдан ночор ҳаёти, очарчилик, тез-тез такрорланиб турган эпидемиялар жиддий тўсиқ бўлиб турган. Туркистонда кам сонли даволаш муассасалари бўлиб уларнинг аксарияти йирик шаҳарларда фаолият олиб борган. Тизим фаолиятидаги бу каби нохуш ҳолатлар, қолаверса, профилактика ишларининг қониқарсизлиги ўлкани эпидемия ўчоқларидан бирига айлантирган.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Туркистон АССРда соғлиқни сақлаш соҳасининг йўлга қўйилиши, вилоятларда даволаш муассасаларининг очилиши, ўлкада турли юқумли ва ижтимоий касалликларга қарши кураш тадбирлари ҳамда тиббий кадрлар муаммоси таҳлил этилган.

¹⁵ Подвижные обследовательски-лечебные отряды и их значение в организации медпомощи сельскому населению в Средней Азии. - Ташкент, 1925.- С.10-16.

¹⁶ Алнев М. М. Роль русских врачей в развитии здравоохранения в Ферганской долине // Советское здравоохранение. - М.: Медицина, 1986-№ 9. - С. 74.

¹⁷ ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-руйхат, 1821-йигма жилд, 126-варақ.

¹⁸ ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-руйхат, 1821-йигма жилд, 126-варақ.

РЕЗЮМЕ

В этой статье анализируется актуальная проблема развития здравоохранения Туркестанской АССР, открытие медицинских учреждений в регионах, меры по борьбе с различными инфекционными и социальными заболеваниями и проблема медицинского персонала

RESUME

In this article during the Turkistan People's Republic public life and its impact on public health, prevalence of various infectious diseases, opening of new medical facilities and the expansion of the hospital network

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегияси". -Т., 2017.-112 б
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги нутқи. "Халқ сўзи". 2017 йил 13 декабрь.
3. Алиев М. М. Роль русских врачей в развитии здравоохранения в Ферганской долине Советское здравоохранение. - М.: Медицина, 1986-№ 9. - С. 74.
4. Арипова Т.У. Здравоохранение и здоровье населения Самаркандской области. Автореф. дисс...канд. мед. наук. - Т.: 1975.- С.14.
5. Заиров К. С. Развитие здравоохранение в Узбекистане за 60 лет Советской власти // Медицинский журнал Узбекистана.- 1977-№ 10. - С. 18.
6. Кадыров А. А. История медицины Узбекистана. - Т., 1994. - С. 151 - 152.
7. К борьбе с эпидемия - Наша газета, 1918, 9 июня-№ 115;
8. Мобилизация врачей - Нашагазета. 1918. 12 июня-№ 117.
9. Мухитдинов М., Хужаков А.Здравоохранение Андижанской области. - Т.: Медицина, 1985. - С. 19.
10. Подвижные обследовательски-лечебные отряды и их значение в организации медпомощи сельскому населению в Средней Азии. - Т.: 1925.- С.10-16.
11. Сагатов Р. С. Развитие народного здравоохранения в Узбекистане. - Т., 1958. - С. 18.
12. ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 6 - 13-варақлар, 56-йиғма жилд, 9-варақнинг орқаси.
13. ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 137-йиғма жилд, 399-варақ.
14. ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1820-йиғма жилд, 8-варақ.
15. ЎзР МДА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 303-йиғма жилд, 18-варақ.
16. ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1821-йиғма жилд, 126-варақ.
17. uzssgt.uz/cgi-bin/main.cgi,.



ALISHER NAVOYINING

"NASOYIMUL MUHABBAT" ASARIDA KATTA LANGAR TAVSIFI

Абдурасул РАҶИМОВ,
меҳнат фахрийси

Маълумки, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг "Насойимул муҳаббат" асари катта аҳамиятга молик тарихий манбадир. Бу асар 1495–1496 йилларда ёзилган бўлиб шоирнинг билими, дунёқараши ҳаётий тажрибалари асосида яратилган. Бу асарда 770 нафар авлиёлар ҳақида мухтасар маълумотлар берилган. Уларнинг 35 нафари эса аёл авлиёлардир. Бу аёл орифалар орасида хоразмлик Имратун Хоразмий ҳам қаламга олинган.

Асарда бу ҳақдаги маълумотнинг айнан ўзини ҳавола қиламиз. "Ва хай Имом Ёфийий ўз тарихида уламнинг биридин нақл қилурким дебдуку, Хоразм ноҳийсида бир хотун кўрдумки, йигирма йилдин ортуқроқ егулик ва ичкуликдин ҳеч нимага иштига кўрғазмайдур, ерди валаху аълам".

Кўриниб турибдики, бу асарни Алишер Навоий ёзиш учун жуда кўп тарихий асарларга мурожаат қилган ва анча маълумотлар тўплаган. Маълумки, юртимиз ориф ва орифалар юрти бўлган. Бу каби авлиёлар тарихини ўрганишни тақоза қилади. Шу билан бирга Ватанимиздан етишиб чиққан бир неча илми урфон вакиллари

ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд.

Бугунги кунда катта қизиқиш билан ўрганилаётган Катта Лангар зиёратгоҳи ва унга боғлиқ бўлган тарихий маълумотлар авлиёлар силсиласини ўрганиш Қуръон ва ҳирқа тарихини Алишер Навоий ҳазратлари ўз асарларида изоҳлаб кўрсатиб берган.

Катта Лангар шайхлари ишқия тариқатининг давомчилари ҳисобланади. Ишқия тариқатининг пири муршиди Эроннинг Қумис вилоятига қарашли Бистом шаҳрида туғилиб камолотга етган Боязид Бастомийдир.

Алишер Навоий Катта Лангар ота шайхлари ҳақида маълумот берар экан, уларнинг тарбиячиси Шайх Абулҳасан Ишқий қ.с. эканлигини кўрсатади. У шайхнинг эса шайх Боязид Бистомийдан тарбия олганлигини, ўша силсилага боғланишини эътироф этади. Абулҳасан шайхнинг хоразмлик эканлиги айтилади. Юқорида номи кўрсатилган авлиё асл, «Сабъайи Сайёр» достонидаги Фарруҳ ҳам Хоразмдан, бошқа асарларида ҳам Хоразм диёрига боғлиқ воқеаларни ифодалаган.

Энди билвосита Катта Лангар ота шайхларга келсак, муаллиф



шайхлар силсиласини Худойқули шайх қ.с.дан бошлаб маълумот берган. Шайх Абулҳасаннинг соҳиб сажжадош ва қойим мақоми ва ўз замонасининг шайхул машойихи эркандур.

Маҳаммад шайх(р.т) Худойқули шайх қуддиса сиррихунинг ўғлидур, "Илёс шайх (р.т.)" Муҳаммад шайх раҳимахуллоҳнинг ўғлидур.

Шайхзода Абулҳасан(қ.с.) "Илёс шайхнинг ўғлидур", Шайх Муҳаммад Сўфий қаддасаллоҳу сирроҳу. Овий шайх биз Лангар ота деб номлаб келаётган азизларнинг зиёратгоҳининг номидир.

"Муҳаммад Содиқ Лангар ота " деб номлаб келаётган азизлар, яъни шайхга Сўфий сўзини Навоий бобомизнинг қўллаши бежиз эмас. «Сўфий» сўзи ҳирқа эгаси деган номни беради. Иккинчи маъноси эса камолотга етган кишига бериладиган унвондир.

"Шайх Муҳаммад Сўфий (қ.е) ҳақида камолати ҳақида шундай ёзган "Нафаси муассир азиз экандир. Ва муридлари орасида сўз бу навбурким ҳизр алайҳиссалом била суҳбат тутар ва андир ҳозиқ одат кўп маъқулдур. Бундай ташқари ишқия силсиласига мансуб бўлган икки нафар шайх ҳақида ҳам маълумот берилган. Абу Мусо Шайх (қ.т.с.) Шайх Султон Сўфий (қ.с.)лар шулар жумласидандир. Шайх Султон Сўфийни Шайх Муҳаммад Сўфийнинг ўғиллари деб тушуниш мумкин бўлади.

Бугунги кунда Катта Лангарга Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳирқаси ва

китоб яъни Қуръоннинг қандай олиб келинганлигини турли фаразларга сабаб бўлмоқда.


Алишер Навоий ҳазратининг ёзишича, шайх Абулҳасан Макка зиёратига борганда қайтишда бўлса керак Бистомда Бастомий авлодлари ҳирқа ва тож билан сийлар экан Ҳирот шаҳрига келганда китоб, жойнамоз, кўрпа билан тақдирланган экан.

Кўриниб турибдики, 5 та улуғ сиға, тухфа, муқаддас табаррук ҳилқатлар Лангар ота нуфузини ошириб юборган. Бизнинг фикримизча, Лангар аталмиш ундан кейин аталган бўлиши керак.

"Лангар" сўзининг маъноси "сақловчи" "мувозанатни ушловчи" деган маъноларни англатади. Кема эмас балки "жойни сақловчи, асровчи, десак ҳақиқатга яқин бўлади.

Катта Лангар Қуръонининг 13 саҳифасининг Тошкентда сақланиши, 83 саҳифасининг ўзга мамлакатларга олиб кетилиши, 82 саҳифасининг кўчирма шаклида Катта Лангардаги масжидга олиб келиниши ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Ҳирқа ҳақида шуларни айтиш мумкинки, машҳур ҳирқа (Иброҳим а.с.)дан қолган ҳирқа Увайс (Вайсан) Ҳоранийга берилган.





Яна бир ҳирқа араб шоири Каъб ибн Зухайрга инъом этилган. Маълумотларга қараганда улар Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тўпқоппи музейининг "Ҳирқаи саодат" хонасида сақланмоқда. Демак бу тож, жойнамоз, рўнак ҳам аҳоли қўлида бўлиши мумкин. Булар ҳақида тадқиқотлар ва изланишлар олиб берилмоқда.

"Насойимул муҳаббат"да бундай ташқари Кешлик икки нафар авлиё ҳақида ҳам маълумот берилди. Булар Кешлик Ота (а) ва Умар Ота (р.т.) лардир.

Хуллас шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг "Насойимул муҳаббат"асари юртимиздаги буюк тарихий шахслар, азиз авлиёлар ҳақидаги маълумотларни аниқлашда энг муҳим катта манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бу асар Катта Лангар шайхлари ва унга боғлиқ бўлган ҳилқатларни кўрсатувчи манба ҳамдир. Зеро, бу асар юртимиздаги жуда кўп азиз авлиёлар ҳақида маълумотларни мавжудлиги билан ҳам ниҳоятда ноёб ҳисобланади.





MASHHUR SAYYOH, TARIXCHI VA TARJIMON

Шухрат Тўраев,

Қарши ДУ «Ўзбекистон тарихи»

кафедраси ўқитувчиси.

Таянч сўз ва иборалар: Гарбий Европа, Фанлар академияси, При-сбург коллежи, Ўрта Осиёга саёҳат, Хива ва Бухоро хонликлари, Шарқ қўлёзмалари, хонлик шаҳарлари.

Гарбий Европа ва Шарқ халқлари нисбатан икки қутбни ташкил этса-да, улар орасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик жуда қадим тарихга эга. Уларнинг жаҳон маданияти, илм-фан хазинасига қўшган ҳиссаси бир-биридан кам эмас.

Ўзбек халқи оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бой эпос ва лирик ижодиёт соҳибидир. Бу ҳайратомуз ижод таркибига кирган йирик дostonларни, ижтимоий-сиёсий гоаяларга бой эртак ва афсоналарни, халқ турмушини ифодалаган қўшиқ ва лапарларни, ўзига фалсафийлик ва синчковликни жо этган мақол ва топишмоқларни асрлар давомида халқимиз нақл этиб куйлаб келмоқда. Лекин, буларни ёзиб олиш, нашр этиш ва авлодларга қолдириш ишлари билан XIX аср ўрталаригача шуғулланилмаган эди. Ўрта ва Марказий Осиё халқлари оғзаки ижоди дурдоналарини тўплаш ва бошқа тилларга таржима қилиш ишлари асосан XIX асрнинг 50-йилларидан Европа олимлари томонидан амалга оширила бошланган.

Мазкур олимлар муайян халқ тарихи, географияси, урф-одати, яшаш шароити, иқтисодий-сиёсий ва маиший аҳволини ўрганиш учун фольклорга, унинг намуналарини тўплаш ва нашр этишга алоҳида эътибор беришган. Улар орасида венгер тилшуноси, этнографи ва сайёҳи, Венгрия Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Герман (Армений) Вамбери хизматлари алоҳида ўрин тутади.

Шарқшунос, тилшунос ва сайёҳ Герман (Армений) Вамбери(1832.19.03-1913.15.09) Венгриянинг Дунай бўйидаги Присбург вилоятидаги Дуна-Сцердахели қишлоғида 1932 йил 19 мартда дунёга келган¹. Отасидан эрта ажралган Вамбери болалигида оғир касаликка чалиниб, бир умрга оқсоқ бўлиб қолди. Шунга қарамай, католик орденининг Сен-Георген коллежида, кейин Бенедикт монахларининг Присбургдаги коллежида² таҳсил олишга интиланган. Аммо кўпроқ билимларини мустақил равишда оширган ва 1852 -

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси"

Давлат илмий нашриёти 2001, Б 378-379.

² Вамбери Армений. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи Т., "INFO CAPITAL GROUP", 2019, Б 3.



1856 йиллари Пешт шаҳрида бадавлат оилаларнинг фарзандларига тил ўргатиш билан тирикчилик қилган. 15 ёшлигидаёқ Вамбери венгер, немис, словак ва яҳудий тилларини биларди. Кейинчалик лотин, француз, инглиз, испан, итальян, дания ва швед тилларини, 20 ёшида рус ва қадимги юнон тилларини ўзлаштириб, турк, араб ва форс тилларини ўргана бошлаган³.

Шарқ тилларига ва саёҳатларга бўлган катта қизиқиш унда узоқ юртларга сафар қилиш орзусини уйғотди. Шу сабабли 1852 йил Вамбери Истанбулга⁴ келган ва аста-секин турк зодагонлари ва европалик дипломатлар ўртасида муаллим ва олим, деган ном чиқарган. Истанбулда тўрт йил (1857-1860) яшаб Вамбери қадимги Шарқ қўлёзмаларини чуқур ўрганган.

Унда Туркиядан кейин узоқ Ўрта Осиёга саёҳат қилиш режаси туғилди. Бунинг асосий сабаби борасида у шундай ёзган эди: "Венгер тилининг олтой тиллари оиласига кириши ҳаммага маълум. Биз венгерларни қизиқтирадиган бу масала, илмий ва миллий нуқтаи назардан мени Шарққа саёҳатимга ундовчи асосий сабаб ҳисобланади. Жонли тилларни ўрганиш орқали мен венгер тили ва туркий лаҳжаларнинг ўхшашлик даражасини ўрганишга қарор қилдим"⁵.

1863 йилнинг март ойида Вамбери Венгрия Фанлар академияси ҳомийлигида Эрон ва Туркистонга саёҳат қилган. Миллати турк бўлган Рашид афанди номи билан дарвеш (қаландар) қиёфасида Ўрта Осиёга сафар қилиш мақсадида Трабзондан Техронга йўл олган. Эрондан Макка зиёратидан қайтаётган ҳожилар карвонига қўшилиб, улар билан бир неча вақт Марказий Эронда тўхтаб, Табриз, Занжон ва Казвин каби шаҳарларда бўлган.

Ҳиротда бўлган базм чоғида афгон амирининг ўғли Ёқубхон бир гуруҳ дарвешлар орасидаги Вамберининг мусиқа оҳангига мос равишда оёғини ерга уриб турганига эътибор қаратади. Шунда Ёқубхон "Осиёда ҳеч ким мусиқани бу тариқа тингламайди", деб ўйлаб, дарвешнинг мусулмонлигига шубҳа қилиб, уни суҳбатга чорлайди. Улар ислом дини, муқаддас жойлар ва Афғонистон ҳақида узоқ суҳбатлашадилар. Ёқубхоннинг Вамберига қарата "Сен ҳожи ва олимсан, аммо мусулмон эмас, европаликсан", деб айтган гапига сайёҳ "йўқ, мен туркман", деб жавоб берган. Шунда Ёқубхон: "Майли шундай бўлақолсин. Мен сенга ёмонлик тиламайман. Оллоҳ ёр бўлсин", деб Вамберини қўйиб юборган.

Сўнг ҳожилар карвони Исфаҳон, Шероз ва Мозандарон орқали Каспий денгизининг жануби-шарқий қирғоқлари томон йўл олди. Шу ердан сайёҳ жазирама Қорақум чўли, Туркменистон орқали Хива ва Қўнғиротга етиб келган. Хива хонлигида бўлган даврда хонлик пойтахти ва шаҳарлари, тарихий ёдгорликлари ва қисқача тарихи ҳақида тўхталиб ўтган.

Ўрта Осиёга, хусусан, Хива ва Бухоро хонликлари саёҳати натижаларини ўз ичига олган, Европа, Россия ва Шимолий Америкада катта қизиқиш уйғотган "Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат" номли асарини эълон қилган.

³ Гадоев К.Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. Т.: "Ўзбекистон", 2012, Б 89.

⁴ Вамбери Армений. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т. "INFO CAPITAL GROUP", Б 4.

⁵ Вамбери Армений. Путешествие по Средней Азии. М.: "Восточная литература", 2003. с 5.

Ушбу асарнинг деярли барча Европа тилларига таржима қилингани ҳам унга бўлган катта қизиқишдан далолат. Асарнинг бу қадар машҳур бўлиб кетишини Г. Вамберининг ўзи "Ундан олдин ҳеч бир европалик сайёҳ Ўрта Осиёга бу қадар ўзига хос усулда, яъни бошқа миллат ва дин вакили қиёфасида саёҳат уюштирмаганлигида", деб изоҳлаган эди. Венгриялик сайёҳ минтақанинг энг узоқ чеккаларига кириб боришга ва улар ҳақида завқли ҳикоя қилишга муваффақ бўлган.

"Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат" асарида Хива хонлиги пойтахти хусусида қуйидаги маълумотларни учратамиз: "Пойтахт-Хива шаҳри ҳақида: Хива одатда икки қисмдан иборат: а) ташқи қалъа б) ичанқалъа, ёки ички қалъа, шаҳар ичидаги ҳарбий иншоот жойлашган қисм. Шаҳарнинг ташқи қисмидан тўртта дарвоза билан ажратилган ва девор билан ўралган. Ичанқалъа қуйидаги маҳаллардан ташкил топган: Паҳлавон, Улугёғд, Оқмасжид, Иноқчи, Қушбеги. Шаҳар тўққизта дарвозадан иборат улар: шимолӣ йўналишда Урганч, Гандимён, Иморат дарвозалари; шарқӣ йўналишда Исмаҳмуд ота, Хазорасп; жанубӣ йўналишда Шоҳлар, Пишпанак, Рафанак ва ғарбӣ йўналишда Бадрхон дарвозалари. Шаҳар ичида ўнта маҳалла жойлашган: Ор, Каптархона, Меваистон, Меҳтаробод, Ёнқалъа, Болаҳовуз, Нонемисора, Боғча, Рафанак"⁶.

Хонликдаги бозор ва савдо-содиқ ишлари ҳақида тўхталиб: "Бозорлар ва шунга ўхшаш савдо расталари, Эрондаги ёки Шарқнинг бошқа шаҳарларидагига ўхшайдиганлари Хивада йўқ. Эслатиб ўтиш жоизки, Хивада тим деб номланувчи кичик, лекин яхши қурилган, гумбазсимон 120 раста ва карвонсарой жойлашган бозорлардан иборат. Бу ерда рус бозорлари таклиф этаётган барча нарсаларни топиш мумкин. Жумладан: мовут, майда металл буюмлар, атторлик маҳсулотлари, сурп ва чит матолар, шунингдек Бухоро ва Эрондан келтириладиган маҳсулотлар сотилади. Тим атрофида нон дўкони, баққоллик дўкони, ипак матолар сотиладиган дўкон ва сартарошхона жойлашган. Бозор ва дўконлардан ташқари кичик карвонсарой деган жой ҳам борки, у ерга туркманларнинг така ва ёвмут қабилалари томонидан келтирилган қуллар сотилади. Хивада асосий маҳсулотлар ичида қуллар бўлишининг асосий сабаби уларнинг меҳнатидан асосан деҳқончилик ишларида фойдаланилади"⁷.

Хонлик шаҳарларидаги масжидлар ҳақида: "Хива шаҳрида қадимги ва моҳирона қурилган масжидлар унчалик кўп эмас. Қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: 1. Ҳазрати Паҳлавон масжиди. Унинг қурилганига тўрт аср бўлган. У битта катта ва иккита кичик гумбазли хоналардан иборат. Уларнинг бирида Хиванинг авлиё ва ҳомийси ҳисобланган Паҳлавон Маҳмуд мақбараси жойлашган. Ташқи кўриниши оддий бўлиб кўринса-да, ички безаклари дид билан ишланган. Афсуски масжид ичи яхши ёритилмагани учун қоронғу, кўп нарсаларни яхши кўриб бўлмайди. Масжидга ва мақбарага зиёратга келувчилар доимий Қуръон оятларини эшитиб, ундаги маъ-

⁶ Вамбери Арминий. Кўрсатилган асар. Б-6.

⁷ Ўша жойда.



лум қисмларини ёд олганлар ва доимо қироат қилиб турадилар. 2. Жума масжиди. Унда хон жума номозини ўқийди ва хон номига хутба ўқилади. 3. Хон масжиди. 4. Шоликор масжиди (Хива шоликор аҳолиси томонидан қурилган). 5. Отамурод Қушбеги масжиди. 6. Қораёз масжиди"⁸.

Мадрасалар, уларда фаолият юритувчи мударрис ва ходимлар, уларнинг даромад ва маошлари, талабаларнинг таҳсили ҳақида тўхталиб: "Марказий Осиёдаги ўқув даргоҳларининг кўплиги ва яхши пардозланганлигига қараб аҳолининг аксарияти моддий таъминланганлиги ва диний таълимдан яхши ҳабардор эканлигини билиш мумкин. Моддий жиҳатдан имконият чега-раланган бўлишига қарамай нафақат хон, балки оддий аҳоли ҳам мадрасаларни таъмирлаш ва моддий қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшгани таҳсинга сазовор".

"Ислом маданиятининг қадимги ўчоғи, диний таълимнинг асосий маркази сифатида Бухоро шаҳри ҳисобланса-да, Хива ҳам мадрасалар кўплиги билан ажралиб туради. Хивада фаолият юритадиган мадрасалар қуйидагилар: 1. Муҳаммад Амин мадрасаси. 1842 йилда форс меъморлари томонидан Эрондаги карвонсарой архитектура намунаси асосида қурилган. Унг томонида икки қаватли мадрасага тенг баландиқда минора жойлашган. Унда 130 та хужра мавжуд бўлиб, 260 та талаба таҳсил олиш имкониятига эга⁹.

Самарқанд, Қарши, Карки, Андхўй, Маймана ва бошқа шаҳарларда бўлади. Орқанд Ҳирот, Машҳад, Техрон ва Истамбул бўйлаб қайтади. Вамбери Ўрта Осиёга сафарини бошлагандан роппа-роса бир йил ўтиб, яъни 1864 йилнинг мартада Будапештга қайтган.

Вамбери тилшунослик, адабиётшунослик, фольклор, этнография, тарих ва географияга оид ("Немисча-туркча лугат", 1858; "Немисча-чигатойча лугат", 1860; "Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи", "Менинг ҳаётим", "Шарқ ҳаёти ва урф-одатлари очерклари" ва бошқа) асарлар муаллифи.

"Чигатой тили дарслиги" (1867) асарида олим туркий халқлар фольклорига оид 30 дан ортиқ асар ҳақида маълумот берган, улардан парчалар келтирган. Шунингдек, Навоий, Фузулий, Насимий, Сўфи Оллоёр газаларидан олинган намуналарни ва 112 та ўзбек мақолини араб ва лотин ёзувида келтириб, немисча таржима берган. Туркий ва немис тилларини қиёсий ўрганган¹⁰.

Вамбери Техрондан бошлаган саёҳатининг биринчи кунидан Самарқандга келгунича оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарини тўплаган, уларнинг куйланиш ва ижро этилиш шароитларини кузатган. Тўпланган маълумотлар асосида 1867 йили Лейпцигда "Чигатой тили" дарслиги нашр этилган. 368 саҳифали бу китоб хрестоматия-мажмуа ва лугат қисмлардан иборат. Китоб ўша давр шарқшунослиги нуқтаи-назаридан ҳам ҳозирги фан талаблари билан ёндашганда ҳам том маънодаги филологик асардир.

Унинг "Адабий алоқалар" деб номланган иккинчи бўлимида олим ўзи тўплаган маълумотлар асосида фольклор адабиётга эътибор қаратган. Бунда

⁸ Ўша жойда.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Ўзбекитон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. Т. 2001, Б 378-379.



дастлаб оғзаки шеърят намуналарининг, сўнг ёзма адабиётга доир асарларнинг тавсифи берилган. Ушбу китобнинг мажмуа-хрестоматия қисми Г.Вамберининг жуда хилма-хил адабий парчаларни тўплаганлигидан ва уларга системали тартиб берганлигидан далолат беради.

Мажмуада "Бахши китоб" деб берилган ижод намуналари алоҳида қизиқиш уйғотади. Бунда Сўфи Оллоёр, Алишер Навоий, Фузулий ғазалларидан намуналар, Ибн Сино ҳикматлари, "Тоҳир ва Зухра" эртаги, "Юсуф билан Аҳмад" достонидан ўзбек ҳамда немис тилларида таржималари берилган.

Г.Вамберининг мазкур асари XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек тилининг ҳолати, шунингдек, ўзбеклар тарихи, этнографияси ва бошқа кўп жиҳатлари ҳақида маълумот берувчи ноёб илмий манбадир. Шунингдек, у маҳорат билан таржима қилган "Шайбонийнома", "Юсуф билан Аҳмад", "Қиссайи Сайфулмулк", "Қутадғу билиг" ва бошқа асарлар немис таржима адабиёти тарихининг муайян қисмини ташкил этади.

Г.Вамбери йигирмадан ортиқ асарлар яратган. Шуларнинг ўндан ортиғи Ўрта Осиё халқлар тарихи, маданияти ва табиатига оид бўлиб, ўзбек мумтоз шоирларининг асарлари, бахшилар куйлаган достонлар жаҳон адабиётининг бой намуналаридан ўрин олди. Унинг таржимонлик маҳорати туфайли турли халқлар китобхонларини маданий дурдоналаримиздан баҳраманд бўлган. Шу буюк хизматлари билан фидойи олим Герман Вамбери Европа ва Осиё халқлари тарихида сезиларли из қолдирган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекитон Миллий энциклопедияси. 2-жилд.Т.: "Ўзбекитон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2001.
2. Вамбери Армений. Путешествие по Средней Азии. -М.: "Восточная литература", 2003.
3. Вамбери Армений. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи Т.: "INFO CAPITAL GROUP", 2019.
4. Гадов К, Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. -Т.: "Ўзбекистон", 2012.
5. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи -Т.: «Шарқ». 1990.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Герман (Армений) Вамберининг Ўрта Осиё хонликларида қилган саёҳати давомида мазкур хонликларнинг қисқача тарихи, географияси, аҳоли урф-одатлари, яшаш шароити, иқтисодий-сиёсий ва маънавий аҳволи, фольклори таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье анализируются краткая история, география, обычаи, условия жизни, экономические, политические и бытовые условия нация и фольклор Германа (Армении) Вамбери во время его путешествий в среднеазиатском ханстве.

RESUME.

This article analyzes the history, geography, customs, living conditions, economic, political and living conditions and folklore of the Herman (Armenian) Vamberi during his travels to Central Asian khanates.



ЖОН ГОЛСУОРСИ ВА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Феруза АТАМУРОДОВА,
Қарши ДУ катта ўқитувчи.

Таянч сўз ва иборалар: *Жон Голсуорси, характер, тамойил, реализм, романнывис, реал воқелик, санъат, эстетика.*

XX аср инглиз реализм адабиётининг йирик вакилларида бири Жон Голсуорси ижодида замонасининг ҳукмрон синфи ҳаёти уларнинг асл қиёфаси ёрқин тасвирланади. Аини пайтда меҳнаткаш халқ турмуш тарзи ва оғир ҳаёти дард билан қаламга олинади ва кескин танқид қилинади.

Адиб санъатда реалистик методнинг изчил тарафдори ва модернизмнинг ишонч-эътиқодли душмани эди. Унинг модернистлар билан юритган баҳс-муназараларининг таянч нуқтаси бу унга хос бўлган инсон ҳақидаги қараш ва санъат асарида инсонни тасвирлаш тамойиллари эди. Голсуорси "Адабиёт ва ҳаёт" (1930) мақоласида шундай ёзган: "Биз нега ўзимизни санъатга бағишлаймиз, деган саволга фақат битта аниқ жавоб бор: инсон шарафи ва улўлиги учун"¹. Романнывиснинг вазифалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини у "Олтита ёзувчининг силуэтлари" (1925) мақоласида баён қилди (1925). "Ўзининг санъати учун хомашё сифатида ҳақиқий ҳаётни ишлатаркан, буюк романнывис ўз асарлари зиёси билан инсоний жамият ривожини жамлаштириши ва ўз замонни ахлоқига ундай ёки бундай тус, жило бериши мумкин. Унинг онгли ўқитувчи ёки онгли исёнчи бўлиши шарт эмас. Унинг учун кенг кўламда кўриш-кузатиш, теран ҳис этиш ва бошдан ўтказганлари ва кечирган кечинмаларидан ўзининг, янги баъмани ҳаётини яшайдиган улгиларни ола билиши етарлидир"². Голсуорси ўзининг ёзувчилик маслагини қуйидаги сўзларда шундай ифодалайди: "Инсонга хослик мен учун дунёнинг жамики бойлигидан қимматли". Замонавий жамиятда одамлар тақдири билан боғлиқ муаммоларга Голсуорси доимо жиддий аҳамият қаратган. Бу муаммоларга ечим топиш йўллари эса ёзувчининг дунёқарашидан келиб чиқилган позициясининг алоҳида хусусиятларига боғланган, уларга, ўз навбатида, ўзаро қарама-қарши қарашлар хос: жумладан, эзилганларга ҳамдардлик, буржуазия тартиб-қоидалар тадқиқининг инқилоблардан қўрқиш билан қўшилиб кетгани ва ислохотлар йўли орқали жамиятни ўзгартиришга бўлган хаёлий умидлар. Буржуача-демократик идеаллар ёзувчи имкониятларини чеклаб қўйди, бироқ у доимо "улкан умуминсоний ва ижтимоий муаммолар" санъатига хизмат қилди, доимо инсонга ҳурмат ва муҳаббат билан муносабатда бўлди.

Д.Г.Жантиева тўғри таъкидлаганидек, Голсуорси "характерни ҳис этиш"

¹ Голсуорси Жон. Собр.соч. в 16-ти т. Т. 16. с. 451.

² Голсуорси Жон. Собр.соч. в 16-ти т. Т. 16. с. 410.



деб аталадиган даражани "Жослин" (1898) романи устида ишлаш жараёнида"³, яъни ўзининг ижод йўли бошида тушуниб етди. Инсонни бадий асарда тасвирлаш тамойиллари ҳақида Голсуорсининг "Ёзувчи ҳақида аллегория" (1909). "Санъат ҳақида муҳам фикрлар" (1911). "Олтита ёзувчининг силуэтлари", "Адабиётда характер яратиш" (1931) ва бошқа мақолаларида қизиқарли фикр-мулоҳазалар бор. Уларнинг таҳлили ёзувчи ўз романларини ёзганда қандай тамойилларга таянгани ҳақида муҳокама юртишга имкон беради.

Реалистик санъатдан кўзда тутилган мақсадни Голсуорси ҳаётни англашда, ундаги воқеаларни тушунтириб бериш ва тасвирланаётган нарсаларга танқидий муносабатда, деб билади. Унинг учун Шекспир ва Диккенс, Теккерей ва Мопассан, Тургенов ва Толстой ибрат намунаси. О.Уайльд билан баҳслашаркан, санъатни "Чиройли ёлгон" сифатида тушунишга санъатдан кўзда тутилаётган мақсадга доир ўз қарашларини қарама-қарши қўяди, у санъатдан мақсад инсон ҳаётини ҳаққоний тасвирлашда, деб тушунади.

Чинакам романныннинг ўзгармас фазилати характер яратишдаги маҳоратида, деб ҳисоблайди Голсуорси. Унинг фикрича, характер – романнын бирламчи асоси, ҳаётлийгининг гарови. Романныннинг бош вази-фасини "ҳаёт, характер ва фикрлашнинг ўзаро алоқасини илғай билиш ва кўрсатишда", деб билади у. У олдинга сурган характерни бевосита ҳаёт билан алоқада очиб бериш тамойили модернист ёзувчиларга хос бўлган инсонни у яшаётган шарт-шароитдан узиб олиб тасвирлашга зид эди.

Адибнинг эстетик қарашлари тизимида характер тушунчаси асосий ўрин тутди. Реалистик ижодни таърифлашда у шундан келиб чиқади, реалистик асарнинг шартли тўлақонли инсоний характер яратишда, деб ҳисоблайди, бундай характерда ҳаёт ўз йўналишини ўзгартиради, янгича маъно касб этади ва бу унинг талқини воситасига айланади. Реалистнинг мақсади – инсон типларини ва инсон ҳаёти равиш-рафторини кўрсатиш. Голсуорси учун характер – асар маркази ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи. "Яхши сюжет – бу одам", дея қайд этади у. "Яхши сюжет – бу мустаҳкам иморатдирки, ҳолат-вазиятларнинг характерларга кўрсатган таъсиридан, характерларнинг ғоялар муҳитига ўралган шарт-шароитга таъсиридан аста-секин барпо бўлади". Бу фикрларни Голсуорси ўзининг дастлабки ёзган мақолаларидан бири – "Драматургия борасида ҳаммага маълум айрим ҳақиқатлар"да (1909) айтган. Кейинчалик у романныннинг ҳақидаги ишларида бу фикрига бир неча бор қайтади. У асар сюжети қаҳрамон характерининг ўзига хос хусусиятларидан ўсиб чиқади, деб таъкидлайди ("персонажларнинг саъй-ҳаракатлари уларнинг характерларига мос"); характерларни сюжетга мослаштириш илинжида бузиб кўрсатиб ёки панд-насихатга йўл қўйиб, ёзувчи "энг асосий – ҳаёт ҳақиқатидан чекинади". Адабий асарда характерлар тизими унинг ғояси билан белгиланади, ёзувчи "персонажлар ва воқеаларни ўзи ифодалашга интилган асосий ғоя ҳалқасига ўраб олади;

³ Жантиева Д.Г. Жон Голсуорси. 16-томли танланган асарларига сузбоши, 1-том, Б.5.



уларни бу ҳалқага жамлаб, ёзувчи барчасига мустақил ҳаётда яшаш имкониятини беради".

Реалистик санъат вазифасини Голсуорси "ҳаётнинг турли соҳаларига мансуб одамларнинг фикр ва туйғуларини илғаш ва бир ягона нуқтага (марказга) жамлашда" кўради. Романда бундай "ягона нуқта" характер ҳисобланади. Голсуорси таъкидлашчи, романнавис ўзининг мавзуларини ҳозирги замон ҳаётининг бош оқими, ўзанидан қидиради; у "ўқувчиларга уларга таниш бўлган ҳаётни, воқеликни тушунтиришга интилади"; у яратган характерлар унинг изланишлари йўналишларини ва асар мундарижасининг мазмунини ифодалайди. Характер яратишни Голсуорси "романнависнинг бош вазифаси ва етакчи ҳаракатлантирувчи кучи" сифатида тавсифлайди. Ёзувчининг маҳорати ҳақида Голсуорси унинг ўзига хос хусусиятга эга, ҳаққоний ҳаётий образлар яратишга қодирлигидан келиб чиқиб фикр билдиради: "Характерларнинг ҳаётийлиги - бу ҳар қандай таржимаи ҳол, пьесалар ёки романларнинг умрбоқийлиги гарови".

Мана шу позициядан туриб Голсуорси ўтмишдаги ва ўзига замондош ёзувчилар ижодини баҳолайди. У Диккенсда Англиянинг буюк романнависини кўриши сабаби, биринчи галда шундаки, Диккенс "одамлар хотирасига инсон табиати ҳақида шундай ёрқин ва турфа хил тасаввурларни муҳраб, жойлаб қўйдик, бундайини ғарблик романнависларнинг бирортасида учратмайсан"; "Диккенс инсон феъл-атворини ва инсон характери ҳайратланарли даражада нозик тушунган", "инсон характерининг асосий турларини тушуниш" унга тан эди. Диккенс романлари орқали "ҳатто ҳозир ҳам Англияни, бошқа ҳар қандай адабий асарлардагидан кўра, яхши тушуниш мумкин".

Диккенсни юксак таърифлаб, айти пайтда Голсуорси "Диккенс мактаби" унга, ҳаёт ва инсонни тасвирлашда Мопассан ва Флобер, Толстой ва Чехов амалга оширган буюк хизматлардан сўнг, ортда қолган босқичдек туюлишини қайд этади. Бу ёзувчиларнинг маҳорати кўпқиррали ва мураккаб характерлар яратишда, инсон руҳиятини теран тадқиқ қилишда намоён бўлди.

Инсонни тасвирлашда Голсуорси учун ҳамиша юксак маҳорат намунаси рус адабиёти эди. Айниқса, у рус реалистлари - Тургенев, Толстой, Чеховни - жуда юксак қадрлайди. Рус адабиётини Голсуорси "замонавий адабиёт денгизидаги энг ҳаётбахш жўшқин оқим" сифатида тавсифлайди. У рус ёзувчиларининг "тажрибалар ва кечинмалар денгизига жуда чуқур шўнғишидан, ҳақиқатни излашга жон-жаҳди билан ёниб ўзларини багишлашидан" ҳайратга тушади.

Рус ёзувчиларининг буюк фазилати ўз халқининг қалбини кашф этганида, деб ҳисоблайди Голсуорси. Улар қаҳрамонлари тақдирини рус ҳаёти билан узвий алоқада тасвирлайди, ҳаётнинг туб моҳиятига чуқур кириб бориб, одамларнинг ташвиш ва изтиробларини кўрсатади. Улар "инсон ҳаёти, бизнинг тезкор асримизда қанчалик бебаҳо бўлиб туюлмасин, аслида теран ва ўзига хос илдизларга боғланган", деган ҳақиқатни назардан



соқит қилмайди. Инглиз ёзувчиси учун рус реалистлари романларида руҳий таҳлилнинг нозик ва ишончли экани уларнинг ижтимоий воқеалар моҳиятига чуқур кириб боришгани туфайли амалга ошгани аён эди.

Голсуорси гўзаллик "инсондаги мавжуд яхши хислатларни ифода-лашда"⁴, деб тушунади. Бундай тушунчанинг мукамал натижасини у рус адабиётида кўради. Голсуорси учун гўзалликка интилиш доимо ҳақиқатга интилиш ва муайян маънавий қадриятларни қарор топтиришдан иборат. Санъат ва ахлоқни у бирликда, яхлитликда қабул қилади. Бундай қараш айни масалада Жойснинг қарашидан фарқ қилади. Голсуорси назарида ёзувчининг бурчи "характерлар яратиб, одамларни фикрлашга ва ҳис этишга мажбур қилишдан" иборат. Китоб қаҳрамони одамларга теварак-атрофида бўлаётган воқеаларни тушуниб олиш ва ўзларини англашга кўмаклашиши керак. Муайян бир характерни яратиб, ёзувчи "маънавий қадриятларнинг табиий ривожланиб боришига кўмаклашади". Агар инсон характери йўқолса, роман ҳам яшашдан тўхтайдди. Бироқ айнан асарда "одамнинг йўқолиши" жараёнини модернист ёзувчилар ижодида кузатишга тўғри келади. Голсуорси тирик одамни шартли схема билан алмаштиришга бўлган уринишларга қарши чиқади. "Кейинги йилларда, - деб ёзади у "Адабиётда характер яратиш" мақоласида, - романда индивидуаллаштиришдан воз кечиш тенденцияси кўзга ташланмоқда... Ёзувчининг муҳаббат ва нафрат объекти яхлит қиёфа бўлиб қолди, бу қиёфанинг алоҳида қирралари эмас. Бу жуда қизиқарли тажриба - айниқса, уни қўллаётганлар учун. У маълум бир ютуқларга ҳам эга. Бироқ қизиқарли ёзиш тарзи, сўз ўйинлари, ҳаёт "титроқлари"ни қайта жонлантириш ёки ҳатто инсон қалбининг мана бундай нозик тасвири ҳам романнависнинг асосий вазифаси ҳамда уни ҳаракатга келтирувчи етакчи куч ҳисобланадиган индивидуал характерлар яратишнинг ўрнини босолмаслигига салмоқли асослар бор"⁵. Нима учун бу тарздаги тажрибалар адабиётда индивидуал характер яратишнинг ўрнини боса олмаслиги сабабини Голсуорси ахлоқий тамойиллар билан узвий боғланган санъатнинг табиатида кўради.

Ёзувчи ўқувчига самарали таъсир кўрсатиш йўлини ҳаётдан сабоқ беришда, насиҳатгўйликда эмас, балки ҳаётни тасвирлаш усулларида, характерни чизиш тамойилларида кўради. Ўз фикрини ўтказишга уринмаслик, балки ҳаётни ҳаққоний тасвирлаб, ўқувчини ишонтириб, ижодкор яратган "реал ҳаёт иллюзияси" орқали ўқувчи онгига таъсир қилишга даъват Голсуорси учун хос. "Драматургия борасида ҳаммага маълум айрим ҳақиқатлар" мақоласида у ёзувчи китобхонга етказишни истаган панд-насиҳатлар ҳаётгий материалнинг танланиши ва жойлашишининг ўзида мавжуд бўлади, деб таъкидлайди. Романнавис учун муҳими "одамларни ва улар билан рўй бераётган воқеаларни чин виждон билан шундай тасвирлаши лозимки, уларнинг ўзи табиий саъй-ҳаракатларидан келиб чиқадиган хулосалардан ибратли йўл-йўриқ олсинлар", дейди у.

Голсуорси энг хилма-хил шаклларга мурожаат қилишни романнавис-

⁴ Бу уринда Голсуорси Роденнинг иборасини ишлатади.

⁵ Голсуорси Жон. Собр. соч. в 16-ти. т., Т.16, сс.470 - 471.



нинг ихтиёрига қолдиради, негаки "кенг-кўламли дунё доимо янгича шаклларни тақозо этади" ва "шаклга эмас, балки мақсади ва ижодининг қандай ҳолатда, кайфиятда амалга ошаётгани"га қараб ёзувчи "у ёки бу оқимга мансуб деб қаралади". У санъатда тажрибани рад этмайди, бироқ агар "мавзунинг ўзи тажрибани тақазо этсагина" уни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди; санъатда янги йўлларни излаш, унга фақат шундай ҳолда самарали кўринадик, қачонки бу йўллар ҳаётийликдан маҳрум бўлмаса. Голсуорси янгиликдан чўчимасди, у ҳозирги замон инглиз ва америкалик танқидчилар тақдим этишга уринишаётгандек консерватор бўлмаган, бироқ у романнинг бузилишига, унда инсон характерларининг йўқолишига олиб келадиган формализм (шаклбозлик)ни қатъий ва сўзсиз қоралаб чиқди. Голсуорси учун санъатнинг бош йўли реализм эди. "Санъат ва уруш" (1915) мақоласида у реализм билан алоқани узганлар унга ҳамроҳ эмаслигини ошкора баён этди. Ёзувчи санъатда одамларни бирлаштирадиган воситани кўришдан юз ўгирган ижодкорлар позициясидаги заифликни қайд этди. У модернизмга аллақандай ўткинчи ҳодиса деб қаради ва унга абадий тирик ҳамда изчил ривожланиб бораётган ҳаётий ва ҳаққоний санъатни қарама-қарши қўйди. Голсуорси назарида, айнан унда "тараққиётнинг асосий оқими", унинг "табиий суръати" мужассам. Унинг таъкидлашича, ижодкор қанчалик йирик бўлса, санъат ривожининг ана шу бош йўналишига шунчалик яқин туради, реалистик эстетика принциплари билан шунчалик мустаҳкам алоқада бўлади.

Адиб жамики жимжимадорлик, баландпарвозлик, уйдирма ва шов-шувларга қарши чиқади. Унинг учун муҳими, ижодкорнинг савияси, онг-билим даражаси кенг, тасаввури ҳақиқатга йўналган, туйғулари қайноқ бўлишида, шунда унинг санъати қалбларга таъсир кўрсатади ва у "натурализм, мистицизм, кубизм ва ҳоказо измлар"га чалғимайди.

Ўзининг "характер фалсафаси"да Голсуорси шундай ишончга таянади: "инсон ўз табиати тақозоси туфайли неки тирик бўлса, барчаси билан муомалада бўлади ва унинг ўзига таъсирини ҳис этади". Голсуорси назарида инсон - ўз онгида ва онгостида атрофдаги оламнинг турли-туманлигини акс эттирадиган, юксак даражадаги қизиқ ва мураккаб мавжудот. Табиат ва жамият томонидан инсонга кўрсатиладиган таъсирлар беҳисоб даражада кўпки, "ҳар бир одам... онгости тажрибаларига бўғзигача тўлган идишдек, бевосита ўзи қабул қилиб олган ва бировлар орқали ўтган кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва таъмни сезиш таъсирчанлигининг таъсир кўрсатувчи омборхонасидек гавдаланади... Ҳар бир дақиқада, дақиқа ҳам эмас, ҳар бир сонияда, аллақачон омборхонада йиғилиб ётган ва истеъмол учун тайёр турган бизнинг тажрибамизга, яна қандайдир янгилари қўшилади"⁶.

Характер яратишнинг оддий шакли алоҳида шахс ҳаётининг таржимаи ҳолини қайта яратишдан иборат, деб ҳисоблайди Голсуорси. Таржимаи ҳол жанрининг билимни оширишга хизмат қилишдек қимматини тан оларкан, Голсуорси, айни пайтда, ҳужжатлар асосида ҳикоя қилишда "фактлар ўзаги" ижодкор тасаввурини бўғиб қўяди, шунинг учун ҳам муваффақи-

⁶ Голсуорси Жон. Собр. соч. в 16-ти т., Т. 16, с. 458.



ятли чиққан таржимаи ҳол асарлари камчил, дейди.

Унинг роман ва драма жанрларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида характер функцияси нуқтаи назаридан келиб чиқиб айтган фикр-мулоҳазалари қизиқарли. Пьесаларнинг бирламчи асоси сюжет, романнинг энг зарур шарти - характер, деб ҳисоблайди у. Драматург жанр қоидалари ва саҳна талабларини назарда тутиб иш юритмоғи керак, у ўзи яратган ҳар бир персонаж актёр томонидан ўйналиши, актёр унга муайян индивидуал хусусиятлар беришини ёдда тутмоғи лозим. Саҳна ёзувчини кўпроқ умумлашган характерлар яратишга, инсон феъл-атворидаги (Отелло рашки, Макбет хонимнинг кучли иродаси, пул, бойликка бефарқлиги ва ҳоказо) атиги муайян қирраларни бўртириб кўрсатишга ундайди. Агар драматург персонажни ўта ёрқин индивидуал бўёқларда, мисол учун Фальстафга ўхшатиб яратса, бу ҳолда у Голсуорси фикрича, жанр қоидаларини бузади ва роман шакли томон оққан бўлади. Голсуорси Шекспир ҳақида "ҳали роман пайдо бўлмаган даврда буюк романнавис истеъдоди нишонларига" эга бўлган ёзувчи сифатида гапиради.

Голсуорси муайян бадиий меъёрларни ўрнатишдан тийилган. "Ягона қоида йўқ"лиги унинг учун аён ҳақиқат эди. Шу билан бирга у романда ҳаммаси характерга боғлиқ эканига ва характерга бўйсунушига ишонган. Голсуорси назарида, характернинг умрибоқийлиги ундаги мавжуд ҳаёт-бахш учқун ва унга хос "ҳаёт нафаси"да.

Адиб мақолаларини ҳақли тарзда XX аср Англия адабиётида реализм манифестлари, деб атаса бўлади. Голсуорсининг эстетик тизимларидаги характер тушунчаси талқинлари шак-шубҳасиз уларнинг ижодий тамойилларида намоён бўлди, инглиз романи ривожининг турли йўналишларида акс этди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Жантиева Д. Г. Английский роман XX века. 1918- 1939. М., 1965.
2. Karl F. R. The Contemporary English Novel. N.Y., 1962, pp. 4-6.
3. Collins A. S. English Literature of the Twentieth Century. U 1962, p. 193.

РЕЗЮМЕ

Мақолада машҳур инглиз ёзувчиси Жон Голсуорси асарларида характер асар маркази ва унинг харакатлантирувчи кучи сифатида ифодаланишини ёритилган. Ёзувчи ўқувчига самарали таъсир кўрсатиш йўлини ҳаётни тасвирлаш усулларида, характер чизиш тамойилларида кўради.

РЕЗЮМЕ

Данная статья освещает изображение характера как центр работы и его движущий сила в работах знаменитого английского писателя Жона Голсуорси. Писатель увидел методы на влияние на читателя в путях выражение жизни и в принципах описание характера.

RESUME

This article illustrates expressing of character as a centre of the work and as a moving power of it in the works of great English writer , John Galsworthy. Galsworthy saw the way of effective influencing the readers in methods of describing life ways and principles of drawing characters.



О‘ЗБЕКISTON XALQ TA‘LIMI TIZIMIDA HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI OLISH TADBIRLARI VA NATIJALARI (*Qashqadaryo viloyati misolida*)

Нигора ШАРОПОВА,
ҚарМШИИ тадқиқотчиси

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон, Қашқадарё, халқ таълими, вазирлик, мактаб, ўқувчи, маънавий, тарбия, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, прокуратура, ички ишлар.

Ўзбекистонда кейинги йилларда таълим соҳасининг барча босқичлари-ни замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2017 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-3304-сонли қарори эълон қилиниб, унда таъкидланишича, вазирлик халқ таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Умумтаълим мактаблари ёшларда билим, дунёқараш ва маънавий асосларини шакллантирувчи асосий маскан ҳисобланади. 2018 йил Ўзбекистонда 9,7 минг мактабда 5,2 млн. нафар ўқувчи таълим олиб, уларга 450 минг нафардан зиёд ўқитувчилар таълим-тарбия беради. Бугунги кунда бу рақамлар анча ошиб кетганлигини кўриш мумкин.

Умумтаълим соҳасининг муҳим вазифаларидан бири ёшлар маънавий қиёфасини шакллантириш. Ўзбекистонда бу борада умумтаълим мактабларида анча самарали чора-тадбирлар олиб борилди. Айниқса, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларга қарши кураш тадбирлари доимий амалга ошириб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги 360-сонли қарорида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда фаол фуқаролик позициясига эга, мафкуравий иммунитетни шаклланган, маънавий жасоратга қодир бўлган ёшларни тарбиялаш мақсадида жойларда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, прокуратура, ички ишлар ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Ўсиб келаётган авлодни ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, соғлом турмуш тарзини кечириши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириш, вояга ет-

маганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида махсус Дастурлар амалга оширилди. Бу каби тадбирлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳам изчил олиб борилди.

Жумладан, Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорликда "Қашқадарё вилоятидаги таълим муассасалари раҳбарлари ва мутасадди идора ходимлари учун "Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар" мавзусида семинар машғулотлари дастури ишлаб чиқилди ва мазкур дастур асосида семинар машғулотлари ўтказилди.

2009 йил 12 май куни Қарши шаҳридаги вилоят "Ёшлар маркази"да вилоят халқ таълими, ички ишлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган ўқув семинари ўтказилди.

Аммо амалга оширилган тадбирларга қарамасдан вилоят умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари томонидан 2008 йилнинг 1 ярмига қадар 8 та жиноят содир этилган бўлса, 2009 йилнинг 1 ярмига қадар ҳам жиноятлар сони 8 тани ташкил этди. Шунингдек, 2008 йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари томонидан 10 та жиноят содир этилган бўлса, 2009 йилнинг 6 ойи давомида мазкур жиноятлар сони 9 тани ташкил этиб, 1 тага камайди⁵, холос.

Мактаб ўқитувчилари содир этган жиноятлар ичида номуста тегиш, қасддан одамга жароҳат етказиш, босқинчилик, ўғирлик, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланиш ва экстремистик гуруҳларга аралашиб қолиш ҳолатлари учради⁶. Шунингдек, шаҳарлар баъзи мактабларида тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасида айрим вояга етмаган ўқувчилар ўзбошимчалик билан ўз уйлари ва ўқиш жойларини ташлаб кетиши ҳолатлари кўплаб учраб турди.

Вилоят ёшлари ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳар хил диний оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш бўйича 2014 йил давомида ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида 2920 мартаба давра суҳбатлари, учрашувлар ва жонли мулоқотлар ўтказилди. 2015 йилнинг 9 ойи давомида вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасалари ўқувчи ва ўқитувчилари томонидан 15 та жиноят содир этилган.

Жиноятлар сони 2014 йилда (Чироқчи туманида 4 та, Қарши, Деҳқонобод ва Миришкор туманларида 2 тадан, Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Касби, Ғузор ва Косон туманларида 1 тадан жиноятлар содир этилган) 2014 йилнинг 9 ойига (2014 йилнинг 9 ойида 31 та жиноят содир этилган) нисбатан 16 та кам жиноят содир этилган бўлса-да, Қарши туманида 2 тага, Ғузор ва Миришкор туманларида 1 тага кўпайди. Жиноятларнинг 11 таси VIII синф



ва 4 таси IX синф ўқувчилари томонидан содир этилиб, 15 та жиноятдан 11 тасини ўзгалар мулкани ўғирлаш, иккитасини оғир тан жароҳати етказиш, иккитасини номусга тегиш жиноятлари ташкил этди.

Халқ таълим муассасаларида раҳбар ходимларнинг ҳуқуқбузарликлари олдини олиш тадбирлари ҳам кўрилди. Қарши шаҳридаги 17-кар болалар махсус мактаб-интернатидаги таълим-тарбия ва тарбияланувчиларга яратилаётган шарт-шароитлар Қарши шаҳар прокуратураси томонидан 2008 йил декабрь ва 2009 йил январь-февраль ойларида ўрганиб чиқилиб, текшириш мобайнида қатор хато ва камчиликлар аниқланган. Жумладан, рақамсиз чиқим касса ордери билан чойшаб материаллари, эшитиш аппаратлари учун кабель, устахона учун меҳнат қуроли олиш учун деб махсус интернат кассасидан 1.175.500 сўм нақд пул олиб, товар-моддий бойликлари сотиб олинганлиги ҳақида ҳужжат тузилган.

Шунингдек, Қамаш тумани қурилиш таъмирлаш очиқ ҳиссадорлик жамияти, Қарши шаҳридаги "Тонг нури" хусусий фирмаси, Қарши шаҳар "Алоқа" қурилиш ва таъмирлаш кичик корхонаси ва "Олтин бошоқ" хусусий кичик корхоналари билан таъмирлаш ишларини олиб бориш тўғрисида шартнома имзолаб, махсус мактаб-интернати ҳисобидан 110 млн сўм маблағни уларнинг ҳисоб рақамига кўчириб берилганлиги аниқланди. 17-кар болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларига мунтазам равишда озиқ-овқат маҳсулотлари кам берилиб келинган. Биргина 2007 йилда белгиланган меъёрдан 24.427.791 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари кам берилган. Китоб туманидаги 5-меҳрибонлик уйида бу борадаги ишлар 2008-2009-ўқув йилида атрофлича ўрганиб чиқилган. 5-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари 2008 йилда тиббий кўрикдан ўтказилганда 9 нафарда томоқ-бурун, 7 нафарда неврологик, 8 нафарда кўз, 4 нафарда эндокрин, 3 нафарда жарроҳлик, 3 нафарда гинекологик, 7 нафарда камқонлик касалликлари аниқланган.

2015 йилнинг 9 ойи давомида умумтаълим мактабларининг 660 нафар ўқувчилари ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун ИИБларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш хизмат хоналарига келтирилган (Қарши шаҳрида 94 та, Қамаш ва Китоб туманларида 31 тадан, Шаҳрисабз туманида 82 та, Яккабоғ туманида 35 та, Касби туманида 86 та, Нишон туманида 62 та, Қарши ва Косон туманларида 46 тадан, Деҳқонобод туманида 21 та, Чироқчи туманида 56 та, Ғузор ва Муборак туманларида 25 тадан, Миришкор туманида 20 та). Бу кўрсаткич 2014 йилнинг 9 ойига нисбатан (2013 йилда 551 нафарни ташкил этган) 109 нафарга кўпайган. 2015 йилнинг 9 ойида 2014 йилнинг 9 ойига нисбатан Қарши туманида 14 тага, Яккабоғ туманида 4 тага, Шаҳрисабз туманида 17 тага, Косон туманида 14 тага, Касби туманида 32 тага, Миришкор туманида 15 тага, Ғузор туманида 20 тага, Муборак туманида 3 тага, Китоб туманида 3 тага ва Чироқчи туманида 27 тага ошган.

Шунингдек, 2015 йилнинг 9 ойида 11 нафар мактаб ўқувчилари ҳар хил



сабабларга кўра ўз жонига қасд қилган. Шулардан 4 нафарини қиз болалар ташкил этиб, 7 нафари вафот этган, 4 нафарининг эса ҳаёти сақлаб қолинган. Буларнинг бир нафари III синф, бир нафари IV синф, бир нафари VII синф, уч нафари VIII синф ва беш нафари IX синф ўқувчилари эди. Мазкур ҳолатлар Қарши шаҳрида 4 тани, Китоб туманида 5 тани, Қамашини ва Нишон туманларида 1 тани ташкил этди.

Бундан ташқари 2015 йилнинг 9 ойида 3 нафар вояга етмаган қизлар томонидан туғруқ ҳолатлари қайд этилган. Юқорида қайд этилган эрта туғруқ ҳолатлари Қарши туманидаги 10-ва 61-ҳамда Нишон туманидаги 20-умумтаълим мактаб ўқувчилари томонидан содир этилди.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг 2017 йил 23 мартдаги Халқ таълими тизимида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги 58-буйруғи ҳамда 2017 йил 31 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 63-буйруғи қабул қилинди.

2017 йилнинг ўтган 6 ойи давомида мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (11 тадан 9 тага) 2 тага камайган бўлсада, лекин айрим туманларда юқориликча қолди. Хусусан, Яккабоғ туманида 1 та, Қарши ва Қамашини туманларида 2 тага кўпайган.

Демакки, ўқувчилар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларининг аксарияти дарслардан кейинги ёки кечки пайтларга тўғри келганини ва улар асосан нотинч оилалар фарзандлари томонидан содир этилганлиги аниқланди. Мактаб ўқувчилари томонидан жинояти содир этилишига асосан ота ёки онанинг хорижга меҳнат муҳожирлигига чиқиб кетиши ва фарзандларининг назоратсиз қолиши, оилавий келишмовчилик ва ажралишлар, айрим ота-оналарнинг ичкиликка ружу қўйганлиги туфайли фарзандлар тарбиясига эътиборсизлик, мактаб ўқувчиларининг айрим катта ёшдаги ҳуқуқбузарлар таъсири доирасига тушиб қолиши, баъзи мактабларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйилмаганлиги, профилактик назоратга олинган ўқувчилар билан кам якка тартибда (индивидуал) шуғулланишда айрим ҳолларда масъулларнинг тўлиқ шуғулланмаслиги каби омиллар сабаб бўлди.

Хуллас, Ўзбекистон, жумладан, Қашқадарё вилояти умумтаълим тизими ўқувчилар маънавиятини шакллантириш учун улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг оидини олиш бўйича мутасадди ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида тадбирлар олиб борилди. Аммо бу йўналишда ечимини кутаётган муаммолар сақланиб қолган эди.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тадбирлари Қашқадарё вилоятида умумтаълим мактаблари мисолида таҳлил этилиб, туманлар бўйича



ёшлар ўртасида жиноятчилик кўрсаткичларининг ортиб бориши ва унинг сабаблари очиб берилди.

РЕЗЮМЕ

В этой статье анализируются на примере общеобразовательные школы Кашкадарьинского области меры предупреждение правонарушение среди несовершеннолетних, раскрытый причин преступление среди молодёж и его показатель увеличение по районам.

RESUME

This article analyzes cases of juvenile delinquency in Uzbekistan over the years of independence in the case of public schools in the Kashkadarya region and explains the causes and causes of increased youth crime rates across the district.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. "Халқ сўзи", 2017 йил 1 октябрь.
2. Ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш ўқувчи камолотининг бош омилидир / "Халқ сўзи", 2018 йил 18 июль.
3. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви материаллари.
4. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви материаллари. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ўқувчилар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотнома.
5. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви материаллари. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги таълим муассасаларида 2015 йилнинг 9 оyi мобайнида амалга оширилган тадбирлари ҳақидаги маълумотнома.





O‘ZBEKISTONDA QORAKO‘LCHILIK HOLATI (XX asr 20-30 YILLARI)

Бекзод АҲМЕДОВ,

ҚарМШИ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўз ва иборалар: қоракўлчилик, қўй отарлари, колхоз, селхоз, завод, трест, Комиссарлар Совети, экспорт, терини ошлаш, аукцион.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан бири бу қоракўлчилик соҳаси бўлиб, ушбу соҳага эътибор ҳар доим юқори бўлиб келган.

Ўзбекистон ССР ташкил топгач, иқтисодий соҳада Марказнинг манфаатлари янада кучлироқ устунлик қила бошлади. Республика асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги туфайли мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар гирдобига қолди. Ўз ўрнида бу жараёнлар чорвачилик ва унинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган қоракўлчилик соҳасини ҳам четлаб ўтмади. 1924-1925 йилларда Ўзбекистонда қоракўл қўйларининг сони 600-700 минггага тушиб қолган эди. Қоракўл тери ишлаб чиқариш ва маҳсулот экспорти кескин камайди¹.

Ўзбекистонда қоракўлчилик хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари олиб борилди. Шу мақсадда 1932 йили қоракўлчилик совхозларига 250 та трактор, 250 та грабель, 50 та комбайн ажратилди². Аммо бу соҳага давлат томонидан режада белгиланган маблағлар ҳар доим ҳам тўла ўзлаштирилмади. Масалан, жорий йилнинг биринчи кварталда "Ўзбеккаракуль" акционерлик жамиятига 2991000 рубль ажратилиши белгиланиб, амалда 1458000 рубль ўзлаштирилди³.

1932 йил апрелда ЎзССР ХКСнинг Бухоро терини ошлаш заводини қуриш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Завод ноқулай жойда, хусусан, ботқоқлик ва шўрхок ерда жойлашганлиги, сув танқислиги туфайли сифатли тери тайёрлашга маъқул эмас, деб топилди. Механизациялашган завод қурилиши учун Эски Бухоронинг Тошкўприк деган жой маъқул топилиб, бу маскан ўзининг табиий шароити ва бошқа жиҳатлари билан терини ошлаш заводи учун қулай эди⁴.

Қоракўл экспортини яхшилаш тадбирлари доимий равишда олиб борилди. Бунда халқаро аукционларнинг ўрни катта бўлди. СССРда мўйна маҳсулотлари бўйича биринчи халқаро аукцион 1931 йили мартда Ле-

¹ Всесоюзный научно-исследовательский институт каракулеводства. - Москва, 1975. - С. 8-10.

² Ўзбекистон МДА, Р-9-фонд, 1-руйхат, 2026- иш, 194-варақ.

³ Ўзбекистон МДА, Р-837-фонд, 11-руйхат, 858-иш, 17-18-варақлар.

⁴ Ўзбекистон МДА, Р-837-фонд, 11-руйхат, 858-иш, 17-18-варақлар.



нинград шаҳрида ташкил этилди. Аукционда 11 та давлатдан 78 та фирма вакиллари иштирок этди. Аукционда 20 060 дона қора қоракўл тери, 2710 дона кул ранг қоракўл тери, 1556 дона қоракўлча териси сотувга қўйилади⁵.

Туманларда экспорт кенгаши тузилиб, уларнинг таркибига турли соҳа мутахассислари киритилди. Масалан, 1930 йили Каттақўрғонда қоракўл териси экспорт кенгаши тузилди. 1931 йил 23 ноябрда Когон шаҳар кенгаши қошида ҳам экспорт кенгаши тузилиб, унинг аъзолари сони 10 кишидан иборат бўлди. Кенгаш таркибига шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, режа ва ер ишлари бўлими, давлат банки, шаҳар молия бўлими ходимлари киритилди. 1932 йили кенгаш 10 маротаба йиғилиш ўтказди. Ҳар бир йиғилишда биринчи масала қоракўл тайёрлаш ишини яхшилаш тўғрисида бўлди⁶.

1932 йил 30 апрелда ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети Файзулла Хўжаев раислигида йиғилиш ўтказиб, унда "Ўзбеккаракуль" акционерлик жамиятини оддий "Ўзбеккаракуль" ширкатига айлантириш ҳақидаги" қарори қабул қилинди⁷. Аммо архив ҳужжатларида ташкилот "Ўзбеккаракуль" акционерлик жамияти сифатида фаолиятини давом эттирганлиги, фақат номи "Қоракўлчилик" аралаш акционерлик жамияти деб номланиб, 1933 йили унинг Низоми ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумотлар берилган⁸. Низомда жамият таъсисчилари сифатида Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссарлиги, "Ўзбекгосторг", "Ўзбекживотноводсоюз" эканлиги қайд этилиб, ҳужжатда қоракўлчилик хўжалигига қарашли ерлардан фойдаланиш, қоракўл қўйлари зотини яхшилаш учун хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қоракўл етиштирувчи жамоалар ва деҳқонларнинг зоотехника ҳамда ветеринария соҳасидаги билимларини кенгайтириш, жамиятга қарашли хўжаликлар ҳудудида қоракўл териларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш, қоракўл териларни техник қайта ишлайдиган корхоналар ташкил этиш ва маҳсулотларни сотишни йўлга қўйиш, қонун доирасида шартнома ва далолатномалар тузиш, жамиятнинг бошқармаси Самарқанд шаҳрида жойлашиши қайд этилади⁹.

Қоракўлчилик хўжаликларида ветеринария соҳасидаги ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги сабабли қўйларнинг кўпчилиги турли касалликлардан қирилиб кетди. 1928-1932 йилларда қўйларнинг отарида брадзот касаллигидан кўп жониворлар нобуд бўлди. Масалан, 1932 йили "Муборак" совхозида брадзот касаллигидан қоракўл қўйларнинг 7000 таси, сибир куйдиргисидан 1000 тадан ортиги нобуд бўлди. "Нишон" совхозида брадзот касаллигидан 1513 бош қўйлар қирилиб кетди. Бундан ташқари қўйлар ёввойи ҳайвонларнинг ҳужуми ва заҳарли ўт туфайли ҳам кўплаб талофат кўрди. Масалан, "Нурота", "Конимех" ва "Зирабулоқ" совхозлари қўйларига тез-тез йиртқичлар ҳужум қилганлиги, "Улус" совхозида 2 ҳафта

⁵ Каракуль Ўзбекистана. - С.207.

⁶ Ўзбекистон МДА, Р-837-фонд, 11-руйхат, 858-иш, 17-18-варақлар.

⁷ Ўзбекистон МДА, Р-837-фонд, 11-руйхат, 858-иш, 7-10-варақлар.

⁸ Ўзбекистон МДА, Р-837-фонд, 11-руйхат, 858-иш, 23-34-варақлар.

⁹ Ўзбекистон МДА, Р-837-фонд, 11-руйхат, 858-иш, 22-59-варақлар.



давомида 300 дан зиёд қўйлар заҳарли ўт еб нобуд бўлганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган¹⁰. 1928 йил 17 февралда Қашқадарё округ савдо бўлими воҳада етиштириладиган қоракўл териларни Бухорога юбориш эмас, ўзларида қайта ишлаш ва сотиш таклифи билан чиқади. Аммо Беҳбудий (ҳозирги Қарши) шаҳрида бунинг учун мутахассислар йўқлиги, қолаверса, шаҳарда доимий равишда сув танқислиги терини қайта ишлаш иши сифатига тўсқинлик қилиши инobatга олиниб, рад жавоби берилди¹¹.

1928 йил 21 мартда Бухоро округи ижроия комитетининг қоракўл бозорини тартибга солиш ва экспорт режасини бажарилишини таъминлаш мақсадида қоракўл тўплаш, тайёрлаш ва сотиш ҳақидаги қарори қабул қилиниб, унда "Ўзбекгосторг" ва "Ўзбексельсоюз" каби ташкилотлар бу ишлар билан шуғулланиши белгиланди ва бошқа ташкилот, фирма ва хусусий шахсларнинг қоракўл савдоси билан шуғулланиши таъқиқланиб, бозорда эмас, балки муайян жойлардагина бунга рухсат берилди¹².

1928 йил 30 мартда совет ҳукуматининг Германиядаги савдо вакили қоракўл эспортига доир Ўзбекистон ҳукуматига хат юборади. Унда таъкидланишича, Германиянинг Лейпциг аукционида Бухорода ошланган қоракўл терилари сифати юқори даражада бўлган. Бухоро терилари Афғонистон қоракўл товарларидан ҳам юқори баҳоланган. Бухорода тайёрланган териларнинг куйиш даражаси бор-йўғи 1 фоизни ташкил этди. Аммо Самарқандда тайёрланган қоракўл терилари сифати пастлиги, тузлашда ўтказиб юборилиши натижасида териларнинг куйиши кучли даражада бўлганлиги туфайли уларнинг харидорлиги паст бўлган. Лейпциг аукциони экспертлари уларни куйиши 30 фоизгача эканлигини қайд этади. Аммо бу жуда ошириб кўрсатилган бўлиб, аслида териларнинг куйиш даражаси 10-15 фоизни ташкил этади. Шу боис "Ўзбекгосторг" имкон қадар қоракўл териларни сифатли тайёрлашни талаб қилди. Аукционда унинг сифатини текширишларининг имкони мавжуд эмаслиги туфайли хорижий фирмалар дастлаб улардан кам миқдорда олиб, ишлатиб кўришни сўрайди. "Ўзбекгосторг" агар улар сифатсиз чиқса, хорижлик харидорларнинг ишончи йўқолишидан чўчиди. Чунки Лейпциг аукциони раиси Ўзбекистон қоракўл терилари сифатига нисбатан ошкора ўз ишончсизлигини билдиради¹³.

Ушбу ҳолат туфайли "Ўзбекгосторг" ва "Ўзбексельсоюз" ўртасида келишмовчилик келиб чиқди. "Ўзбексельсоюз" Самарқандда тайёрланган териларнинг фақат 20 фоизда куйиш бўлганлигини қайд этса, "Ўзбекгосторг" терлардан 50 фоизи сифатсиз тайёрланганлигини таъкидлаб, Ўзбекистон бўйича қоракўл териларни тайёрлашни Бухоро зиммасига юклашни талаб қилади.¹⁴

Совет давлати қоракўл териларни хорижга имкон қадар кўпроқ экспорт

¹⁰ Ўзбекистон МДА, Р-95-фонд, 2-руйхат, 2000-иш, 16-17-варақлар.

¹¹ Ўзбекистон МДА, Р-91-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 26-варақ.

¹² Ўзбекистон МДА, Р-91-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 195-220-варақлар.

¹³ Ўзбекистон МДА, Р-91-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 308-309-варақлар.

¹⁴ Ўзбекистон МДА, Р-91-фонд, 2-руйхат, 160-иш, 308-319-варақлар.



қилиш мақсадида қорақўл қўйларни кўпайтириш тадбирларини кўради. Натижада 1929 йилда келиб Ўзбекистонда қорақўл қўйлари сони урушдан олдинги ҳолатга келди¹⁵.

Қорақўлчилик совхозлари дастлабки "Овцевод" акционерлик жамияти таркибига кирди. 1930 йилдан қорақўлчилик совхозлари ихтисослаштирилган трестларга бириктирилди ва шу йилнинг 13 августида "Қорақўл" акционерлик жамиятини тузиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг қарори эълон қилинди¹⁶. Жамиятнинг дастлабки капитали 10 150 000 рубль миқдорига белгиланиб, Хисметов унинг раиси сифатида тасдиқланди¹⁷. Шунингдек, А.Ф.Нежельский раҳбарлигида Москвада "Союзкаракулевод" тизими шакллантирилди. Натижада қорақўлчиликка ихтисослаштирилган совхоз ва колхозларнинг техника таъминоти, ем-хашак билан таъминланиши анча яхшиланди.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср 20-30 йилларида бу соҳага эътибор кучайтирилиб, соҳани ривожлантириш учун барча чора-тадбирлар олиб борилди. Ўзбекистон жаҳонда қорақўл етиштириш бўйича энг етакчи ҳудудлардан бири ҳисобланиб, дунёнинг турли мамлакатларига бу соҳанинг йўлга қўйилишида муҳим роль ўйнади.

РЕЗЮМЕ


Ушбу мақолада совет даврида қорақўлчилик соҳасини ривожлантиришда олиб борилган чора-тадбирлар, республика ҳудудларида етиштирилган қорақўл қўйлар, соҳанинг моддий-техник базасини яхшиланиши, халқаро аукционларда ўзбек қорақўли довруғи тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье обобщены сведения о мерах, проводимых в сфере развития каракулеводческой отрасли в советский период, разводимых овцах в регионах республики, укрепление материально-технической базы отрасли, месте узбекского каракуля на мировых аукционах

RESUME

The article summarizes information on karakul sheep industry during the Soviet period, sheep stock breeding in the Republic, enrichment of the logistics of the sector, and Uzbek karakul at international auctions.



¹⁵ Васин Б.Н. и др. Руководство по каракулеводству. С. 6-7.

¹⁶ Ўзбекистон МДА, Р-837-фонд, 8-руйхат, 63-иш, 50-варақ.

¹⁷ Ўзбекистон МДА, Р-837-фонд, 8-руйхат, 33-иш, 42-варақлар.



KITOBLAR OLANIDA

QASHQADARYO

VOHASI SHAHARLARI TARIXIGA

BAG'ISHLAGAN SALMOQLI MONOGRAFIYA

(А.РАИМҚУЛОВ. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИНИНГ ЎРТА АСР
ШАҲАРЛАРИ. - ҚАРШИ, "НАСАФ", 2018.- 204 б.)

Очил БЎРИЕВ,

Қарши ДУ профессори

Нилуфар РАЖАБОВА,

"Жаҳон тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

"2700 йилдан зиёд тарихга, қадимий маданият ва цивилизация дурдоналарига эга бўлган Қашқадарё замини бизга Яратганнинг марҳамати билан ато этилган бебаҳо ва буюк заминдир. Бу воҳада қадимдан Нахшаб, Насаф, Кеш деган буюк шаҳарлар бўлгани, шундай таҳамуслар билан диний ва дунёвий илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган азиз алломаларимиз, авлиёларимиз ҳақида соатлаб гапиришимиз мумкин".¹

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ҳар қандай халқнинг ёки миллатнинг тарихдаги, шу билан бирга, ўзи мансуб бўлган жамият тарихидаги ва шу халқ яшаб келган географик ҳудуддаги ўрнини ҳаққоний белгилаб берадиган мезон тарихий ҳақиқатдир. Бу мезон ўша халқнинг қадимий тарихи, моддий, номоддий маданияти, тили, ёзуви, адабиёти, ижоди, қўшни халқлар билан алоқалари ва бошқа хусусиятларини унинг авлодлари томонидан адолатли ўрганилиши ва ҳаққоний таърифланишидир.

Ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудларини ўз ичига олган ўрта асрларда Жанубий Суғд ўлкаси деб аталган воҳа нафақат Ўзбекистоннинг, балки Ўрта Осиёнинг йирик ва муҳим тарихий-географик минтақаларидан бири саналади.

Қадимий аждодларимизнинг дастлаб дарёлар ва сойлар бўйларида пайдо бўлган илк манзилгоҳлари неолит ва бронза даврларига оид бўлиб, бундай манзилгоҳлар академик Я. Гуломов бошчилигидаги археологик экспедиция томонидан Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги ҳудудларда ўрганилган. Бу даврга оид қишлоқлар қолдиқларининг топилмаганлигига сабаб, неолит ва илк бронза даврларида ўша замон одамлари ёғочдан лой аралаштирилиб қурилган чайлаларда истиқомат қилишган.


Жанубий Суғд ҳудудидаги бронза ва илк темир даврига оид манзилгоҳлар (қишлоқлар) қолдиқлари С.К. Кабанов томонидан Чимқўрғон сув омбори ҳудудида, Чироқчитепа ёдгорлигида, А.С. Сағдуллаев бошчилигида Яккабоғ туманига қарашли Қайрағоч қишлоғи атрофидаги Даратепада,

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент, 2017. Б. 308-309.



А.Раимқулов томонидан шу туман ҳудудидаги, Қизилдарёнинг чап ирмоғи бўлган Тирнасойнинг ўнг соҳили яқинида, Ўрта қишлоғидаги Тўрткўлтөпа ёдгорлигида ўрганилган.

Дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши Жанубий Суғд ҳудудида илк темир даврига бориб тақалади. Мазкур даврда Қашқадарёнинг қуйи оқимида Ерқўрғон ёдгорлигида ҳамда юқори оқимидаги Подаётоқ ва Узунқир ёдгорликларида Жанубий Суғднинг энг дастлабки шаҳарлари пайдо бўлган ва воҳада илк бора шаҳарсозлик маданияти шаклланиган. Шаҳарсозликнинг кейинги ривожини бевосита антик даврда давом этган. Милоддан аввалги II-I асрларда Қарши воҳасида антик даврнинг энг йирик шаҳарларидан бири Қалъайи Заҳҳоқи Морон бунёд этилган. Мутахассисларнинг фикрларига кўра, у юечжи қабилаларининг жанубга оммавий силжиши даврида бунёд этилган.



Милодий III-IV асрлар, яъни сўнгги антик ва илк ўрта асрларнинг бошланиши бутун Марказий Осиё тарихида йирик ўзгаришлар даври бўлган. Мана шу пайтда Марказий Осиёнинг катта қисмида бир неча ўн йиллар давом этган даҳшатли қурғоқчилик кўплаб халқлар ва қабилаларнинг ўзларининг азалий ватанларини ташлаб бошқа ҳудудлардан паноҳ излашларига ҳамда узоқ юртларга кўчиб кетишларига сабаб бўлган. Бу даврда улкан хунн қабилаларининг Ғарбга оммавий миграция тарзидаги юришлари бошланган.

Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзасида азалдан яшаб келган катта миқдордаги ўтроқ халқлар хуннлар сиқуви туфайли оммавий равишда Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларининг сувли ҳудудларига кўчиб кетишган. Шу воқелик деярли бутун Суғднинг демографик қиёфасининг кескин ўзгаришига олиб келган ва бу ўлкада Қашқадарёнинг суви етиб бориши мумкин бўлган ҳудудларда ўнлаб янги шаҳарлар ва бир неча юзлаб кучли мудофаланган қишлоқлар, катта-кичик қалъалар, кўшклар пайдо бўлган. Юзлаб катта-кичик аҳоли манзилларининг шаклланиши бу даврда сунъий суғориш тизимларининг кескин кенгайганлигини тасдиқлайди.

Ушбу даврда Жанубий Суғд ҳудудида мавжуд бўлган шаҳарларда ҳам улкан қурилишлар амалга ошган. Қарши воҳасининг марказий шаҳри бўлган Ерқўрғонда шаҳар қурилишининг янги юксалиш даври бошланган. Шаҳар марказида зардуштийлик ибодатхонасининг улғувор биноси барпо этилган, ҳоким саройи қурилган, ички ва ташқи мудофаа деворлари тубдан таъмирланган, кулоллар ва темирчилар маҳаллалари кенгайган. Бу даврда Нахшаб Марказий Осиёнинг энг йирик ва гуллаб яшнаган шаҳрига айланган. Икки қатор маҳобатли деворлар ичидаги шаҳарнинг монументал ижтимоий ва диний иншоотлари нафақат пойтахтнинг, шу билан бирга, Қарши воҳасининг маъмурий, диний ва мудофаа марказлари сифатида роль ўйнаган.

Илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиё ҳудудлари кетма-кет хионийлар,



KITOBLAR OLAMIDA

кидарийлар, эфталийлар каби кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар томонидан истило қилинган бўлсада, улар бу ўлканинг асрлар давомида юқори даражада бўлган маданиятига сезиларли таъсир кўрсата олмасдан, аксинча, ўзлари бу маданиятни қабул қилган.

Жанубий Суғда шаҳарсозликнинг бу тараққиёти милоднинг 562-564 йилларида Турк ҳоқонлиги ва Сосонийлар давлати иттифоқининг эфталийларга қарши олиб борган кураши ва эфталийлар давлатининг тарих саҳнасидан кетиши жараёнида таназулга учраган. Бу урушнинг ҳал қилувчи жанги айнан Нахшаб атрофларида бўлгани сабабли, уруш натижасида Жанубий Суғднинг деярли барча шаҳарлари ва юзлаб қишлоқлари вайрон этилган. Бу воқелик Жанубий Суғд ҳудудида ҳамда Ерқўрғон, Шулуқтапа ва Ғузур туманидаги Ялпоқтапа каби ёдгорликларда олиб борилган археологик қазишмаларда яққол кўзга ташланди.

Маълумки, Зарафшон воҳасидаги шаҳарлар бу урушнинг комига тортилмаган ва вайрон этилмаган. Бу пайтда Самарқанд ва Бухоро воҳаларида фаолият кўрсатган майда суғдий давлатлар ҳокимлари қудратли Турк ҳоқонларига тобелик билдириб, ўз шаҳарлари ва қишлоқларини вайрон этилишидан омон сақлаб қола олишган. Шунинг учун урушдан кейин араблар истилосигача давом этган даврда Суғдаги Самарқанд (Афросиёб), Панжикент, Пойкент, Варахша, Ривдад (Кофирқалъа) каби йирик шаҳарларнинг юксак даражада ривожланиши кўзга ташланади. Шу улкан вайронгарчилик туфайли Жанубий Суғд шаҳарсозлик маданиятининг кейинги ривожини маълум муддат Зарафшон воҳаси шаҳарсозлик маданиятидан сезиларли даражада орқада қола бошлаган.

Бу уруш оқибатлари охиригача тугатилмасдан, шаҳарсозлик маданиятининг кейинги ривожини энди йўлга қўйила бошланганда, бу ўлка бошида яна бир хавф туғилган. Нахшаб ислом дини байроғи остида келган араб истилочиларининг илк ҳужумларига дучор бўлган. Араблар истибдодининг энг фаоллашган даврида Жанубий Суғднинг бир қатор шаҳарлари Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило этилишига қарши кўтарилган улкан халқ ҳаракати - "Оқ кийимлилар қўзғолони"нинг марказига айланган. Лекин бу улкан халқ ҳаракати ҳам учраган. Оқибатда Қашқадарё воҳасида ўндан ортиқ йирик шаҳарлар ва юзлаб қишлоқлар яна бир боравайрон бўлган.

Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши ва ўлкада ислом дини тўла жорий этилгандан сўнг Қашқадарё воҳаси шаҳарсозлиги ва қишлоқлар меъморлиги тубдан ўзгара бошлаган. Илк ўрта асрларда асос солинган кўплаб йирик қалъалар ва қишлоқлар кенгайиб шаҳарларга айлана бордилар, шаҳарларда икки тизимли (арк, шаҳристон) шаҳар сақланиб қолса-да, илк ўрта асрлар даври қишлоқлари аҳолисининг асосий турар жойи бўлган икки погонали, кўшкли ва қасрли қишлоқ-қўрғонлар, катта-кичик қалъалар қурилишидан, шаҳарларда эса янгидан арklar бунёд этилишидан воз кечила бошланган. Шаҳарларда арklar ўрнига ҳарбий ва давлат бошқарувининг маркази сифатида йирик, ҳашаматли шарқона саройлар бунёд этилган.

Айнан мана шу даврдан бошлаб, тахминан икки ярим асрлик танаффуздан кейингина Қашқадарё воҳасида шаҳарсозлик юксалиш палласига кирган. Араб халифалари томонидан ҳокимиятга тортилган маҳаллий То-



ҳирийлар сулоласи даврида, қисман Сомонийлар даврида эса тўла маҳаллий бошқарув тизими яратилган. Бу маҳаллий сулоалар томонидан ташкил этилган марказлашган йирик мустақил давлат фаолиятида шаҳарсозликда, қишлоқлар қурилишида, ҳунармандчиликда, халқаро ва ички савдосотиқ ишларида, илм-фан, маърифат ва маданият соҳаларида юксак ўзгаришлар рўй берган. Айнан мана шу пайтда илм-фан ва маданиятнинг оламшумул тараққиётига – ўрта асрлар Ренессансига тамал тоши қўйилган.

Бу даврда илм-фаннинг оламшумул тараққиёти ўз навбатида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, савдо муносабатлари, меъморлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа барча соҳаларининг чексиз тараққиётини таъминлаб берган. Шаҳарлар кенгайиб, катта ҳудудларни эгаллаган бўлса-да, маълум вақтдан кейин ҳатто бу ҳудудлар ҳам аҳолини, ишлаб чиқариш корхоналарини сиғдира олмай қолган ва натижада шаҳарлар атрофларида работлар шакллана бошланган. Жанубий Суғднинг Насаф, Кеш, Касби, Паздава каби шаҳарлари 250-350 гектарлик улкан майдонларни эгаллаган. Битта шаҳарнинг ўзида ўндан ортиқ йирик маҳаллалар пайдо бўлган.

Ўрта асрларда "Ўрта Осиёда шаҳарлар каби йирик қишлоқларнинг" ҳам катта-кичик маҳаллалар (гузарлар) га бўлиниши каби жиҳатлар билан шаҳар ва қишлоқни бир-биридан ажратиш қадимдан то бугунгача муаммо бўлиб келмоқда, Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрга илк бор ташриф буюрган араб сайёҳлари дастлаб шаҳар ва қишлоқларни уларда жомеъ масжидларининг мавжудлигига қараб ажратишган. Мана шу даврда Насафга ташриф буюрган Ибн Хавқал воҳа маркази ва жомеъ масжидига эга бўлган Насафни шаҳар, аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатидан ҳам ундан анча катта ҳамда жомеъ масжидларига ҳам эга бўлган аҳоли манзиллари бўлмиш Касби ва Пазда (Паздава)ни қишлоқ сифатида таърифлашган. Бу мезон амалда узоқ йиллар давом этмаган, чунки Мовароуннаҳрнинг кўплаб йирик қишлоқларида шаҳарлардаги каби оммавий равишда жомеъ масжидлари қурилиши бошланган.

Ўрта асрлар муаллифлари томонидан тилга олинган Насаф ва Кешнинг ўнлаб қишлоқлари номлари бу воҳалардаги кўплаб ўрта асрлар шаҳарларига нисбатан айтилганлиги ҳам бежиз эмас. Юқорида номлари тилга олинган йигирмадан ортиқ йирик аҳоли масканлари қишлоқ деб тилга олинган бўлса-да, улар аслида тўлақонли шаҳарлар сифатида фаолият кўрсатган ва шаҳарлар атрофида уларга қаршли кўплаб турли катталиқдаги қишлоқлар мавжуд бўлган.

Йирик шаҳарларда ўрта асрлар даври шаҳарсозлигининг асосий хусусиятларини ўзида акс эттирган работлар шакллана бошлади. Бу даврда Қашқадарё воҳасининг турли ҳудудларида ўттизга яқин йирик шаҳарлар фаолият кўрсатган, Касби, Паздава шаҳарлари эса воҳа маркази Насафдан ҳам катта бўлган. Араблар истилоси арафасида бор-йўғи бир нечта ярим вайрона шаҳарларга эга бўлган Жанубий Суғдада ўрта асрлар даврида шаҳарсозликнинг юксак даражадаги тараққиёти рўй берган.

Сайёҳ ва олим Абулқарим ас-Самъоний ва муаррих Ёкут томонидан Насаф воҳасида 38 та, Кеш воҳасида 10 та шаҳар ва қишлоқлар номи айтилган бўлиб, улардан ўнга яқинининг номи ҳозирги кунгача етиб келган



KITOBLAR OLAMIDA

бўлса-да, катта қисмининг локализацияси масаласи ҳамон мураккаблигича қолиб келмоқда. Насаф воҳасидаги ўнлаб йирик ўрта асрлар ёдгорликларининг жойлашуви асосида уларни ёзма манбаларда тилга олинган шаҳар ва қишлоқлар билан локализация қилиш Жанубий Суғд археологияси олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Жанубий Суғд ҳудудида турли тарихий даврларда шакланган ва турли даврларда вайронага айланган қадимий шаҳарлар харобалари ҳозиргача Қарши воҳасидаги Ерқўрғон, Қалъайи Заҳхоки Морон, Шуллауктепа, Касбитепа, Кўҳна Фазли, Косонтепа, Таллисортепа, Паштонтепа, Олтинтепа, Кофиртепа, Кожартепа, Обронтепа, Бобокенттепа, Парчақалъатепа, Каҳлактепа, Қоратепе, Ҳазор Буқо, Қарши қалъаси, Занжирсарой; Кеш воҳасидаги Подаятоқтепа, Узунқир, Сангиртепа, Қаландартепа, Кишмиштепа, Чандароқтепа, Олтинбоштепа, Чимқўрғонтепа, Сариктепа, Олтинтепа, Қамайтепа, Қулоқлитепа, Одирмонтепа, Кеш-Шаҳрисабз қалъаси; Гузор воҳасидаги Хўжа Бузургтепа, Хўжа Руммостепа, Ўликтепа, Савбоғтепа, Луҳлитепа, Шаҳартепа каби бир неча ўнлаб йирик археологик ёдгорликлар сифатида етиб келган. Бу шаҳарлар харобалари аввало Ўзбекистонда қадимий давлатчиликни, антик ва ўрта асрлар шаҳарсозлиги тарихини ўрганишда бебаҳо моддий манба сифатида қолади.

Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври шаҳарлари тарихи ва маданияти узоқ йиллар давомида шарқшунослик, тарих ва археология фанларининг доимий ва қизиқарли тадқиқот объектларидан бири бўлиб келган. XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида А.Ю.Якубовский, М.Е.Массон, С.П.Толстов, А.М.Беленицкий, А.Н.Бернштам, В.А.Шишкин, Я.Гуломов, А.А.Асқаров, Ш.С.Тошхўжаев, Ю.Ф.Буряков, А.Р.Муҳаммаджонов, Г.В.Шишкина, Д.Н. Лев, Р.Ҳ.Сулаймонов, М.Жўрақулов, У.Исломов, В.Н.Ягодин, С.Б.Лунина, Э.В.Ртвеладзе, З.И.Усмонова, Н.И.Крашенинникова, Г.Я.-Дресвянская, М.И.Филанович, А.С.Сағдуллаев, Т.Ш.Ширинов, А.А.Анорбоев, Ш.Р.Пидаев, А.Э.Бердимуродов, М.Исомиддинов, Ж.К.Мирзааҳмедов, Б.Эшов, А.Раимқулов, Н.Холматов, Т.Аннаев, К.С.Антонини-Колуччи, П.Бернар, Ф.Грене, П.Лериш, К.Кюдзо, М.Този, Т.Уно, Р.Ранте каби олимлар томонидан ташкил этилган, тадқиқот йўналиши қадимги ва ўрта асрлар даври маданиятини қамраб олган йирик археологик экспедициялар самарали иш олиб борди. Бу экспедициялар томонидан қўлга киритилган катта миқдордаги тарихий ва археологик манбалар Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври маданиятининг ўнлаб йўналишларини тадқиқ этишда кенг кўламли имкониятлар яратиш билан бир қаторда бу давр тарихини ва моддий маданиятини илмий тадқиқ қилишда бир қатор ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатди.

ЎзРФА академик Миллий Археология маркази қадимги ўрта асрлар даври археологияси бўлим бошлиғи, изланувчан қадимшунос олим, тарих фанлари доктори Абдусобир Раимқуловнинг ушбу монографияси кириш, 6 та "Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрлардаври шаҳарлари тарихий топографиясининг ўрганилиши тарихи", "Қашқадарё воҳасининг сунъий суғори-



лишини ўрганиш борасидаги дастлабки тадқиқотлар", "Нахшаб-Насаф воҳасининг ўрта аср шаҳарлари", "Кеш воҳасининг ўрта асрлар рустоқлари ва шаҳарлари", "Ўззор воҳасининг ўрта аср шаҳарлари", "Қашқадарё воҳасининг локализация қилинмаган ўрта асрлар даври шаҳар ёдгорликлари жойлашуви географияси" каби салмоқли боблардан иборатдир. Хулосада эса олти бобдан келиб чиқувчи якуний мулоҳазалар ўз якуний ифодасини топган. Китоб охирида эса фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалар илова тарзида берилган.

Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги энг йирик Самарқанд, Бухоро, Марв, Термиз, Пойкенд, Бинкет, Ахсикент ва бошқа пойтахт шаҳарлари тарихини кенг қамровли ёзма ва археологик манбалар воситасида тадқиқ этилишидан иқтибос олган ҳолда, Насаф ва Кеш воҳаларининг ўнлаб йирик шаҳар ёдгорликларининг топографик хусусиятларини, географик жойлашуви, локализацияси, тарихий топографиясини умумлаштириб шаҳарсозлик маданияти тарихи тарзида ўрганиш ушбу монографиянинг юзага келишига асос бўлган дейиш мумкин.

Муаллиф ушбу монографиясида Қашқадарё воҳаси шаҳарларини таърифлашда ёзма манбалар ва археологик мезонларга таянган. Ёдгорликларни шаҳар ва қишлоқларга ажратишда ўзидан олдинги мутахассислар томонидан рўйхатга олинган археологик ёдгорликларнинг эгаллаган ҳудуди, майдони, топографик хусусиятлари ва бошқа жиҳатлари эътиборга олинган, албатта.

Асарда Қашқадарё воҳаси ҳудудида турди йилларда олиб борилган, шу жумладан, А.Раимқулов томонидан ўтказилган кўп йиллик археологик қидирув материаллари биринчи марта илмий муомалага киритилганлиги диққатга сазовордир. Бу манбалар Қашқадарё воҳаси ўрта асрлар даври шаҳарлари ва қишлоқлари тарихи, тарихий топографиясини янада чуқурроқ ва кенгроқ тадқиқ этишга имкон яратади.

Ушбу китобнинг ёзилишидан мақсад - Ўрта Осиёнинг энг йирик тарихий-географик ўлкаларидан бири Суғднинг жанубий вилояти бўлмиш Жанубий Суғднинг VIII-XIII асрлар даври шаҳарларининг тарихий топографияси, шаҳарсозлиги масалаларини ўрганиш, ўрта асрлар даври рустоқлари, шаҳарлари ва қишлоқларининг тарихий географияси, воҳа шаҳарларининг табиий, сунъий сув йўллари, халқаро ва маҳаллий савдо йўллари бўйлаб жойлашуви масалаларини, ёзма ва археологик манбалар асосида воҳа шаҳарларининг локализацияси масалаларини янгидан ишлаб чиқиш, воҳанинг VIII-XIII асрлар даври тарихий манзарасини яратишдан иборат.

Мазкур китобда тадқиқ этилган Жанубий Суғд ҳудуди қадимдан то ҳозирги кунларгача доимий равишда иккита салоҳияти катта тарихий-географик ҳудудга: Наутака-Ксениппа, Нахшаб (Насаф)-Кеш ва Қарши - Шаҳрисабз воҳаларига бўлинган. Жанубий Суғднинг ўртасидан ўрта асрларда Кеш дарёси деб юритилган, Ўрта Осиёнинг энг йирик сув манбаларидан бири Қашқадарё оқиб ўтади. Дарё Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмалари бағридаги сойлар водийларида, уларга туташ тоғолди ҳудудларида ва адирларда, дарёлар сувлари етиб борган текислик ва чўл ҳудудларида жуда қадим-



дан одамларнинг чорвачилик, боғдорчилик, деҳқончилик каби хўжалик турлари билан шуғулланишларига, сунъий сугориш тизимларининг яратилишига, ўлкада урбанизация жараёнларининг ҳам жуда эрта шаклланишига ва ривожланишига замин яратган.

Тақриз қилинаётган монография Жанубий Суғд ҳудудида олиб борилган узоқ йиллик археологик изланишлар натижаларини асосида Жанубий Суғднинг VIII–XIII асрлар даврига оид Нахшаб (Насаф-Қарши), Кеш (Китоб-Шаҳрисабз) ва Гузор воҳаларининг ўрта асрлар даври шаҳарсозлик маданияти, воҳа шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий топографияси ва географияси ҳамда локализацияси масалаларига бағишланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

VII асрнинг охиридан бошланган ва деярли бутун VIII асрни қамраб олган араблар истилоси даврида жангу жадаллар ўчоғи бўлган Жанубий Суғдда қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг энг сўнгги ва ҳал қилувчи даври бўлган Муқанна бошчилигидаги "Оқ кийимлилар" ва IX аср бошларидаги Рофе ибн Лайс бошчилигидаги қўзғолонларнинг мағлубиятидан сўнг ислом дини қарор тошган, маҳаллий ҳукмрон сулоалар бошқаруви остида юртда янги дин ва янги мафкура устувор бўлган тинчлик даври бошланган. Бу пайтдан ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, диний, сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётда, шаҳарсозлик ва қишлоқлар қурилишида туб ижобий ўзгаришлар рўй бериб, бутун Мовароуннаҳр жадал ривожланиш йўлига кирган.

Мовароуннаҳрнинг оламшумул тараққиёти бевосита IX асрдан бошланган Жанубий Суғд шаҳарсозлик маданиятининг жадал ривожланишини ҳам таъминлаган. Мана шу даврдан бошлаб Нахшаб номи Насаф номи билан алмаша бошлаган. Бу пайтда Нахшаб-Насаф воҳасида Насаф (Шулуктепа), Касби (Касбитепе), Паздава (Кўҳна Фазли), Губдин (Таллисортепа), Роҳсарсана (Олтинтепа), Косон (Косонтепе), Офурон (Обронтепа, Шаҳри Ҳайбар), Кожар (Кожартепе), Поштон (Поштонтепа), Пирон (Дағайтепа), Фиджакас (Кахлактепа), Кофиртепа, Бобокенттепа, Парчақалъа, Қоратепе, Ҳазор Буқо; Кеш воҳасида Кеш-Китоб (Қаландартепе), Кеш-Шаҳрисабз (Шаҳрисабз қалъаси), Кишмиштепа, Чандароқтепа, Сариқтепа, Чилламосорттепа, Қўрғонттепа, Чимқўрғонттепа, Олтинбоштепа; Гузор воҳасида Навқат Курайш (Олтинтепа), Искифағн (Хўжа Бузургтепа), Субах (Савбахтепа), Ўликтепа, Тубон (Хўжа Руммастепа), Луҳлитепа, Қамайтепа, Нийоза (Қулоқлитепа), Шаҳартепе каби ўттиздан ортиқ катта-кичик шаҳарлар фаолият кўрсатган. Жанубий Суғдда шунча шаҳарнинг бир вақтда мавжудлигини археология фанида худди Тошкент воҳасидаги каби юксак даражада баҳолаш мумкин. Ҳолбуки, бу даврда Мовароуннаҳрга ташриф буюрган араб сайёҳлари Бухоро воҳасида 30 та, Самарқанд воҳасида эса атиги 12 та шаҳар номини келтиришган, холос.

Қашқадарё воҳасида олиб борилган археологик қидирув ишларининг натижаларига кўра, Жанубий Суғд археологик ёдгорликларининг 60–65 фоизи антик ва илк ўрта асрлар даврига, 25–30 фоизи ривожланган ўрта асрлар даврига оид эканлигини кўрсатади. А.Раимқулов фикрича, ўрта асрлар



даврида воҳада аҳоли манзилларининг сони камайгандек бўлиб кўринсада, мана шу 25–30 фоиз аҳоли масканларида антик ва илк ўрта асрлар даври аҳолисидан кўпроқ аҳоли яшаган, шаҳарлар аҳолиси қишлоқлар аҳолисидан кўпроқ фоизни ташкил этган. Шаҳар аҳолисининг кўплиги боис аҳолининг маданий даражаси ҳам юқори бўлган.

Насафнинг 220 га., Паздаванинг 250 га. ва Касбининг 300 га. бўлган улкан ҳудудда, ундан ташқари 50–100 га. майдонга эга бўлган ўндан ортиқ шаҳарларнинг ҳар бирида бир неча ўнлаб илк ўрта асрлар даври қишлоқлар аҳолисига тенг катта миқдордаги аҳоли яшаган. Муаллиф фикрича, ўрта асрларда Мовароуннаҳрда дунёвий ва диний илмларнинг оламшумул тараққиётига, ўрта асрлар Ренессансига асос солинишига бу ўлка аҳолисининг катта қисми шаҳарларда яшаши, шаҳарларда инсонларнинг илмий, маданий, маънавий ҳамда диний фаолиятлари учун яратилган муҳит, Сомонийлар, Қорахонийлар сулоалари ҳукмронлиги даврида бу ўлкада бир неча юз йил давом этган тинчлик ва осойишталик сабаб бўлган.

Жанубий Суғд шаҳарларининг сони ва уларнинг Кеш ва Насаф воҳалари бўйлаб жойлашуви хусусида қадимшунос С.Б.Лунина ўзининг "VIII–XII асрларда Жанубий Суғд шаҳарлари" монографиясида ўрта асрларда Кеш воҳасида Насаф воҳасига қараганда шаҳарлар кўпроқ бўлган, деган фикрни илгари суради ва бунга Кеш воҳасининг қулай табиий шароитини далил қилган А.Раимқулов олиманинг бу нуқтаи назаридан бошқачароқ ҳолатни кўрсатган. Насаф воҳаси маркази Насаф шаҳри майдони 220 гектар бўлса, Касби ва Паздава шаҳарлари эса ундан ҳам каттароқ бўлган, бу каби улкан шаҳарлар Кеш воҳасида мавжуд эмас (Кеш-Шаҳрисабз бу даврда 210 гектар майдонни эгаллаган ва унда аҳоли анча сийрак яшаган). Сўнгги ҳисоб-китобларга қараганда, ўрта асрларда Насаф воҳасида майдони 10 гектардан кам бўлмаган 18 та шаҳар фаолият кўрсатган бўлса, Кеш воҳасида уларнинг сони 10 тадан ортиқ эмас, Гузор воҳасида эса 6 та шаҳар мавжуд бўлган.

Бу ҳолат Насаф воҳаси шаҳарлари ўрта асрларда ҳудуд жиҳатидан ҳам, шаҳарлар сони жиҳатидан ҳам Кеш воҳасидан устун турганлигини кўрсатади. Насафнинг йирик шаҳарлари, асосан савдо йўллари бўйлаб жойлашган бўлиб, уларнинг тараққиётида, асосан халқаро ва маҳаллий савдо муносабатлари устувор ўрин эгаллаган. Бухоро-Балх савдо йўли устида жойлашган, дарё сувлари деярли етиб бормаган Касби ва Паздава шаҳарларининг тахминан 250–300 гектар майдонга эга бўлишлари, дарё ёқасида жойлашган пойтахт Насафдан ҳам кенгайиб кетганлиги ўрта асрларда шаҳарлар ривожига сув, суғориш тизимлари ҳамиша ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаганлигини, шаҳарлар ҳаётида уларнинг географик жойлашишлари ва шу омил сабаб ривожланган савдо муносабатлари катта аҳамиятга моликлигини яққол исботлайди. Йирик маданий воҳанинг чегара ҳудудларда жойлашган бу шаҳарларнинг чексиз ривожланишларида аграр соҳаларнинг ривожига эмас, балки халқаро ва ички савдо-сотиқ муносабатлари, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши устувор ўрин эгаллаган.

(Давоми кейинги сонда)



HOFIZGA ATALGAN SOZ

Абдурашид МАҲМАТОВ,
тиббиёт фанлари номзоди

Туркия шаҳарларидан бирида мусиқа асбобларини ясайдиган Махмет Созли уста яшарди. У созларни шундай ажойиб қилиб ясардики, хонандалар чалганида, атрофга гўзал оҳанглар тараларди. Мамлакатнинг узоқ-яқинларидан хонанда ва созандалар келиб, устага буюртмалар беришар, у тинмай меҳнат қилиб, уларнинг талабини қондирар, ортганини эса ўзи истиқомат қиладиган шаҳардаги дўконида сотиб, тирикчилигини ўтказар эди.

Кунларнинг бирида уста Махмет Туркия ойнаи-жаҳони орқали Ўзбекистон санъаткорлари ҳақидаги бир кўрсатувни кўриб қолди. Кўрсатув мусиқачилар ва ҳофизлар, хусусан, Ўзбекистоннинг кўзга кўринган санъаткорларидан бири бўлган Комилжон Отаниёзов ҳақида эди. Кўрсатувда турк томошабинларига унинг ижросида бир неча қўшиқ, мақом ҳавола қилинди. Уста Комилжон отанинг моҳирлик билан чертаётган сози - торию гўзал ижросини кўриб, унинг мухлиси бўлиб қолди. Уста Комилжон ҳофизни илк бор телевизорда кўраётган, ашулаларини эшитаётган эди.

- Бу Комилжон ҳофиз деганлари жуда зўр созанда, ҳам моҳир қўшиқчи экан-ку, - деб ҳайратланганди уста, унинг юракка хуш ёқадиган қўшиқларини тингларкан. Ажабо, ҳатто Туркияда ҳам унга етадиган ҳофизлар бармоқ билан санарли. Қани энди, шу ҳофиз билан кўришиб, унинг суҳбатини олсам. - дер экан. Кейин унга атаб яхши бир тор созини ясаб беролсам, - деб кўнглига туғиб қўйибди.

Орадан анча йиллар ўтибди ҳамки, туркиялик устага Комилжон ҳофиз



билан учрашиш насиб қилмади. Бандаси умидворда, пайти келиб, қачон бўлса ҳам ўзбекистонлик ҳофизлар Туркияга ташриф буюришига умид қилиб, кутиб юраверди. Бу орада турк уста Махмет Комилжон ҳофизга атаб чиройли бир тор ясашга киришди. Уста бир неча ой ичида гўзал қилиб ишланган тор созини ясашга муваффақ бўлди. "Мабодо бу ёқларга ҳофиз бизнинг бозорга кириб, торга кўзи тушиб қолса, ажаб эмас". - деган ўй-хаёллар билан ҳофизга аталган торни дўконининг кўринарли жойига осиб қўйди. Уста Комилжон ҳофизни ўз юртига келиши аниқ деган хаёл уни ҳеч қачон тарк этмади, умид билан кутди, аммо кунлар, ойлар, йиллар ўтса ҳамки, ҳофиздан дарак бўлмади.

Кунларнинг бирида тақдир тақозоси билан Комилжон оға ўз гуруҳи билан концерт бериш учун Туркияга келди. Концерт, бир-биридан қизиқарли учрашув, олқишлар Комилжон ва унинг дўстларини мамнун қилди, албатта. Концерт тугагандан кейин мезбонлар меҳмонлар учун юртларига қайтишдан олдин Туркия шаҳарлари, унинг бозорлари бўйлаб сайру саёҳат уюштиришди. Комилжон ва унинг шериклари турк бозорларини айланиб, у бу нарсалар харид қилишди. Бозор расталарини оралаб кетаётган Комилжоннинг кўзи мусиқа асбоблари сотиладиган дўконга тушиб қолди. Ҳамкасблари билан дўконга киришди. Бу ерда хилма-хил мусиқа асбоблари қалашиб ётарди. Шу пайт чолғу асбобларини томоша қилаётиб, ҳофизнинг кўзи чиройли қилиб ишланган бир тор созига тушди. Дўконнинг эгаси узоқ юртлардан келган бир гуруҳ меҳмонларга пешвоз чиқиб, уларга мулозамат кўрсатди. Махмет дўкондор туркча талаффузда сотиш илнжида ўзи ясаган мусиқа асбобларини уларга бир-бир кўрсатди. Меҳмонлар устанинг гапларига тушуниб-тушунмай, у билан мулоқот қилишди. Комилжон ҳофиз эса, дўкон растаси эшигининг тепасига осиб қўйилган торни кўрсатишини илтимос қилди, аммо дўкондор уста бу торнинг сотилмаслигини айтиб қолди.

- Сотилмаса, торни нега бу ерга осиб қўйибсиз? Агар у буюртма бўлса, нега бу тор дўконда турибди, эгаси қаерда? - деб ундан сабабини сўради Комилжон ҳофиз.

- Бу соз ўз эгасини кутиб ётибди. Тор сози бир ҳофизга атаб ясалган. Унинг эса қачон келиши маълум эмас. Кўнглим сезиб турибди, у албатта келади. - деди уста Махмет ишонч билан. Комилжон ҳофиз эса устанинг бу жавобидан ниҳоятда ажабланди.

- Узр, афандим, ким экан ўша ҳофиз, билсак бўладими? - қизиқиб сўради хофиз.

- Сиз ўзбекистонлик Комилжон оғани таниярмисиз. - деди уста келганларнинг ўзбекистонлик эканликларини билгандан кейин. Уста уларни бир гуруҳ сайёҳлар бўлса керак деган ўйга борди. - Бу соз ҳеч кимдан буюртма берилмаган, лекин у ўзбекистонлик ҳофиз Комилжон Отаниёзовга атаб ясалган. - деди. Комилжон ҳофиз эса бу тор сози ўзи учун ясалганини эшитиб, янада ажабланади. "Қизиқ, у ўзи учун буюртма қил-



RUHIYAT SURATI

магани аниқ. Лекин у бу созни ясаган устаси билан ҳам таниш эмас. Қандай қилиб, бу тор менга атаб ясалиши мумкин?" Шу хаёллар билан ҳофиз дўкондор устага яна мурожаат қилди.

- Сиз Комилжон Отаниёзовни танийсизми? Уни кўрганмисиз?

- Мен Комилжон ҳофизнинг ўзини кўриб, ҳамсуҳбат бўлмаганман, аммо бир мартоба уни телевизорда кўриб, қўшиғини тинглаганман. У торнику қойил қилиб чертаркан, кейин мақом айтишни ҳам қиёмига етказиб ижро қиларкан, унга қойил қолганман. Мен ана шулардан таъсирланиб, Комилжон ҳофизнинг қўшиғини ғойибона яхши кўриб, унинг мухлиси бўлиб қолганман. Шунинг учун бу торни дўконнинг кўринадиган жойига осиб қўйганман. Торни эса уларга атаб ўзим ясаганман, агар у киши бу ерларга келиб қолсалар, буни совға сифатида бермоқчиман. - деди уста унга тикилиб. Ҳофиз туркиялик уста ўзининг ашаддий мухлиси эканлигини эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлиб кетди. Комилжон ҳофиз ҳам унча ҳаялламай ўзини устага таништирди.

- Уста афандим, ўша сиз кутиб юрган ҳофиз Комилжон Отаниёзов мен бўламан. Танигандирсиз? Агар телевизордаги кўринишим эсингизда қолган бўлса, сиз мени танийсиз, янаям Худо билади. - деди ҳофиз. Лекин уста ҳам анойилардан эмас экан.

- Мен у кишини телевизорда бир мартоба кўрганман, холос, аммо уни кўрсам албатта танийман. - деди ҳофизга разм солиб. - Нима десам экан, ҳа, лекин сиз унга ўхшамайсиз.

Бу гапдан кейин Комилжон энди буёғи қандай бўлди, дегандай шерикларига қаради. Комилжон Отаниёзовнинг гуруҳидаги Маданият вазирлиги вакили унинг ёнида юрган экан, у бу суҳбатга аралашди.

- Сиз Комилжон ҳофизни телевизорда анча йиллар олдин, ёшлик пайтларида кўрган бўлсангиз, ажабмас. Орадан анча вақтлар ўтган кўринадиди, шу боис, уларни эслай олмаётгандирсиз. - Бу гаплардан кейин ҳам туркиялик уста ҳофизни танимади. У анча-мунча гапларга кўнмайдиган, ўжарроқ экан. Уста ҳадеб, асл Комилжон ҳофизни кутаётганини такрорларди. Шундан кейин Комилжон оғанинг шериклари устага ҳофизнинг паспортини кўрсатишларига тўғри келди. Уста кириллча ёзилган паспортни ўқий олмасди. Кейин Маданият вазирлиги ходимининг Комилжон Отаниёзов бошчилигидаги гуруҳнинг Туркиядаги ўтказган концерт дастури афишаси борлиги эсига тушиб, у йўл ёқасида турган автобус томонга югуриб кетди. Бир зумда қайтиб келди-да, қўлидаги концерт афишасини устага узатди. Уста афишани қўлига олиб, бир қоғозга, бир ҳофизга қарарди, у бироз вақтдан кейин Комилжон ҳофизга узоқ тикилиб қолди. Афишада миллий кийимда қўлига тор олиб, қўшиқ айтаётган Комилжон Отаниёзовнинг сурати ва ёнида туркча ёзувдаги концерт репертуари акс этган эди. Афишани кўриб, ишонч ҳосил қилган мусиқа асбоблари устаси ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

- Хуш кўрдик Комилжон оға, узр сизни танимадим. - деб уста пешвоз



чиқиб унга яқин келди. Уста дастлаб Комилжон Отаниёзовнинг қўлини олиб пешонасига босди, кейин эса қучоқлашиб кўришди.

- Энди ишондим, узрим бор, Комилжон оға, - деди яна уста унга му-рожаат қилиб. - Сизни оға, келасиз деб узоқ кутдим. Мана бугун сизни кўришга Оллоҳимнинг ўзи етказди бу ерга. Чўнг-чўнг хурсандман, оға. - деди уста. Унинг қувонгани шундай юзидан кўриниб турарди. - Сиздан бир ўтинчим бор ҳофиз оға, рухсатингиз билан бизникида бир кун меҳ-мон бўласиз. Кейин сизларни ўзим кузатиб қўяман. Мана бу торни эса сиза топширажакман.

Устанинг илтимосини ерда қолдириб бўлмасди. Шундай мухлиснинг сўзини қайтариб бўлармиди? Уларнинг ўртасида бўлиб ўтган қисқа суҳ-батдан кейин, уста Махмет дўконини тез ёпди-да, меҳмонларни уйига бошлаб кетди. У Ўзбекистондан келган санъаткорларни оиласидагилар ва яқин дўсту биродарлари билан таништирди. Улар устаникида анча маҳал-гача суҳбатлашиб ўтиришди. Оиласидагилар ҳам бу воқеадан хабардор экан шекилли, улар ҳам хурсандчилигини яширолмасди. Меҳмондорчилик анча давом этди. Суҳбатлари тугагандан сўнг, уста Комилжон ҳофизга ўзи ясаган тор созини оиласи, дўстлари олдида тантанали топширди. Созни қўлига олган ҳофиз бу ерда қўшиқ куйламасдан кетолмаслигини сезди. У тор чолғусини овозини бироз созлагандан кейин жарангдор мусиқа овози янграб кетди. У ўзининг ширали овози билан уста ясаган янги созда бир жуфт қўшиқ ижро қилиб барчани хушнуд этди. Мезбон ва меҳмонлар жуда мамнун бўлишди. Комилжон ака янги созни чертаркан, ҳақиқатан ҳам уни ўзи учун чин дилдан, меҳр билан ясалганига амин бўлди. Ҳофиз ҳақиқий санъат намунаси, гўзал тор созини ясаган туркиялик Махмет устага миннатдорчилик билдириб, уни Хоразмга меҳмонга таклиф қилди. Шундан сўнг дўстона хайрлашув бўлди.


Туркиялик мусиқа асбоблари устаси ва хоразмлик ҳофиз ўртасидаги дўстлик анча йилларгача давом этди. Комилжон ҳофиз умрининг охири-гача бошқа созлари қатори туркиялик дўсти ясаб берган торни чалиб, ўзининг бетакрор, жарангдор қўшиқлари билан минглаб, миллионлаб мух-лисларини хурсанд қилиб юрди...

Шавкат МУРЗИЁЕВ:

«...буток Соҳибқирон Амир Шамур бобомизнинг «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган луқув мағноли сўзлари ҳар биримиз ушун ҳаётимиз эгтикда айланиши зарур»



RUHIYAT SURATI



Дилофа Холлиқова - 1985 йилда Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган. Навоий давлат педагогика институтини тамомлаган. Ёш ижодкорларнинг "Зомин" семинари иштирокчиси. Ҳикоя ва шеърлари вилоят ҳамда республика нашрларида эълон қилинган.

Aqrab

*Итлар ҳали уйғонгани йўқ,
Ҳали офтоб мудрар равоқда.
Ой - кечалар кўтарган ханжар -
Кўкни кезар қўшни товоқдай.*

*Хазонбарглар сўнги кунларин
Яшайди куз эртақларида:
Гуё паноҳ излар болакай
Опасининг этакларидан...*

*Ним қизарган шафақ эслатар
Бувим кафтидаги хинони.
Мусаввир куз сариқ ва қизғиш
Рангга бўяр яшил дунёни.*

*Сўнги баргдай титрайди нафас,
Заъфарон руҳ сузар қонимда.
Туғилмаган шеърдек кезади
Бир мавҳумлик куз осмонида.*

Kuz tushi

*Яшилликнинг хотимасида
Туилар бедор ёққанида шам.
Ёлғиз қолиб қалб шевасида,
Сирлашдингми суқунат билан.*

*Оқшомларни ой шуласида,
Нур толага ўраясанми.
Кўкда опшоқ хаёл ичида,
Ўтирибман, кўраясанми?*

*Нилуфардек кўзёш кўлида,
Юлдузларга бурканиб шу дам.
Ўқияпман мактубларингни,
Кўзларимни юмганча, олам.*

(Shahinaga)

*Кўзларингдан тўкилган осмон
Дунёларга сифармикан, айт.
Тин оляпти замин, макон,
Сен малакдай ухлаётган пайт.*

*Кўзларингни очасан ҳали,
Кўз очади минг-у бир савол.
Дунё энди тинган маҳали,
Ёлвораман, яна ухлайқол.*

*Фаслларга бўлғуси талош,
Йиллар ўтар сабри соврилиб.
Эсдан оғиб кетар ой - қуёш.
Ўз ёғида ўзи қоврилиб.*

*Рухим уйин кезар берухсат,
Нигоҳингдан тилайман тўзим.
Ой юзингга боқай бир муддат,
Яна озроқ ухлайқол, қизим...*



* * *

*Кўзига суқилиб кўча чироқлар,
Беҳаловат шаҳар мизғийди бир пас.
Хаёлини олиб кетар узоқлар,
Кўксини тўлдириб олгани нафас.*

*Хўроз қичқургунча нозланар қишлоқ,
Тераклар шивирлаб афсун айтади.
Шаҳарни чўчитиб чалиб қўнғироқ,
Тун қўйинини поезд кесиб ўтади.*

*Шўрлик шаҳар ҳориб турар уйқудан,
Аччиқ қаҳва дамлаб қутар бекатлар.
Қишлоқни уйғотар ёзиб дастурхон,
Бахт шилдираб оқиб турган эгатлар.*

*Қишлоқ яшайверар қайғудан ҳоли,
Унинг шаҳар билан зарра иши йўқ.
Шаҳар йиғлаб олар тонгда уйғониб,
Дардларига елка тутар киши йўқ.*

* * *

*Осмонга дил бериб, юксалдим, ўсдим,
Юксакдан қуладим, дилимга тушдим.
Ҳаққа етишмоқни истаган қуним,
Тупроқдан бошланган йўлимга тушдим.*

*Рухимни совурди қисмат еллари,
Неча бор топдим-у, неча юз бурдим.
Недир манглайимга ёзилганлари,
Тақдирга кўндаланг тушган из кўрдим.*

*"Мени мендан ярат, мени мендан топ",
Менга мендан бўлак жазолар берма.
Менга менман синов, менман мукофот,
Менга бундан бўлак дунёлар берма.*

*Бугун остонада титраётганим,
Умидлардан айро танимга қайтдим.
Тўкилиб, эзилиб, ситраётганим,
Менимга қайтдим мен, менимга қайтдим.*

"Мени мендан ярат, мени мендан топ..."

* * *

*Сиз кетиб, сиз билан кетмаган йўллар,
Қўл тутсангиз титраб, мушт тугилган -у,
Истаб, қўлингизни тутмаган қўллар
титроғи ҳаққи*

Сиз менга кераксиз...

*Боқиб кўзингизга тўкилмаган кўз,
Сиз деб туғилган-у, айтилмаган сўз,
Хато боғлаб пушмон бўлган тақдирдўз
йўл қўйган хато ҳаққи
Сиз менга кераксиз...*

*Қафтга тўкилмайин қолган исмлим,
Исми жаҳоний-у, руҳи жисмлим,
Заминни соғинган кўкдай тўзимлим,
Ҳеч қачон юз бермас орзулар ҳаққи
Сиз менга кераксиз...*

*Исми ҳовучимга тўлмаган дуо,
Исми замин, ер, сув, тириклик, ҳаво,
Исмки, руҳимга шивирлаб худо
Айтган дилимда бўй етган ҳис ҳаққи
Сиз менга кераксиз!..*


* * *

*Мен жуда чарчадим,
дейди ичимда бир овоз.
Акс - садо кетади самога -
У жуда чарчади,
жуда чарчади...
кутишдан,
кечишдан,
чарчади...*

*Менга бахт бер, деёлмай ҳалакман
Акс-садо интиқ кутса ҳам.
Унга бахт бер!
Унга бахт бер!
барини унутиш бахтини...
Кўнглимни ўқийди фаришта. . .*



RUHIYAT SURATI



Байрам АЛИ - 1991 йил 23 июнда Қамаши туманининг Қўшкапа қишлоғида туғилган. Ҳикоя ва қиссалари республика нашрларида мунтазам чоп этилиб келинади. Бир нечта ҳикоялари асосида телекўрсатувлар суратга олинган.

"Болангман, Дунё", "Куз ёмғирлари" каби насрий китоблари нашр қилинган.

Mimkosa (Ҳикоя)

Ўткиржон Хидир кейинги йилларда бу хонадонга ҳамкасб шерикларисиз келмасди. Шунинг учун дарвозага етганда бироз иккиланиб, тўхтаб қолди. Айни шу фурсатда ҳовлиси дарвозасидан бўйлаган Бердиёр Исматнинг хотини ҳам уни кўриб аввалига ажабланди.

Аёл меҳмонни эри ёнига бошлаб кирди. Ҳайтовур Бердиёр Исмат уни кўриб гашланмади ёки гашланса ҳам буни сездирмади.

- Туманга етган оёқларинг Чимсаройга етмай қолади-я, - гина қилди аксинча, хотини чиқиб кетгач. - Келмайсанлар! Ё бурунларинг кўтарилиб қолганми?

- Энди... Шунақа асарлар яратиб турмасангиз эсдан чиқиб кетасиз-да, - ҳазил аралаш пичинг қилди Ўткиржон Хидир. - Қишлоғида нахс босиб ётгандир, десак, қисса ёзиб ташладим, де?

Унинг сохта табассум балққан кўзлари ички тугёнини акс эттириб турарди.

"Ҳим-м... Тишлашгани келибдилар-да!" - хаёлидан шу фикр кечган Бердиёр Исматнинг лабидан бошқа сўз учиб чиқди:

- Тадбирларда кўринмайсан?

- Биз шундай тадбирсиз одаммиз, жўра!

Бу масалада ҳеч бир чўчидиган жойи бўлмаса-да, Бердиёр Исмат айнан ўз уйида бирор кўнгилсизлик юз беришини истамас эди. Вазиятни юмшатиш учун гап қидириб турганди, хотини патнис кўтариб кирди-ю, жонига оро кирди.

- Нега Манзура билан болаларни олиб келмайсиз ҳеч, Ўткиржон ака? - деб қолди у, суҳбат ўзанидан беҳабар.

Ўткиржон Хидирнинг ҳурпайган башараси бирдан ёришди.

- Асли келиш фикри тўсатдан туғилиб қолди-да, келин, - тушунтириш беришга уринди, анчайин хижолатланиб. - Нечукдир юрагим сиқаверди...



Кейин, ҳам бориб дўстимни кўрганим, ҳам асари босилган журнал сонларини бериб, табриклаб келганим, дедим-у, лўкиллаб жўнайвердим.

- Лўкиллаб дейсанми? Оббо сен Ўткир туя-йей!.. - Бердиёр Исмаат ҳазиллашиб дўстининг елкасига қоқди. "Биламиз, юраклари нега сиққанини..." - ўйлади ичида эса.

Аёл ўзи билан эзгулик фаришталарини қолдирдим, ҳарқалай у чиқиб кетгач, суҳбат мавзуси ва ундаги кайфият тамоман ўзгариб кетди. Ҳамма касбдошлар каби олдинга ҳамкасблари ҳақида, кейин адабиётда бўлаётган янгиликлардан гаплаша бошлашди. Дўстининг бетайин ва ҳардамхаёл феъли ҳар қанча қулгусини қистатмасин, Бердиёр Исмаат бу "сокинлик" - дан мамнун эди. Хотини пишираётган қовурдоқ сузилай деганда у болаларидан бирини чақириб, "ҳалиги" дан буюрди.

- Қандай бўларкин.., - дўсти қуйиб узатган шайтонсувига суқланиб термуларкан, талмовсиради Ўткиржон Хидир. - Биласан, бизнинг юрак, сал...

- Қантдай бўлади! - зўр бериб унинг кўнглини олишга тиришаётган, бу билан кўнгилсизликдан сақланишни ўйлаётган Бердиёр Исмаат кўзини қисиб қўйди. - Ўнг тарафга эгилиброоқ ичиб юборасан, юракка тегмасдан ўтиб кетади!

- Ҳа, тўғри... - кутилганидек Ўткиржон Хидир ортиқча нозланиб ўтирмади. - Чин, лекин шундай қилса бўлади...

Дам ўтмай аёл овқатини сузиб келди. Овқатнинг остида қолсин, деб дўстлар иккинчи пиёлани ҳам ютишди.

- Яқинда бир физик олим билан гаплашдим, - Ўткиржон Хидир овқатдан кавшаб гапира бошлади. - Билсангиз биз олимлар ҳар кашфиёт қилганимизда табиат тилсимлари олдида инсон тафаккури тамоман ожиз эканини, бу билан яна бир карра мағлуб бўлганимизни англаймиз, дейди.

- Мисол келтиргандир?

- Айтди мисол! Масалан, бирор газ таркибидаги арзимас бир қатор "атом" молекулалари ўзгариши эвазига газдан метал ҳосил бўлиши мумкин ёки шундай бир қатор молекулалар ўзгариши билан мутлақо бошқа жинс элементдан бўлак бир модда ҳосил бўлади, деди... Биласанми, нима? Бу бир қатор "атом"ларнинг ўзгариши эса модданинг триллион фоиздан бир фоизи ўзгармоғи дегани экан... Тушунаяпсанми, дунёдаги энг кичик зарра "атом"нинг триллиондан бир фоизи ўзгарганига иккита жинсдан, шу икки жинсни ҳам тамомила рад этадиган деярли бутунлай бошқа модда вужудга келаяпти! Дунё олимлари яқинда шуни кашф этишибди-ю, бу билан табиатнинг жумбоқларидан бирини ечганларига эмас, аксинча, жумбоқ туғдирганларига амин бўлишибди.

- Эй, физиклар билан лирикларнинг маш-машаси минг йиллик! - қўл силтади Бердиёр Исмаат. - Ўша олимларнинг хатоси шундаки, табиатга ўз сўзини ўтказишга уринишади. Табиат қонунларини ўзгартиришга ҳаракат қилишади! Аммо табиат ҳодисалари бу - тақдири илоҳийдир! Буни



RUHIYAT SURATI

англаш учун эса филолог бўлиш ҳам, манглайи ерни тешиб юборган мулла бўлиш ҳам шарт эмас. Инсонга қалб керак!

- Ҳа... Тақдири илоҳий... - Ўткиржон Хидир бир дам ҳаракатдан тўхтаб дастурхонга тикилиб қолди. - Тақдир... Тақдир ростдан ҳам табиатнинг ўзгартириб бўлмас қонуни...

Сўнг ёзувчи дўстининг юзларига шиддат билан термулди:

- Аммо... Ҳаётимиздаги айёрлар-чи?! Туллак, доғулилар-чи?! Улар ҳатто табиатдаги айрим нимарсаларни ўзгартириб юбормоққа қодир эмасми-лар?!

Бердиёр Исмат қовун туширганини пайқади. Бироқ, дўсти ишлатган номуносиб сўзлардан асабийлашгани туфайли, қайсарлиги тутди:

- Йўқ, қодир эмаслар! - деди бошқа гапни айлантиришни лозим топмай. - Табиатда нимадир содир бўлдими, демак шундай бўлмоғи керак!

- Ҳали... Табиат ҳам адолатни билмайди, дегин?.. - Ўткиржон Хидир бир лаҳза дўстидан кўзларини олмай тикилиб тургач, индамай дастурхонга қўл чўзди-да, шишада қолган ичимликни сузиб, ичиб юборди.

- Бу сафар ўнгинга эгилмадинг? - кесатди Бердиёр Исмат.

- Қўявер, дўстим, - Ўткиржон Хидир аламангиз илжайди. - Куйиб кул бўлсин юрак!

Ортиқ гаплар гапга қовушмай қўйди.

Нафсиламрини айтганда, Бердиёр Исмат ҳалиям вазиятни юмшатиб мураса йўлини танлашга уринар, кайфи ошиб қолган Ўткиржон Хидир эса "ҳужумини" тўхтатмас эди. Гишова киноялардан чарчаган Бердиёр Исмат ичида дўстининг гўрига гиштларни қалай-қалай, иккинчи шишанинг оғзини бўшатганини билмай қолди...

- Дарвоқе, ҳалиги... Янги асарингдаги мантиқий хатолик... - сўз ўйинларида дўстига тиши ўтмаслигини англаб, ниҳоят индаллога ўтди Ўткиржон Хидир. - Бу албатта менинг ўта шахсий фикрим, тақдир, табиат ва ҳоказоларга зигирча даҳли йўқ!.. Ҳаммаси-ку, майли... Хуллас, асар якунида чиқарган хулосанг. Яъни, Фаррухни "У нафратга лойиқ эди!" дея нохолисликка йўл қўйгансан... Ахир, соғлом фикр билан ўйла... Йигит аданган... Адданиб-хўрланган!.. Бу ойдай равшан-ку! Энди у бечора қандай нафратга..?

- Шундай лойиқ бўлади! - устма-уст ичилган ичимликдан ўзи ҳам "айний" бошлаган Бердиёр Исмат дўстининг гапини кесиб ташлади. - Шу хулоса айнан мантиқдан эди! Бил-лмасанг гапирма!

- Ним-ма? В-вой сен билимдон... - инкордан кўра кўпроқ кўпол муомаладан ранги гезарди Ўткиржон Хидирнинг. - Йўўқ!.. Аксинча, мантиқ бунинг аксини тақозо қиларди-ку!.. Ҳозир... Ҳозир сенга гувоҳ чақираман... Шу қилганинга!.. Ҳозир...

- Кели-и-ин! - у ўтирган жойида деразага қараб бақира бошлади. - Малика?..

- Тинч қўй уни! - Бердиёр Исмат аччиқланиб дўстининг елкасидан



босди. - Бас қил, ўқирма!

- Йўқ, ҳозир айтади... Ўзинг эшитасан... Биламиз...

Шу пайт ичкарида бошланган шовқиндан хавотирланган аёл югуриб келиб эшикни очди-ю, икковга саросималанганча қараб қолди.

- Келин... - унга кўзи тушиб энди бироз паст, аммо ҳамон ғазабга тўла хириллаган овоз билан буюрди Ўткиржон Хидир. - Журнални олиб келинг... Ҳали келтириб қўлингизга берган журналларимни...

Эридан бирор сас чиқмагач, аёл гўё шу билан жанжал тўхтаб қолади-гандай тезгина бориб айтилган журналларни кўтариб келди.

- Беринг... Беринг менга... Ўзингиз эса ўтиринг...



- алланечук тарадуд билан шошиб унинг қўлларидан журнални оларкан, Ўткиржон Хидир аёлниг ўзига ҳам ўтиришни илтимос қилди. - Ҳозир топаман... Қанийди... Топаман ҳозир... Илтимос, ўтиратуринг... Сиз гувоҳ! Холис... ҳакам!

- Мана! Мана шу ер... - Ўткиржон Хидир журналнинг керакли сонини топиб ўқий бошлади:

- "...Келин-кўёв учун безатилган столда ўтирган Камол Фаррухни кўриб ўрнидан туриб кетди. Фаррух кела солиб уни бағрига босди: "- Камол! Табриклайман, дўстим! Табрик-

лайман!" Камол эса негадир ҳеч нарса демасди. Шунда Фаррухнинг кўзи тўсатдан унинг ёнидаги келинга тушди. Жиққа ёш, чексиз огриниш, алам зоҳир бўлган кўзларга, "Сиздан шуни кутмагандим", деяётганга ўхшаш ўша жоду кўзларга тушди..."

- Йўқ, бу жойи эмас... Булар бари тўғри... Ҳозир топамиз... - шу ерига келганда бир пасга тўхтаб, журналнинг қуйироқ қисмини янаям ҳаяжон билан ўқишга тутинди:

"...Ҳаммасини тушунган Камол бошини айбдорона эгди-ю, уни қайта бағрига босди. Секингина қулоқларига пичирлади: "- Кечир мени, дўстим! Ўшанда... Ахир мен ҳам уни севардим... Кечир..." Йўқ, бу ери ҳам эмас экан... Йўқ-қ... Мана!!! Мана бу ерини ўқийлик! "...Дўстини бағридан бўшатди-ю, бир-бир босиб даврани тарк этишга уринди. Кўзларидан ёш тирқирар, қўллари мушт бўлиб тугилган, ғазаб ўти суяк-суягини ёқиб юбораётганди. Йўқ-йўқ, у Камолдан хафа эмасди. Бор нафрати, бор ғазаби ўзига қаратилган эди.

...У нафратга лойиқ эди!

Ўз-ўзига бўлган нафратига чидай олмай тўйхонадаги столлардан бири-



RUHIYAT SURATI

ни тўнтариб ташламоқчи бўлганида, уни маст хаёл қилган куёвнинг қариндошларидан бири гиппа бугиб, ташқарига судраклай бошлади..."

Журнални ўқиб тугатгач, Ўткиржон Хидир таққа тўхтаб аёлга тикилиб қолди. Аёлга недир илинжу умидлар ила интиқ-илхақ тикиларкан, бами-соли оламшумул бир сирни айтаётгандай пичирлади:

- Ўзингиз, айтинг... Келин... Қандай қилиб... у нафратга лойиқ бўлади?! Қандай... Ахир у бечора алданган... Боплаб алданган... Доғули дўсти қизни унга шармисор гаплар билан ёмонлаб... У шу хоиннинг гапларига ишониб суюклисидан юз бурганди-ку... Энди у бечора... Қандай, нафратга..?

- Лойиқ эди, тамом! - шу дам хотини ўрнига Бердиёр Исматнинг қатъий айтган жавоби хонани жаранглатиб юборди. - Гап фақат севишда эмас, инсон аввало муҳаббатга муносиб бўлмоғи керак! Камол жила қурса севгиси учун курашди, юракдаги севгисини асраб қолишга уринди... Гарчи ёлгон айтиб бўлса ҳам! Аммо Фаррух-чи?! Агар у худбин чиндан севганида, ўша севгига лойиқ бўлганида бировнинг гапларига қараб хулоса чиқармасдан, қизни ҳимоялашга уринмасмиди?! Йўқ, унақалар қачон бўлса ўзини оқлашни, қандай бўлмасин виждонини поклашни ўйлайдилар, холос! Унақалар онгли равишда висолни эмас, ажрни танлайдилар! Чунки унақаларга ҳар қандай ҳаловатдан ғусса афзал! Ундай тоифа ярамас одамлар учун жабр чекишдан, жабрдийда бўлишдан ортиқ лаззат йўқ!

- Анааа! Хах-хах-ха... - дўстини тилидан илгани учун Ўткиржон Хидир голибона, ҳузурланиб кулди. - "Аблаҳ" деди! "Аблаҳ" деб айтди! Ана энди қусурларингизни намоён қиляпсиз, ўртоқ Исматов! Кўраяпсанми, гап нимада? Гап шундаки, сен уни - Фаррухни ёмон кўргансан! Ўз қаҳрамонингга адоватинг, ҳасадинг бўлган! Ха-ха-хах..! Мана энди сирлар очилаяпти!

Бердиёр Исмат ўрнидан сапчиб туриб кетди.

- Йўўқоол уйимдан, ғаламис!

- Кетаман... Қувмасанг ҳам кетаман... - шошиб қўзғалди Ўткиржон Хидир. Ўрнидан тураётиб эса бошини экканча миқ этмай турган аёлга қаради. Аёлнинг совуқ ва лоқайд ёниб турган нигоҳларига ноҳос кўзи тушиб, қаттиқ оғринди: "Наҳотки эрининг оғзини ёпишга уринмаса?.."

Ўткиржон Хидир тойиниб-суриниб уйдан чиқди. Дарвозадан ўтгач, дўстининг ҳовлисига яна бир бор алам билан қаради: ахир, ахир мана... у бу хонадондан иккинчи бор ҳайдалаяпти...

Ўткиржон Хидир қишлоқ бекати томон гандираклаганча бораркан, Бердиёр Исматнинг асар қаҳрамони Фаррух тўғрисида айтган бешафқат гаплари-ю, аёлнинг кўзларидаги ўзига нисбатан совуқ ифодани эсламасликка тиришарди.

Дарвоқе, аёлнинг кўзлари ҳали ҳам жоду эди, ўшандаги - тўй оқшомидаги каби.



F. R. DE SHATOBRIAN HAYOTI VA IJODI



Ўзининг серқирра ижоди билан XIX аср француз адабиётида романтизм жанрининг асосчиларидан бирига айланган Франсоис Рене де Шатобриан 1768 йил 1 февралда Франциянинг Сент Мало шаҳрида туғилиб, 1848 йилда Париж шаҳрида вафот этади.

Ёзувчи ҳамда кучли давлат арбоби Рене де Шатобриан Реставрация даврида ташқи ишлар вазири лавозимида фаолият кўрсатган, шу билан бир қаторда адабиёт соҳасида ҳам унинг ўлмас ижод намуналари ёш авлодга мерос бўлиб қолди.

Адиб бу асарлари орқали юксак чўққиларни забт этган. Уни нафақат Францияда романтизм йўналишидаги ёзувчи, балки умумий адабиёт соҳасига эндигина ўзининг илк қадамини қўйган ижод аҳлининг узтози десак адашмаган бўламиз. Шогирдларидан бири Виктор Гюго у ҳақида шундай деган эди: "Мен Шатобриан бўлишни хоҳлайман, ёки ҳеч ким". Айнан В.Гюгонинг Шатобриан ҳақида юқоридаги фикри ҳам бу инсоннинг шу қадар илдизлаган ижоди ва у яратган шоҳ асарларига бўлган эҳтироми эди.

Шатобриан турли жанрларда жумладан: роман, эссе, хотира, автобиографик жанрларда ижод қилган. 1801 йилда "Атала", 1802 йили "Рене", 1848 йилда "Мемоирс дъаутре-томбе" (Қабр ортидан хотира) асарида Шатобриан ҳаёти эпизодлар орқали ҳикоя қилинган, 1844 йилда Вие де Рансе (Рансе ҳаёти), 1809 йилда Лес Мортйрс, Ле Нормант аполоник асарлари нашр этилган. Ундан ташқари ёзувчи Иеросалимга саёҳат қиссаси ёритилган «Итинраире де Парис» асари ҳамда, "Гение де Чристифнисме", яъни "Христианлик даҳоси" каби асарлари ҳам мухлислар қалбидан жой эгаллаган. 1801 йилда яратилган "Атала" асарини Шатобрианнинг Америкага қилган саёҳатлари ҳақида ҳикоя қилувчи асар десак адашмаймиз. Ушбу асар христианлик даҳоси асарининг таркибига кирувчи романлардан бири ҳисобланади. Бу асар тез орада ёзувчига катта муваффақият келтирди. Атала Франсоис Рене де Шатобрианнинг ишқни, муҳаббатни тасвирлаган ва барча воқеаларни дин билан боғлаб кўрсатган асари ҳисобланади.

«Атала» унинг машҳур асарларидан биридир.



"Атала" (Тес чассеурс) "Атала" (овчилар)

Ўғлим, йўлларимизни бирлаштириб қўйган тақдиримизга ҳайрон бўлмаслигимиз мумкинми? Шундай қилиб, ёввойи бўлишни истаётган маданиятли инсонни кўраман; мана сен менга қараганингда мен ёввойини кўраяпман, Улуғвор мавжудотнинг иродаси билан қандайдир номаълум мақсадлар учун ижтимоий ва маданий тараққий этган жамиятта қўшилган бир ёввойини кўргандай бўласан.

Ҳаётимизнинг бошланиши ернинг турли бурчакларида эди, сен эса менинг ўлкамдан осойишталик қидириб келибсан, мен эса бир вақтлар ватанингда осойишта ҳаёт кечирган эдим: демак биз сен билан ҳар бир нарсага турли хил нигоҳ билан қарашимиз керак. Қайси биримиз кўпроқ ютдик, иккимиздан қай биримиз ҳақиқий қиёфамизни ўзгартириш натижасида кўпроқ нарсани йўқотдик? Бу фақат руҳларга аён, чунки уларнинг энг билимсизи ҳам инсонларнинг барчасининг ақлини бирлаштирганидан-да кўра кўпроқ доноликка эга.

Гуллар ойи келганида, етти марта ва яна учта қор ёғиб ўтган, онам мени шунда Мешасебе соҳилида дунёга келтирган. Бундан бироз олдин, испанлар Пенсакола кўрфазига жойлашиб олган эдилар, аммо Луизианада ҳали оқ танли одамлар йўқ эди. Отам, Уталисси жангчиси эди, Флорида штатидан кучли мускогулжлар қабиласига қарши юриш

қилгани чиққанида, мен энди ўн етти баҳорни кўрган эдим. Биз испанлар билан иттифоқдошларимиз биргаликда Мобил дарёсининг қирғоғида жанг қилдик. Аммо Арескуи ва Маниту бизга омадсизлик келтирди. Душманлар устун келди, отам ҳалок бўлди, мен эса уни ҳимоя қилиб, икки марта яраландим. Оҳ, нега мен ўша вақтда руҳлар маконига йўл олмадим! Мен ер юзиде пайдо бўлаётган кулфатларнинг олдини олишим керак эди. Аммо руҳлар менга яна бир синовни тайёрлаб қўйган эдилар: жанг майдонидан қочганлар мени ўзлари билан олиб кетиб, Сент-Аугустинга олиб кетдилар.

Бу шаҳар испанияликлар томонидан янги қурилган эди, мен ўзимга жабр қилсам ҳам устимдан кулган мексикаликларни кўриб, бир қари костилиялик Лопез исмли эркак, менинг ёшлигим ва соддалигим сабабли тунашга ижозат берди ва ўзи билан яшайдиган турмушга чиқмаган опасини мен билан таништирди.

Уларнинг иккаласи ҳам мен учун энг нозик туйғуларим эди. Улар мени жуда қаттиқ қўриқлашар эди; менга кўп қўриқчи ҳамда ҳимоячилар бириктирилган эди. Бироқ, Сент-Аугустинда ўттиз ойни ўтказганимдан кейин, шаҳар ҳаётидан нафратланиб қолдим. Мен тезда кўздан ғойиб бўлар эдим: бир лаҳзада узоқ ўрмонлар чўққисини забт этган ҳолда, соатлаб жойимдан



қўзғалмасдан турар эдим; баъзан дарёнинг нариги томонидаги ҳаётим азоб уқубатларини ҳис қилган ҳолда кузатиб ўтирар эдим. Мен бу сувнинг тўлқини билан ўрмонни тасвирилаб туриб ҳамма нарсадан қалбим бутунлай ёлғизликда эканлигини сезардим.

Энди саҳрога қайтиш истагига қарши тура олмадим, бир куни эрталаб Лопесга кийимларимни кийиб, бир қўлимда камон ва ўқларимни, иккинчисидан эса европача кийимимни ушлаганимча тушинтирдим. Мен уларни саховатли ҳимоячимга бердим ва унинг оёқларига йиқилиб, кўз ёшларимни тўқдим. Ўзимга ўзим нафратланганларимдан воз кечишга қасам ичдим. Мен ўзимни шакколикда айблай бошладим: "ва, ниҳоят, унга дедим, ота! буни ўзингиз кўрасиз: агар мен уни ҳиндулар қўлидан озод қилмасам ўзимни ўзим ўлдираман".

Лопез, ҳайратга тушиб, мени бу ниятимдан қайтаришга уринди. У мени муссогулжларнинг қўлига тушиб қолишимга олиб келадиган хавф-хатарлардан огоҳлантирди. Аммо, ҳамма нарсани бажаришга қарор қилдим, кўзлари ёшга тўлиб, мени маҳкам қучоқлаб: "бор, табиат боласи! - деди. Лопез сени қарорингдан қайтара олмайди. Агар ўзим ёш бўлганимда, сени чўлга боришингда (менда ширин хотиралар қолдирган) ҳамроҳ бўлар эдим ёки сени онанг ёнига ташлаб ўзим борар эдим.

Ўрмонда бўлганимда, бир неча бор сенга меҳмондўстлик кўрсатган қари испанияликни эсла, у ҳақида ўйлаб кўр ва ўз юртдошларинга бўлган севгингни, меҳрингни кўрса-

тиб туришни унутма, бу инсон қалбига йўл ва унинг ифодаси. Лопез масиҳийларнинг Худосига ибодати билан якунлади, мен ибодат қилишдан бош тортмаганлигимни айтдим ва биз ғамгинлик билан хайрлашдик.

Тез орада мен ношукурлигим учун жазоландим. Тажрибам мени ўрмонга олиб кириб кетди ва Лопез менга башорат қилганидек, муссогулжлар ва симиоллар томонидан қўлга олиндим. Мени натчезлар кийимимни кийганим ва бошимни патлар безатиб турганидан таниди. Ёшлигим сабабли, бироз орқамдан кузатди. Қўшиннинг бошлиғи Симаган менинг исмимни билмоқчи бўлди; Мен жавоб бердим: "Менинг исмим Чактас, Мискунинг ўғли Уталиссининг ўғли, Муссогулж қаҳрамони. "Симаган менга шундай деди: "Миску ўғли Уталиссининг ўғли Чактас, хурсанд бўл, яқинда катта қишлоқда ёниб кетасан.

"Мен кетдим:" Бу яхши; ва мен ўлимим қўшиғини эшитдим. Бази бир маҳбуслардек, мен дастлабки кунлардан душманларимни ҳайратга солиб қўймаслигим керак эди. Муссогулжи ва айниқса, унинг итфокдоши Симинол қувноқ, меҳр, қувончни синдиради. Унинг ҳаракатлари енгил, феъл-атвори очиқ ва самимий эди. У соддалик билан кўп гаплашди; унинг тили равон ва осон.

Ҳаттоки ёшимиз Сачемни бу қувончли соддалик билан ҳайратлантира олмайди, бизнинг ўрмонимиздаги қатри қушлар сингари, улар эски қўшиқларини ҳали ёш авлодларининг янги авлодлари билан ара-



лаштирадилар.

Қўшинда бирга олиб борган аёллар менинг ёшлигим туфайли ачишишди ва хушмуомалалик билан билишга қизиқишди. Улар менинг уердаги ҳаётимнинг биринчи кунларида онам ҳақида сўрашди; шамоллар мени кичик қушларнинг уясига яқинлашганда, улар майса боғчасини бешикларини чиннигуллар боғлари билан тўхтатиб қўйганми ёки йўқми билишмоқчи эди. Ўшанда юрагимнинг ҳолати тўғрисида минглаб бошқа саволлар бор эди: улар орзуимдаги оқ рангни кўрганмикин, деб сўрадилар ва махфий водийнинг дарахлари мени севишни маслаҳат берганми? Мен оналар, қизлар ва эркаклар хотинларини севиши бефойда деб жавоб қилдим. Мен уларга: "Сизлар куннинг ва туннинг неъматларисизлар, сизларни атиргуддек севади", - дедим. Эркак ўзини тутиш ва оғзини ёпиш учун қаддини кўтарди; барча оғриқларни даволайдиган сеҳрли сўзларни биласиз деди. Менга туғилган ва яна кимни кўрмайдиган одамни менга айтинг. У менга яна бир бор қизларни фақат ёлғиз жойларда топилган сирли гуллар деб айтди. "

Бу мақтовлар аёлларни жуда хурсанд қилди: улар мени турли хил эҳсонлар билан сийлашдилар; улар менга ёнгоқ кремани, чинор шакарини, сагамитни [маккажўхори қайласини (Н.Д.А.)], айиқ ветчинасини, сув қундузи терисини, безак учун чиганоқ ва палтом учун мўйналар олиб келишди. Улар қўшиқ куйлаш-



ди, улар мен билан кулишди ва кейин ёндириб юборишларини ўйлаб, кўз ёшларини тўкишардилар.

Кечаси мускогулжлар лагерини ўрмон четига жойлаштирган бўлсалар ҳам, мен уруш олови ёнида ўтирган эдим, овчи менга ғамхўрлик қилди. Тўсатдан мен ўтдан қилинган кийимнинг шовқинини эшитдим ва ярим ёпиқ хоним келиб, ёнимга ўтирди. У кўз ўнгимда йиғлаб юборди; кўкрагида олтин кичкина хочга михланган олов порларди. У бетакрор гўзал эди; унинг юзида мен гўзал ва эҳтиросли нарсаларни пайқаб қолдим. Бу унга янада нафислик қўшганди: қизнинг ҳушёрлиги чуқур нигоҳи билан бирлашиб, унинг ақли-ҳушини ўғирлаган эди; унинг табассуми жуда мулойим эди.

Француз тилидан Улжон Қаршибоева таржимаси

СамДЧТИ «Француз тили ва адабиёти» кафедраси профессори.